

ГУЛЖАҲОН    МАРДОНОВА

# НУР ТЎЛА УЙ

Совчилар-элчилар  
Никоҳнинг пайдо бўлиши  
Қадриятларни унутмайлик  
Чироғинг ўчмасин, ой келин  
Нурга тўлган уй  
Бешик тўйлари

Тошкент-"Меҳнат"-1992

ББК 63.5  
М 26

*Тақризчи:* Санъат Маҳмудова

*Муҳаррир:* Акрам Амминов

М 26

**Мардонова Гулжаҳон.**

Нур тўла уй. — Т.: Меҳнат, 1992. — 88 б.

Рисолада халқимизнинг қадим-қадимдан давом этиб келаётган хайрли, гўзал урф-одатлари, никоҳ тўйларининг ўтказилиш тартиби, совчилар таширифи, келин-куёвнинг миллий либослари, бешик тўйларининг такрорланмас ўзига хослиги, миллий анъаналар жумҳуриятимизнинг барча вилоятларидаги тўйлар мисолида кўрсатиб берилди. Шунингдек, тўйларимиздаги муаммолар, йўқолиб кетган баъзи бир удумлар ва янгидан вужудга келган тамойиллар талкин этилади.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Мардонова Г. А. Дом наполненный светом

ББК 63.5

М  $\frac{0505000000-31}{М 359 (04)-92}$  64-92  
ISBN 5-8244-0651-0

С «Меҳнат» нашриёти, 1992



### СЎЗБОШИ УРИНДА

Халқимизнинг қадим замонлардан буён давом этиб келаётган гўзал маросимларидан бири никоҳ тўйидир.

Хўш, никоҳ тўйларининг ўзига хос хусусиятлари нимада? Улар қандай пайдо бўлган? Унинг қандай шартлари бор ва жумҳуриятимиз вилоятларида қай тарзда ўтказилади?

Бу саволларга жавоб излаш билан бир вақтда халқимизнинг ўтмиш маданиятига, унинг тарихий этник хусусиятларига назар ташламоқ жонзидир. Маълумки, авлодаждодларимизнинг барча муқаддас одатлари, анъаналари инсоний қадриятларга бўлган чуқур меҳр-муҳаббат заминида шаклланган ва камол топган.

Никоҳ тўйлари билан боғлиқ одатлар — совчилик, фотиҳа бериш, қиз ва куёв ташлаш, синов удумлари, келин кўрсатиш келин салом, куёв чақирди ва ҳоказолардан иборат. Бу одат ва маросимлар икки ёшнинг бахтли турмуш қуришида ишончли ва мустаҳкам кўприк вазифасини бажара олади.

Сир эмас узоқ йиллардан буён бу муқаддас одатлар эскилик сарқити, деб камситилди. Миллий удумларга чуқурроқ эътибор берилмади. Уларнинг тарихий илдизлари ўрғанилмади. Юртимизда демократия шабадалари эсиб, тарихий қадриятлар тикланаётган бир пайтда ҳам кўпинча қораланиб, таъқиб остига олинди. Муқаддас, хайрли, инсонни урф-одатларга менсимай қаралди.

Шукрки, кекса онахон ва отахонларимиз қалбидан қачонлардир жой олиб, мухрланиб қолган ёр-ёрлар, келин салом, алла қўйишлари турли ривоят ва афсонадар паноҳида яшаб қолди.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимизнинг ҳар бир вилояти-

да ўтказиладиган никоҳ ва бошқа тўйларнинг ўзига хос томонлари борки, булар орқали олисда қолган ўтмиш маданиятимизни ўргана оламиз.

Лекин аждодларимизга хос бўлмаган манманликнинг бир кўриниши сифатида тўйлар ким ўзар мусобақасига айланиб кетди. Ортиқча чиқимлар, сарф-харажатлар кўпайди. Тўйларда ортиқча ичкиликбозликка йўл қўйилди. Бу эса ўз-ўзидан ўтмиш маданиятимизни билмаганлигимиз, уни тан олмай қўйганлигимиз оқибатидир. Шу боис ушбу мавзуда қалам тебратишга журъат этдик. Албатта, бу мавзу илмий жиҳатдан эмас, балки публицист тадқиқоти сифатида юзага чиқди.

Жумҳуриятимиз вилоятларида ўтказиладиган никоҳ тўйлари билан боғлиқ айрим маросимлар, урф-одатлар қогозга тушмай қолган бўлиши мумкин. Бунинг учун азиз китобхондан аввалдан уэр сўраб, рисола ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини нашриёт мапзилгоҳига ёзиб юборишларини сўраймиз.





## I. СОВЧИЛАР -ЭЛЧИЛАР

Халқимизнинг энг яхши кунларидан бири тўйлар ўтказиладиган кун ҳисобланади. Шунданدىрки, кексаларимиз доим: «Хар кимни тўйга етказсин, орзу-ҳавас кўрсин», дейдилар. Ана шу орзу-ҳавас замишида она халқимизнинг дилидаги барча орзу-армонлар рўёбга чиқади. Қариндош-уруғлар, хешу ақробалар, ёр-биродарлар тўйда учрашиб, самимий тилакларини бир-бирига изҳор этадилар. Хўш тўйларимизга тайёргарлик қандай бошланади?

### СОВЧИНИНГ КЕЛИШИ

Халқимиз қадим-қадим замонлардан буён қалб тўрида ардоқлаб, эъзозлаб келган муқаддас одатлардан бири — совчиликдир. Совчилар — икки ёшинг танишувида, бахтли турмуш қуриб кетишида ва икки хонадон ўртасида яхши муносабат ўрнатишда воситачи саналадилар. Шунинг учун элчиликка борадиган одам хоҳ эркак, хоҳ аёл киши бўлишидан қатъи назар доно, оқила, кўшни кўрган, обрў-эътиборли бўлиши керак.

Совчилик тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимда уруғ ва қабилалар ўртасида қиз узатиб, ўғил қўллантириш маросимларида ўша энгу элатларнинг бир-бирлари билан тинч, омон-омон иттифоқ тузишларида

ҳам совчилар муҳим вазифани бажарган бўлишлари эҳтимол.

Совчилик ниҳоятда муқаддас бўлиши билан бирга икки ёшнинг оила қуришида ҳам қарз, ҳам фарз бўлган азалий одатдир. Унинг муқаддаслигини Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбадапбегим ёзиб қолдирган «Ҳумоюннома» тарихий-этноик асарига келтирилган кичик бир лавҳа ҳам исботлайди. Яъниким: Ҳумоюн подшоҳ Мирзо Ҳиндолнинг саройида Ҳамидабону бегимга кўзи тушади. Ва кўп ўтмай Ҳамидабону бегимнинг қўлини сўраб киши қўйдиради. Ҳамидабону: «мен қўлимни узатсам бўйнига етадиган кишига тегаман», деб қилган ишжиқлиги натижасида совчилар рошча-роса қирқ кун овра бўлишади. Уни кўндиришгунга қадар эса Ҳумоюн подшоҳ сабр билан кутади.

Шу нуқтада диққатни бир нарсага жалб этмоқчиман. Яъни Ҳумоюн подшоҳ ўз мамлакатининг шоҳи, еру кўкнинг эгаси бўлишига қарамай аждодлардан ўтиб келган одатни оёқ ости қилмайди. Ваҳоланки, бунга унинг қудрати етарди. Зўрлик билан бўлса-да бону висолига етиши мумкин эди.

Ўша кутиш тагида нафақат сабр, балки қиз томонга бўлган эҳтиром, ички маданият, ҳурмат зоҳирдир. Ҳадисда айтилганидек: «Имоннинг афзали — сабр ва кенг қалбли бўлишдир». Қолаверса, Ҳумоюн подшоҳ қиз боланинг эшигига келган совчи унинг зийнати, обрўси бўлиши билан бирга, ноз-истигноси ҳаёнинг кучлилигинда даракдир, деб билди.

Биз шу ерда асосий масалага ўтишдан аввал кичик бир чеккини қилиб, ўзбек халқининг шаклланишига тўхталиб ўтсак. Зеро, ўзбек халқининг шаклланиши ҳақидаги тасаввуримиз мукамал бўлмоғи жоиздир.

Қадим замонларда Туркистон — ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида туркий ва эроний тилларда гаплашадиган аҳоли яшаган. Бу этник гуруҳлар ўтроқ ва кўчманчи қабил ва уруғлардан иборат бўлган. VI асрда турк ҳақонлиги ташкил топиши муносабати билан эса «туркий» деган ном кенг тарқалган.

Хўш, ўзбеклар-чи? Улар қандай пайдо бўлишган? Қадимда кўчманчи туркий қабилалар — юечжилар, хуннлар, Олтойдаги қабилалар бора-бора Ўрта Осиёнинг ўтроқ туркий ва эроний тилда сўзлашувчи аҳолиси билан қўшилиб, шу асосда ўзбек ва тожик халқлари вужудга келган.

Шу жиҳатдан қараганда, туркий халқларнинг сиёсий

луғати «Девону луғатит турк» ва шу тилда қозоғга туширилган «Қутадву билиг» асари XI асрда ёзилганини инobatга оладиган бўлсак, ўзбек халқи ва унинг тили ўша асрдан олдинроқ ташкил топганининг гувоҳи бўламиз.

Шу жиҳатдан қараганда, XVI асрда Дашти қишлоқдан Ўрта Осиёга бостириб келган Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек қабилалари бу ердаги маҳаллий ўтроқ туркий халқлар билан аралашиб кетди. Ва шу асрдан бошлаб ўзбек деган ном расмийлашди.

Энди яна совчилик ва унинг аҳамияти ҳақидаги гапга қайтсак.

Ота-она ўзининг бор яхши фазилатларини хоҳ ўғил, хоҳ қизи феъли-атворига ўтказа олса ва бу фарзанд ҳақида маҳалла «қобил бола» ёхуд «оқила қиз», деб гашира бошласа, уни тиловчилар кўнаяди. Ўйигит бўлса таърифи кетган меҳнатсевар қизга уйланмакка шошади. Қиз «ёшигининг турмини совчилар бузади».

Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг қаҳрамонлари Анвар ва Раъно тўғрисида эсламай қолмай йўқ.

Улар нега сеvimли?

Анвар зукко, оқил, олти ёшда савод чиқариб, ўн бир ёшда дунёвий билимларни тугал эгаллагани учунми? Ёки ўзига тарбия берган Солиҳ Маҳдум розилигисиз бир нисга қўл урмагани учунми?

Раъпочи?

Ўн тўрт ёшидан «Ҳафтияк», «Қуръон», «Чаҳор китоб», «Сўфӣ Оллоёр», «Маслаки муттақий», Навоий, Амирий, Фазлий, Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедилни мукаммал билгани учунми?

Албатта-да. Бу китобларни енгил табиат, қўлимсиз йигит-қизнинг ўқишга сабру бардоши чидармиди? Демак, инсоннинг китобга муҳаббатидан ҳам унинг кимлигини билиш мумкин.

Нафақат бундан, балки унинг кийган либоси ҳам эгаси тўғрисида маълумотнома бериб туради.

«Хўш, либос ҳаётимизда қандай аҳамият касб этади? Бунини дунёдаги энг олдини сўзлар билан изоҳлаб қўя қолиш мумкин. Совуқда танамизга психиклик, психикда эса салқинлик бахш этади. Лекин либоснинг аҳамияти фақат шундангина иборатми? Кимдир либос психиклиги, роҳати-жонлигидан ташқари қоматимизга, чеҳрамизга чирой бағишлайди, дейиши мумкин. Тўғри, кимдир ғамгин ёки шодон кунлардаги бизнинг ғамгин ёки тушқун кайфиятимизни билдиради, дейиши ҳам мумкин. Бу гап ҳам тўғри. Лекин либос энг аввало уни кийган одамнинг ич-

ки дунёси, ақлу фаросати, дидию дёнати қай даражада-  
лигидан ҳам дарак беради. Яна бир аён ҳақиқат — ли-  
бос одамнинг қан юрт фарзанди эканлигини ҳам акс эт-  
тиради. Ҳа, либос бизнинг қай халққа маъсублигимизни  
ҳам билдириши керак.<sup>1</sup>

Ўзининг миллатини ҳамма нарсадан устун қўювчи  
қизлар унинг ақлдаларига ҳам содиқ қоладилар. Мил-  
латга содиқлик эса оилага, фарзандларга, эрга содиқлик-  
ни юзага келтиради.

Шу жиҳатдан қараганда илгари жумҳуриятимиз  
вилоятларида қизларнинг либоси келинларникидан аж-  
ралиб турган. Мен маша шу фарқнинг ҳозир бўлишини  
ҳам жуда истардим. Албатта, замонадан орқада қолиб  
калиш-махсида ўралашиб юрсинлар, демайман. Аммо  
сочларига оро беришда, тақинчоқлар тақинишда қизлик  
дунёсини келиш бўлмасдан туриб, келинлик салтанатига  
алишиб қўймасинлар, дейман.

Хўш, илгари қизларнинг келинлардан фарқи нимада  
акс этган? Аввало улар қош теришмаган, зулпак қирқиш-  
маган. Ургутлик ҳамда андижонлик қизлар сочларини  
жумбилак қилиб пешоналаридан ўрганлар. Яккаю ягона  
пардозлари ўсма бўлган. Қўқонлик қизлар жавак тақини-  
ган. Амиркон маҳси калиш, қимматбаҳо шпаклик кўйлак-  
лар кийиш уят саналган.

Ҳозир ҳам Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабзлик тур-  
мушга чиқмаган қизлар бу ақлдаларга амал қилишди,  
хусусан «тош босар» дўппи, заргар ҳалқа тақинмайди.

Гоҳида кўча кунда ёш-ёш қизларнинг ҳаддан зиёд  
бўйинишганини, келинбойиси киймаган қимматбаҳо  
кўйлакларни эгниларига илишганини кўриб ҳайратдан  
ёқа ушлаймай. Қизларимиздан шарм-ҳаё, ибо кўтарил-  
маса, дейман. Уларнинг ҳар бир тола сочига биттадан  
йиғит ошиқ бўлиб эшиклари турмини совчилар бузса  
дейман.

Дарҳақиқат — совчилар.

Совчиликнинг қачон ва қандай пайдо бўлганини аниқ-  
лаш йирик этнограф олимларимиз вазифасига киради.  
Гарчанд бу урф-одатимиз тўғрисида бироқ илмий маъ-  
бадан ўқишга муяссар бўлмаган бўлсамда, «Ахлоқ-одобга  
оид ҳадис намуналари» китобчасида келтирилган совчи-  
лик ҳақидаги ҳадисдан маълум бўладики, совчилик ўзи-  
нинг асрларга тенг келадиган тарихига эгадир.

Шу жиҳатдан қараганда бизнинг жумҳуриятимизда

<sup>1</sup> Д. Саидова «Саодат», 1989 й, 8-сон



қолаверса ушшг вилоятларида совчиларнинг келиши ҳар хил кўришни касб этган. Бу аҳтимол ўзбек миллатининг қарлуқ, чигил, ёгма, ўғуз, қипчоқ, барлос, қовчин, арлат, жолойир, мангит, минглар, қўнғирот каби ўнлаб уруглардан ташкил топганига боғлиқдир. Бу уруглар жумҳуриятимизнинг чекка-чеккаларигача тарқалиб кетган. Шуниси қизиқки, қўнғирот уруги хоҳ Сурхондарёда, хоҳ Қашқадарёда, хоҳ Қорақалпоғистонда бўлсин тўй урф-одатлари, либосу тақинчоқлари бир бирига ўхшашдир. Бу нафақат миллатнинг балки уругнинг ўзлигини сақлаб қолишдаги жонбозлигидап далолатдир.

Бизга яхши маълумки, йиллар давомида ўзбек халқини жуда кўп маънавий бойлигидап бенасиб этмоқчи бўлдилар. Аммо унинг қон-қонига сингиб кетган орияти, мағрурлиги, қолаверса, ҳаёсини тортиб ололмадилар. Худди мапа шу фазилатларнинг исботи сифатида совчилик кўз олдимизда қад ростлайди.

Туркий миллатларда, шунингдек ўзбекларда ҳам ҳеч қачон совчи бориб, ҳали иш тўла ишмаган хонадонга иккинчи бир хонадон совчи қўймайди. Бу ҳолатнинг юзага келиши биринчи бўлиб совчи қўйган хонадонга нисбатан ўта ҳурматсизлик, юзига оёқ қўйиши сапалади.

#### **ҲАДИС:**

*«Гумондан сақланинглар! Зеро у ёлғон гандан иборатдир. Бир-бирларингизни текириб жосуслик қилманглар. Мол-дунё учун мусобақа қилманглар. Урталарингизда ҳасад, адоват ва аразлаш бўлмасин. Тангрининг биродар бандалари бўлинглар. Биров қўйган совчи устига то улар ўзаро битишгунча ёки тарк қилишгунча, совчи юборманглар».*

(Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари Тошкент, «Фан» 1990 й).

Гарчапд юқорида таъкидлаганимиздек, совчиларнинг келиши ҳар хил кўришнинг эга бўлса-да, ҳаммасида эзгу ниятлар, оппоқ тилаклар жамулжамдир. Ким бировнинг хонадонига яхши ният билан эркак кишини, ким аёл кишини элчиликка йўллайди.

Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа, Бухоро вилоятининг Ромитон, Сурхондарёнинг Қумқўрғон, Қашқадарёнинг Қамани, Чироқчи туманлари ва Самарқанднинг шаҳар марказларида, Булунгур, Советобод туманларида, Хоразмининг айрим ноҳияларида эркак киши, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Самарқанд вилоятининг Ургут, Наманган вилоятининг Норин, Тошкентнинг шаҳар депараларида, Жиззахнинг

Зомин, водийнинг деярли барча туманларида аёллар совчиликка боришади.

Нега шундай? Сабаби эрақак киши совчиликка келадиган нуқталарда эрақаклар оилада устун ҳисобланадилар. Аёллар совчиликка борадиган депараларда аёл қадами теккан жойда озодалиқ, ноқизалиқ, болажонлик зоҳирдир, деб ишонадилар.

Ҳар икки кўринишнинг ҳам маъқул ва номаъқул томонлари бордек.

Совчи — нафақат икки ёшнинг боши қовушишида, балки икки катта хонадон, қариндош-уруғларнинг бир-бирлари билан яқин биродар ёки акси бўлиб қолишида ҳам сабабчидир.

Эрақаклар совчиликка борганларида фақат ота-она суҳбатига, ўзини тутишига эътибор қиладилар. Гўёки фарзанд яхши ота-она тарбиясидан қочиб узоққа бормади деб ўйлайдилар. Гоҳида бунинг акси бўлиб чиқиши ҳам мумкинлигини хаёлга келтирмайдилар.

Хўш аёллар-чи?

Улар табиатан синчков бўлишади. Шунинг учун қизнинг ота-онаси, уларнинг бир-бирига муомаласидан ташқари озодаликка, тартибга кўпроқ эътибор берадилар. Ва келин таплашда унчалик адашмайдилар ҳам. Шунинг учун ҳам совчиликка эрақак билан аёлнинг боргани маъқулдир. Ҳарқалай, икки киши бир кишига қараганда кўпроқ кузатиб ва кўпроқ кўриб улгуради.

«Қўлачилик — минг йилчилик» деганларидек келин таплашда ҳам куёв таплашда ҳам адашиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам совчилар қиз томон хонадонининг маҳалла-куйда, қишлоқда, ишхонадаги обрўси билан яқиндан танишсалар ёмон бўлмайди. Зеро, Қайковуснинг «Қобуснома»сида шундай дейилган: «Хотин камолга етган оқила бўлган, онасининг кадбонулигин<sup>1</sup>, отасининг кадхудолигини кўрган ва билган бўлсун. Агар бундоқ позанин қўлингга тушса, уни асло қўлдан чиқармагил ва жаҳд қилиб уни олгил ...»<sup>2</sup>

Қолаверса биз ота-боболаримиз амал қилган мучалига қараб қиз узатиб, ўғил уйлантиришни унутганмиз. Зеро йўлбарс мучалидаги йигит шу мучалдаги қизга уйланса, улар яхши яшамайдилар, ниҳоят ажрашадилар.

<sup>1</sup> Кадбону — уй бекаси, ишчан хотин.

<sup>2</sup> У н с у р у л м а о л и й К а й к о в у с. «Қобуснома», Йигирма олтинчи боб. Хотин олмоқнинг зикрида. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1986 й, 82-бет

Чувки йўлбарс ўрмон шоҳи, йўлбарс мучалидаги одам ҳам хонадонда шоҳ бўлишни истайди. Эҳтимол тўй қилишда шу нарсаларга эътибор қилмаётганимиз оқибатида ажралишлар кескин кўпаяётгандир.

Қорақалпоғистон, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарёнинг кўнғирот уруги яшайдиган районларида яна бир одат бор — бу «бешик кертн» ёки «қулоқ тишлатар» деб аталади.

«Бизга яхши маълумки, бирга ўқиб, ёхуд бирга ишлаб кўнгиллари тўғри келиб қолган ўртоқлар, дугоналар яхши ният билан «худо хоҳласа қуда бўламиз» деб аҳд паймон қилишади. Ва ҳар икки оилада икки жинсли фарзанд туғилса чақалоқлигидаёқ қулоқ тишлатди қилишади. Гўёки шу билан ўша қизча банд этилади.

Жиззахда ўғил чақалоқнинг уйдагилар совға-салом олишиб қиз чақалоқни кига боришади. Келтирилган ширинликлар бешик устидан сочилишига рухсат этилса бу қиз томонининг розилигидир.»<sup>1</sup>

Қорақалпоғистонда эса ота-онанинг розилиги билан чақалоқларга ноп сиңдирилган. Ўғил чақалоқ оиласидагилар 10, 20 ҳатто ўзига тўқ оилалар 30 жонлиқ, (қўй, эчки, сигир, туя, от кабилар) гача қиз томонга жўнатишган.

Бу одатнинг яхши томони — ота-она ўзи кўнгли тортган хонадон билан қуда-анда бўлиб, қариндош бўлиб кетади. Емон томони эса йигит-қизнинг кўнгли ҳеч кимни қизиқтирмайди. Улар бир-бирларига муносиб бўлиб вояга етишадими, йўқми буни ҳеч ким ўйламайди. Ахир, йигит-қизнинг нафақат ақл одоби, балки юз тузилишидаги самимият, гўзаллик ҳам бир-бирига мос тушмоғи керак.

Ҳозир мана шу муаммо қорақалпоқ ёшларини миллатга, урф-одатларга хиёнат қилишга мажбур этмоқда. Қиз кўнгли тусаган йигит билан қочиб кетмоқда. Бу эса ота-онани нафақат собиқ қудалар, балки эл-улус олдида ҳижолатга солаяпти.

Шу сабабдан ҳам бу одатлар аста-секинлик билан барҳам тониб бормоқда.

### СИНОВ УДУМЛАРИ

Ҳамма миллатнинг ўз юрак тубида асраган ва асраётган дуру маржони бўлмиш аجدодлардан мерос қолган гўзал урф-одатлари бўлади. Мана шу одатлардан бири

<sup>1</sup> З. Муминова. «Саодат», 1990 й, 9-сон

куёв ва келин синашди. Хўш, синов одати нима учун керак?

Аввало икки ёш бир-бирини кўрмаган, билмаган бўлса, дабдурустдан турмуш қуришни мумкин эмас. Ўз асарида киши қиёфаси ва ички оламиини маҳорат билан очиб берган Оноре де Бальзак никоҳга ижодкор кўзи билан қарайди: «Эр-хотин ёстиқдош бўлгувларига қадар бир-бирларининг одатлари, феъл-атворлари ва характерларини мукамал ўрганмаган экан, улар бахтли бўлолмайди». «Хусн тўйда, ақл кунда керак» деганларидек бир одамнинг феъл-атворини, маънавий савиясини, ички маданиятини кўриб, билиб, арзинмаган бир ҳаракатидан ҳам сезиб олиш мумкин.

Хўш, Туркистонда, хусусан Ўзбекистонда келин ва куёв қандай синалган? Бизга ўилаб ўзбек халқ эртактларидан маълумки маликалар турмуш қуришидан аввал талабгор йиғитга бир қанча шартлар қўйганлар. Йиғитлар тоғдаги одамхўр аждарҳоларни, ёвуз девларни ўлдиришган, фалон мамлакатдаги фалон жодугарининг олтин ёлли отини келтиришган.

Шу билан улар ўзларининг ўктам, баҳодир, тадбиркор эканликларини малика олдида исбот қилганлар. Ва қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб малика висолига етганлар.

Бу синов одатлари йиллар давомида сайқалланиб ҳозирги кунгача етиб келди. Жумҳуриятимизнинг кўпгина жойларида хусусан, Самарқанд вилоятининг Булунгур тумани, Андижон шаҳри, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани айрим қишлоқларида бу одатлар кичрайган ҳолатда сақланиб қолган.

Булунгурда куёвнинг сабр тоқатини учига миҳ қоқилган гаврон билан туртиб билганлар. Андижон шаҳри ҳамда Пахтабод туманида куёвга кунда ёрдириб кучқувватини синаган бўлсалар, айрим қишлоқларда, куёв олдида чўзма лагмон қўйиб овқатланиш маданиятини синаганлар. Шуниси қизиққи Яккабоғнинг Қорамурча қишлоғида куёвларга тандир-ўчоқ солдиришади.

Хўш, нега ҳар бир вилоятда синов одатлари турлича?

Бунга сабаб, ўша ерда яшайдиган туркий уруғларнинг этник таркиби, келиб чиқиши турличадир. Бу эса ўз-ўзидан ўзбек халқи этник жиҳатдан шаклланиб бўлди, деган даъвонинг асоссиз эканлигини исботлайди.

Сабр-тоқатни синовчи Булунгур районида сарой уруғи яшайди. Бу уруғга мансуб одамлар одатда кенг феълли, ҳар нарсага жаз этиб ёппимайдиған, оғир

карвон бўлишадн. Улар табнатарн шу даражада босиқки, хатто елкасига мнх суқсангиз, парволарига келмайди.

Фаргона водийси азалдан дов дарахтларга бой, гўзал, хушмаъзара макон. Одамлари хушфёъл, маданиятли. Гапираётган ганлари кўнглингизга тегншпдан чўчиб туришадн. Эҳтимол, бўлажак куёвга ўтин ёрдириб, олди-га лағмон қўйиш уларнинг шу хусусиятлари билан боғлиқдир.

Албатта, ёлғиз куёвнинг яхшилиги, меҳнатсеварлиги билан турмушнинг типчилигини таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун келин ҳам унга лойиқ, оқила, бокира қиз бўлиши керак.

**ХАДИС:**

*«Қайси бир аёлга уйланиш дилга тушиб қолса, олдин уни бир кўришлик ёмон эмас».*

Масалап, тоғли Бадахшон водийсида яшайдиган халқлар қизликка совчи йўллашдан аввал бўлажак қудасининг ҳовлисида ўрик дарахти борми-йўқлиги билан қизиқишаркан. Сабаби, ўрик бу ерликлар учун соғлиқ, тўқлик, манбаи. Улар қшин-ёзин ўрик истеъмол қиладилар.

**ХАДИС:**

*«Аёл диёнаги ёки молу дунёси ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топгур!»*

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқлари душманга қаршилигининг улуг тимсоли бўлиш Спитаменнинг бошини ёвга унинг гўзал, аммо маккор ва диёнатсиз хотини келтириб берган, деган ривоят юради. Бу ривоят қанчалик рост-ёлғошлигини билиш қийин. Аммо, аёл деган зотнинг боқпралигига, диёнатлилигига мапа шу воқеа гумон туғдириб, аёлларни ҳам синаш лозим, деган фикр одамларда пайдо бўлгандир. Дарҳақиқат, аёлнинг ҳам яхши ва ёмони бор.

Улуг Ватан урушида миллионлаб одамлар ҳалок бўлдилар. Улар орасида мўйлаби эпди сабза урган йигитчалардан тортиб, никоҳ тўйдан кейин бир кеча келинчак билан бўлиб, сўнг жанггоҳда жувонмарг бўлиб кетганлар қанча. Уларнинг бевалари эса қирқ беш йилдирки бир туннинг хотирасига хиёнат қилишни истамай, ўша йигитларни кутишмоқда. Бу садоқат соҳибалари бўлажак қайноналари томонидан қандай синалди экан? Уларнинг сабру бардошларини, балки кашта тикдириб синашгандир?! Шуларни ўйласангиз, жумҳуриятимиз вилоятларида келин синовининг бир-биридан тубдан фарқ қилиши хаёлга толдиради.

Лидижонда «эшик супурди»га келган аёллар гилам остини кўтариб қараб, ўчоқбоши ва ҳожатхонадаги тартибни кузатсалар, қаршилиқ совчилар оёқ кийимларининг тартиби, дастурхон астарининг аврага мос тушган-тушмагани, супургининг қай ҳолда тургани билан қизиқадилар.

Ургутда келиннинг каштадўзлиги, чеварлиги билан қизиқсалар, Шаҳрихон ва Балқичда қизларнинг чойпаб, сочиқ, қуроқ қилиши, тўп, нимча, камзул, парпаша тўн, қийиқ, дўнни тикки санъати билан қизиқадилар. Тошкентда эса бутунлай бошқача. Яъни совчилар олдига қиз дастурхон ёзади, нон-чой келтиради. Шу билан унинг оёқ олиши сшалади.

«Қобуснома» да айтилганидек: «Хотин пок ниҳод<sup>1</sup> ва пок дил бўлсин, кадбону эрига дўст бўлгай. Ҳаёлиғ, тақводор, тили қисқа, молни яхши сақловчи бўлсун<sup>2</sup>». Бундан кўриниб турибдики, аёл совчилар келин тапшида тўғри йўл тутарканлар. Зеро, келин билан муросаю мадора қайнота эмас, қайнона гардонига тушади.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти 1976 йилда чоп этган «Социалистик урф-одатлар — ҳаётга» деган китоб билан танишишга тўғри келди. Китобда чақалоқ дунёга келганида бажо этилишидан кўра бажарилмайдиган мажбурий одатлардан тортиб, спорт байрами тантаналари йўналишигача бир-бир чизиб кўрсатилган. Аммо ўзбек тўйлари ҳеч қандай миллийликсиз, қуруқ, жозибасиз ҳолатда берилган. Гўёки ўзбек халқи — халқ эмасдек, унинг ўзига хос гўзал одатлари йўқдек.

Балким бу йўналишлар китобнинг номланишига боғлиқдир. Лекин юқорида айтиб ўтилган одатларда бидъат, хурофот, носоциалистик йўналиш кўринмайди. Бу урф-одатларнинг сақланиши нафақат оила учун, балки жамият учун хизмат қилади. Ахир, илгари ўзбекнинг ажралиши — номус, бир-бировига пичоқ кўтариб, қон тўкиши кечирилмас гуноҳ саналган. Биров-бировнинг молига кўз олайтирмаган. Бугунги кунга келиб эса миллатлар аро жаҳолатларнинг юзага келиши ўзлигимизни унутганимиз оқибати эмасмикан?!

Ҳозир жуда кўп оилалар йигит ёки қиз хонадонининг давлатига, мансаб-мартабасига қараб бино бўлмоқда.

<sup>1</sup> Пок ниҳод — тоза табиат

<sup>2</sup> У н с у р у л м а о л и й К а й к о в у с. «Қобуснома», Йигирма олтинчи боб. Хотин олмоқнинг зикрида. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1986 й. 82-бет

Натижаси, ё у томон, ё бу томон янги турмушга кўни-қолман, ажралиш юзага келмоқда. Бу ҳақда бўлажак қудалар жиддий ўйлашлари лозим. Ўртада дунёга келадиган гўдаклар тақдирини атрофдагиларни кўпроқ қизиқтириши керак. Яхши эр ва яхши хотиннинг иттифоқини оиланинг мустақамлиги, фарзандларнинг бахтини таъминлайди. Бу борада ўзининг «Бобурнома» асарини буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур келтирган таъриф шундай:

Зани бад дар сароӣи марди нақў,  
Ҳам дар ин олам аст дўзахи у<sup>1</sup>.

### СОВЧИ КУТИШ

Бошқа миллатларни асло пастга уриш ниятим йўғу аммо меҳмон кутишида ўзбек халқига тенг келадигани топилмайди. Чунки ўзбеклар меҳмон келганда бор топганини дастурхонга раво кўради. Меҳмон олдида ҳеч вақт ичларидаги аламларини ёки бировдан хафаликларини сездирмайдилар. Очиқ юз билан то меҳмон кетишга рухсат сўрагунча унинг хизматида бўладилар. «Қобуснома» да айтилгандек:

«Бас, эй фарзанд меҳмондил бўлгил ва меҳмонга таъна қилмагил, ҳарвақт очиқ юзлик бўлгил, токи ҳаркишиким меҳмоннинг бўлса, шодлик била таомингил есин».

Зеро, меҳмон отангдан улуг. 833 йилдан 842 йилгача ҳукмронлик қилган Аббосийлар сулоласининг саккизинчи халифаси Ал Муътасим олдинга бир гуноҳкор келтирилиб ўлим жазоси буюрилганда, у киши: «Эй амиралмўъминин, мени бир коса сув билан меҳмон қилгил, мен бағоят ташнадурман, удин сўнг ҳарша қилмоқ тиласанг буюргил», дейди. Сув келтиришади. Гуноҳкор суви ичгач:

«Ҳайран касираб ё амиралмўъминин, энди бир коса сув билан сенинг меҳмонинг бўлдим. Агар мурувват тариқинда меҳмонни ўлдирмоқ вожиб бўлса, буюргилким мени ўлдирсинлар»<sup>3</sup>, дейди. Ал Муътасим меҳмонни ўлдирмоқни гуноҳ санаб, уни авф этади.

<sup>1</sup> Яхши кишининг хонасидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидек унинг дўзахидир.

<sup>2</sup> Ун сурума олий Кайковус. «Қобуснома» ўн яқинчи боб. «Меҳмон олмоқ ва меҳмон бўлмоқ зикрида. Тошкент. «Уқитувчи». 1986 й. 60-бет.

<sup>3</sup> Уша китоб.

Шарқда меҳмоннинг қадри, обрўси, шу қадар баланд экан кутилмаган меҳмон — совчининг обрўси қандай? У нечоғлик иззат-ҳурматга лойиқ?

Ўзбек қизлари учун ҳаё, латофат, гўзаллик рамзи бўлиб келган Кумушбибига совчи Зиё шоҳичи билан Ҳасаналининг қутидор томонидан қандоқ кутилгани хотирангиздами?

Юракларни титратиб юборадиган даражадаги ўнғайсизликни енгиб, совчи қолган тапчага дарҳол олов соладилар. Сандал устига дастурхон ёзилиб, кулчалар келтирилади. Неъматларнинг энг улуғи нон тишланмасдан туриб гап бошламайди.

Зиё шоҳичи билан Ҳасанали гўё бу гапдоплкка йиллаб тайёрлангандек, гапни шундай усталиқ, сухандолик билан бошлайдиларки, шу билан қутидор кўнглига оғриқ солиб қўйишдан қўрқашади.

Гарчи қутидорга уларнинг нима мақсадда келгани аён бўлса ҳам гурур, мағрурлик ичдаги совчининг ташига чиқишга йўл қўймайди.

«— У кимнинг қизи эмиш?»

Бизга ҳамisha ўрта аср аёллари ҳуқуқлари чекланган, хўрланган деб таъриф берилади. Аммо қутидор қизини унаштиришда хотиндан маслаҳатсиз иш юритмайди.

**ХАДИС:**

*«Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналар билан маслаҳатлашинглар».*

Отабек ва Кумушбибининг ҳаёти, уларнинг тақдири бундан юз йиллар бурун «рўй берган». Хўш, ҳозир жумҳуриятимиз вилоятларида совчилар қандай кутиб олинадилар?

Ҳеч қандай хонадон соҳиби ва соҳибаси ақли дониш бўлса қизини сўраб келган элчига ноўрин ганирмайди. Ёзувчи Мақсуд Қориевнинг «Афросиёб гўзали» қиссасидаги Рашид томонидан Дилафрузга совчиликка келган нурупий отахоп ёдингиздами? У қанчалар ноқулайлик билан элчиликка келганини маълум қилади. Гарчанд йигит тошкентлик, қиз самарқандлик бўлса ҳам Дилафрузнинг отаси гапни дарров кесмайди. Қизи, жону жигарини узоққа жўнатишга розилик, у учун қанчалик азоб бўлмасин, оқиллик билан иш юритади. Унинг мана шу ўзини босиб, «элчига ўлим йўқ»лигини тан олиб, муомала қилиши ҳамisha Мирзакарим қутидорни ёдга солиб туради.

Совчининг биринчи гап бошлаши нақадар оғирлигини совчи бўлган билади? Бизни қиз томон ўзига лойиқ



кўрармикан, йўқмикан, деган ўзбекона истиҳола гўё тилни боғлаб қўяди. Хоразм вилояти, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Эллиққалъа туманларида совчилар қизни гулга, йигитни булбулга ўхшатишади:

— Сизнинг боғда бир гул очилибди. Шунини сўраб ихтиёригизга келдик, — дейишади улар.

Қашқадарё вилоятида эса содда ва тўпорилик билан: — Қариндош бўлгани келдик, — дейишади.

Самарқанд шаҳрида совчилар олдига онанинг кириб ўтириши андишадан эмас.

Албатта биринчи галда ўзбеклар учун одатий ҳол — дастурхон ёзилиб, нон-чой қўйилади.

Нима сабабдан уйга ким келишидан қатъи назар биринчи галда нон қўйилади? Сабаби, ибтидоий жамоа даврида одамлар маданий овқатланишни билишмаган.

Ўсимлик илдизи, меваси, қуш ва ҳайвонлар гўшти билан озиқланганлар. Кейинчалик оловни юзага келтирганлар. Тош даврига келиб, қадимий ажодларимиз чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган. Ун беш — йигирма минг йиллар илгари донли ўсимликларни маданийлаштириш бошланган.

Ажодларимиз ўзликларини галла етиштира бошлагандан сўнггина англаб етганлар. Шунинг учун ҳам, биз учун нон энг азиз, энг улуғ неъмат ҳисобланади. Шунинг учун одамзод ҳеч қачон нондан юз ўтиролмайди, нон ёнида ёлгон гапиролмайди.

## ОТА РОЗИ — ХУДО РОЗИ

Хонадонингизда тўй бўлса қандоқ яхши. Чор атроф шодпёна тус олади. Элу-элдошинг, қариндош уруғинг, қўни-қўнининг сенинг бир неча кунлик қувончингга шерик бўлишади. Бу шодликлар, бу кулгулар ота-онанинг самимий розилигисиз, оқ фотиҳасиз татимайди, албатта.

Ўғил ўстирган-ку фарзанди ёнига яна бир фарзандли бўлади. Қиз ўстирган-чи? Қоринда тўққиз ой кўтариб, кейин ҳам топларни бедор ўтказган, бешикка осилиб ухлаб, осплиб уйғонган она учун қизнинг одам бўлиб қўлидап иш келадиган бўлганда бошқа бир хонадон ихтиёрига жўнатилиши осонми? Яна мутлақо бегона хонадон, бегона тартиб ... Бундай пайтда ота-оналар куёв бўлмишининг ота-онаси кўпроқ суриштиришади. Мирзакарим қутидор яккаю-ягопа қизини Тошкентдай узоқ бир шаҳарга бекорга узатгани йўқ. У Отабекнинг онаси хусусида айтарли маълумотга эга бўлмаса ҳам, отасининг кадхудоллигига кафил бўлди. Зеро, Юсуфбек ҳожи хона-

донидан «ҳеч ким норизо бўлиб чиқиб» кетмаслигига ишонди. Эр-хотин келишганидан сўнггина совчилар — Зиё шоҳичи ҳамда Хасанали отага заррин тўнлар ёшилди. Бу — ризолик аломати эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек нон ипсон учун энг муқаддас таом. Андижон, Қарши шаҳарларида ҳамда Жиззахнинг Зомин туманида розилик аломати нон ва қанд алмаштирилади. Самарқанд, Қамаши, Ромитон, Қарши туманларида розилик аломати сифатида ош дамлаسا, Ҳумқўрғонда ҳар икки ҳолатда ҳам ош дамлайдилар. Демак, нон алмашиши — улуғ наъматини ўртага қўйиб қасам ичиш билан баробар. Ошнинг дамлашиши эса тўқлиқ белгиси, негаким фаровонлик биринчи галда донга боғлиқ. Шу сабаб ош келтирилади. Бу ризқнинг бирибига туташганига ишоратдир.

Булунгурда — қизиқ. Рози бўлинса, мезбонлар ўзлари учун пишираётган таомларидан совчилар олдига келтиришади, бўлмаса йўқ. Ҳаммасидан қизиги — «ковуши тўғриланиб», кийинга шай қилиб қўйилса, бу совчилар яна қайтиб қадам босишмайди.

Туркий халқлар азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Шунинг учун ҳам оқ нарсани муқаддас деб биламиз. Ун, гуруч, сут, дон оёқ остига тўкилса, босган одамнинг кўзи кўр бўлади, деган ақидага ишонамиз. Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа, Тўртқўл, Хоразмнинг туманларида совчилар олдига розилик аломати сифатида сутбирич ва ёғ солинган сут келтиришади. Шаҳрихонда эса рози бўлинса — оқ мато берилади.

Бу одат — «оқлик берди», айрим жойларда «оқлик олди», «оқлик ўради», деб аталади.

### НОН СИНДИРИШ (ФОТИҲА ТҶИИ)

Мусулмонларда никоҳ тўйидан аввал, албатта, фотиҳа тўйи лозим деб билинади. Пима сабабдан шундай? Бу ортиқча чиқим эмасми, деб савол бергувчиларга қуйидагича жавоб бериш мумкин.

Авалло мусулмонлар муқаддас диний китоб — Қуръонга ниҳоятда ихлос билан қараб, сизгинадилар. Бу китобни уйларининг тўрига қўядилар. Таҳоратсиз, манглайга сурмай, ўймай туриб очмайдилар.

Мана шу муқаддас китобнинг биринчи, бошланғич сураси эса Фотиҳадир. Фотиҳа сўзи арабча бўлиб очмоқ, бошламоқ деган маънони англатади. Демак, Фотиҳа тўйини никоҳ сари қўйилган илк қадам, деб тушунсак бўлади.

Фотиҳа — муҳри худодир, дейдилар. Эсингиздами, Раънони Анвардан айирганлари, унинг кўнгли билан қизиқмай Худоёрхонга унаштиришгани. Шу воқеадан кейинги Анвар ва Раънонинг меҳмонхонадаги одатдаги учрашуви маҳдум томонидан бевақт деб тошилгани. Сабоби зўрлик билан қиллинган фотиҳа Раънога Анвар акасини бегона ва помахрам кишига айлантирган эди.

Нон сиңдирар ва фотиҳа тўйи қизнинг буткул ўша йигитники эканлигини англатади. Илгари бу маросим ўтгач, айрим жойларда «куёвлатиш» одати бўлган. Яъни йигит қизникига кеча қоронгусида келиб юрган. Бунинг оқибатида мабодо қиз бола кўтариб қўйиб, бундан бе-хабар йигит сафарда бўлса, ўша йигитнинг пичогини ўртага қўйиб никоҳ ўқилган ва тугилажак бола ҳароми деган таънадан асраб қоллинган.

«Иён сиңдирди — Ўзизаҳда «тилло санади», деб ҳам юритилади. «Тилло санади» ўтгач, қиз йигит томонга, йигит қиз томонга кўрinish бермасликка ҳаракат қилишади. Бўлажак келин бошига енгилгина рўмол ташлаб юради. Уларнинг бу тортинчоқлиги иккинчи бир томонга бўлган чуқур ҳурмат сифатида қабул қилинади.»<sup>1</sup>

Ўумҳуриятимиз вилоятларининг барча туманларида нон сиңдирарнинг қачон ўтиши оқлик берилган кунда аниқлапади. Илгари нон сиңдирар билан фотиҳа тўйи алоҳида-алоҳида кунга белгиланарди. Ҳозир бу фаоллар саъй-ҳаракати натижасида битта йигитга айлантирилган. Бу ҳар икки томоннинг вақтини аяш билан бирга, исрофгарчиликка ҳам чек қўяди. Ўзбеклар шундай халқки, мирилаб йиғиб, тумашлаб сочади. Бундай тўйгарчиликда эса ҳар қапча тежаб-тергаб ишлатманг барибир маълум даражада исрофгарчилик бўлади. Шунинг учун ҳам бу икки маросим битта йигитга айлантирилгани маъқул.

Нон сиңдирар ёки фотиҳа тўйида (Тошкентда «Маълум оши» дейилади) қизнинг онасига сут пули, тикиш пули, келинга бўғча, қанд-қурс, нон, натир, қатлама, келишилган жонлиқ (қўй), ун, гуруч, келтирилади. Шу кунни қудалар ниҳоятда иззат-иқром билан кутиб олинадилар. Зоминда қудалар юзига, Қумқўрғонда елкасига яхшилик рамзи — ун суртилса, Фарғона водийсида, Қарши, Китоб, Шаҳрисабзда поёндоз солинади. Зомин билан Норинда у томон билан бу томон бир-бирига қанд-қурс беришади.

Икки ёшининг бахтини тилаб ушатиладиган нонни

<sup>1</sup> З. Мўминова. «Саодат» 1990 йил. 9-сонга қаралсин.

ким синдпради? Қашқадарёнинг Қамаши, Чироқчи туманларида қизнинг буvasи ёки совчи, Ромитонда эл кайвониси, Қумқўрғонда оқсоқол, Тошкентда маҳалла комитети раиси бу ишни бажаради. Албатта, улар ёшлардан танланмайди. Униб ўсган, неварачеварали, обрў-эътиборли одам икки нонни жуфт қилиб:

— Илоё қўшгани билан қўша қарисин, мўмин куёв, қобил келин бўлишсин, — деб ушатади.

Жумҳуриятнинг барча вилоятларида куёв томондан келган нон, патир, қанд-қурс, қўни-қўшни, қариндош-уруғларга оз-оздан тарқалади. Бу билан қизнинг эгалик бўлгани, энди унга бошқа бир кишининг огиз солиши гуноҳлиги таъкидланади.

Нон синдирар ва фотиҳа тўйи ўтгач, айрим вилоятларда келин туширдигача ҳеч қандай маросим ўтказилмайди. Аммо Норинда бу кун куёв томон қудалар уйларига етиб улгурмай қиз томон мазар еди элтади. Яъни қизнинг опа, янгалари саватда қатлама, сомса, 50 та пиширилган тухум, куёв ҳамда ота-онасига кийим-бош қўйиб борадилар. Буларга ош қилиниб, саватларига жавоб нони ва қанд-қурс солиб кузатилади. Норинлик йигитлар дўстларини чақириб, «куёв йўқлапти»ни ўтказгачгина қиз томон қўйлак тикишга рухсат сўрайди.

Булунғур, Қамаши, Чироқчи, Қарши, Советобод каби туманларда ҳар байрамда қизниқига ҳайитлик келади. Ҳайитликда ўсма-хипадап тортиб, хушбўй атиргача, новотдан тортиб сочқолва, кунжут-қолва, Пайшанбанинг оқ парвардасигача бўлади. Шунинг учун бу ерда қизалоқлар шўхлик қилиб қолишса, «ҳа, тўй келгур», «ҳайитлик келгур» деб койпшади.

«Йигит томондан жўнатилладиган бу совға-саломлар Жиззахда «Қолва жўнар» дейилади. Келин томон жавоб тариқасида «Қатлама жўнатар» қилади.»<sup>1</sup>

Бу одатлар шунчаки йигит томонини қимматга тушириш учун ўйлаб топилмаган. Аксинча, ҳар икки томонни бир-биринга боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтаган.

### ҚИЗ СЕПИ

Ота-она фарзанди кўзга кўриниб, бўй кўрсата бошлагач, сеп йигитга тушади. Гоҳида ўзи емай-ичмай боласи учун сандиқда аъмол йиғади. Ва ҳар гал сеп шамоллатилганда яхши пият билан «илоҳим ўзига буюрсин», деб қўяди.

<sup>1</sup> З. Мўминова. «Саодат» 1990 йил, 9-сон.

Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида қиз сени йнгиш аввалдан расм бўлган. Албатта, бунда замонга қаралган. Момоларимизнинг ҳикоя қилишларича, илгари қиз сенида соч пўнак, махси-ковуш, шойи минсак, нешмат, кийма, бош рўмол (катта шол рўмол), катта-кичик дурралар бўлган. Қадимий Хоразмда илгари қиз сенида қумгон бўлган ва ҳозир ҳам бор. Самарқанд шаҳри ва Ургут. Шаҳрисабз, Қитоб, қаршилиқ қизлар сенида таъзим рўмолчалари бўлиши шарт.

Бизга яхши маълумки, каштачилик ва гилам тўқиш XVIII аср охири — XIX аср бошларида гоёт ривож топди. Мана шу гўзалликка ҳурмат сифатида Самарқандда йиллар оша бир одат ҳамон сақланиб келмоқда. У ҳам бўлса, қиз сенида зардевол, рўйжо, боллинуш, токчапўш каби бир-бирдан гўзал, бетакрор гулларни ўз бағрига яширган кашталарнинг бўлишидир.

Қашқадарёлик қизлар туиларни тошга улаб жойиш, сочиқлар тикканлар. Қирқ элликтагача рўмолчанинг четига гажим тўқиб, потисқалар солиб чиқишган. Ва бу рўмолчалар юз очди кунни куёв томон болакайларига совга қилинган.

Қашқадарё ва Сурхондарёда қоқма, гожири, осма гиламлар, жулхурс, бўгча, тўзлик қизлар томонидан онаси ёрдамида тўқилган. Ва бу нарсалар битмай қиз узатилмаган. Улар сенида албатта чанқовуз бўлган. Водийлик қизлар сеплари учун четларига Нодираю Увайсий газаллари битилган белқарслар тикишган.

Замон зайли билан ҳозирда бу нарсаларнинг ўрнини буткул ўзгача, бизга ҳатто ёт бўлган либослар эгалламоқда. Масалан, тошкентлик қизлар сенида фақат хориж маҳсулотлари бўлмаса, қўни-қўшни ҳам, қариндош-уруғ ҳам лаб буради. Оёққа кийиладиган пайпоқдан тортиб, сочга тақилладиган тақинчоққача чет элники бўлиши керак. Уйлаб қоласан киши. Замон оғирлашиб, иқтисодий етишмовчиликлар юзага келган бир пайтда бу қадар сарфун харажат печун?! Келиннинг ота-онаси печани йил қозонини сувга ташлаб, қотган пон еяркан?! Ачинарли томони шундаки, тошкентлик қизлар сенида негадир миллий либос, миллий кашта, миллий гиламлар камайиб бормоқда.

Ахир, сепдаги шойи минсак, нешмат, кийма, желаклар киши қариб қолганида киядиган либослар-ку. Демак, буларнинг солиниши шунчаки эмас, балки келин бўлмиш шу ёшга етиб юрсин, умри узоқ, бағри маҳкам бўлсин, деб қилинган тилақдир.

Ҳозир ёшлар уйида осма, қоқма, гожари гиламларни, кўй терисидан тайёрланган супрани, тўқилган бўғча, тузлик, жулхурсларни кўрмаймиз. Улар уйларидан бу миллий поёб бойликларга жой тополмайдилар. Ва истай-мизки, йўқми бу бизнинг йўқотишимиздан нишонадир.

Фарзанднинг қай даражада тарбиялангани онага боғлиқ. Бугунги қизлар — эртанги оналардир. Демак, улар фарзанд кўришдан аввал озгина бўлсада, ўзларининг миллат эканликларини, миллат бўлганда ҳам Ов롭они тап қолдирган аждодлар авлоди эканликларини унутмасликлари керак. Бунинг учун эса янги ҳаётга, турмушга қадам қўяётган қизлар ҳамма ишни қиз сепини бошқачароқ йиғишдан бошланлари керак.

### ҚИЗ ОПИ

«Қиз опи» ёки «қиз мажлиси» деб аталадиган йиғин фақат Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри учун бир маросим сифатида қабул қилинган. Бу маросим никоҳдан бир кун аввал бўлиб, катта тайёргарлик талаб қилади. Яъни қиз — бўлажак келин барча дугоналарини базмга таклиф этади.

Қуюқ-сууқ таомлар меҳмонлар сонига қараб тайёрланади. Албатта куёв тараф ҳам қараб турмайди. Баҳоли қудрат тогора, патнисларда егуликлар юборади.

Бу кеча қизнинг уйи ҳақиқий тўй либосини кияди. Хоёндаю созандалар даврадагилар кўнглига мос келадиган, рақсга чорлайдиган кўшиқлар хониш этадилар.

Аmmo ...

Абдулла Қодирий Кумушбибининг тўй мажлисига гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси деб таъриф берган эди. Зеро, нафақат давра, ҳатто катта ҳовли эркак ва аёллардан ҳоли қилиниб, базм қатнашчилари эркин кўшиқ куйлаб, рақсга тунган эдилар. Кумушбиби — ҳаё ва латофат рамзи, латиф бир маҳзунлик ичида хаёлга гарқ бўлган эди. Ва айнан мажлисининг мана шу кўришини китобини ўн йиллар илгари ўқиб чиққан китобхонинг ҳам кўз олдидан нари кетмайди.

Хўш, тошкентлик қизларининг мажлиси нимаси билан эса қолади? Аввало, бу мажлисга қизлардан кўра йигитлар кўпроқ ташриф буюрадилар. Бўлажак келин эса исаниб олиб рақс тўдасидан чиқмайди.

Тўғри, Кумушбибининг мажлиси бундан юз йиллар аввал қурилган. Унда давр бошқача бўлган. Ҳозир замон бошқа. Шунга яраша иш тутини керак, дегувчилар топилиб қолар.

Аммо қадимий Хитой анъаналари ҳамон йўқолмай, давом этапти. Бу миллат ўз тарихий урф-одатларига ўта содиқ халқ.

Демак, қиз боланинг ҳаё, иболи ёки аксинча бўлишини даврга йўйиб бўлмайди. Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Зеро, «пардалар олинсаям, ҳаё олинмаслиги» керак.

Қачинди, қиз мажлисида бир уй қизлар дутор чертиб, доира чалиб, қўшиқ куйлаб, рақсга тушсалар. Назм гулшанидан ғазаллар ўқисалар. Ўзларининг ҳам маънавий савиясини оширган бўладилар, ҳам латифа бир дугоналарини хотинлик дунёсига «бор, боравер», деб эмас, аллапечук бир қизганиш, йўқотишни ҳис қилиб кузатиб, унинг кўнглини меҳр-оқибатга тўлдирган бўладилар.

### ХИНА ЕҚАР

Хоразмда шикҳдан бир кун аввал келиннинг дугоналари «Хина ёқар», Бухорода эса «Хинадандон» базмига тўйланадилар.

Бу кун келин бўлмиш ҳаммомга бориб озодаланиб келади. Сўнгра дугоналар давраси ўсма қўйиш, кўзга сурма тортиш, кафтга хина қўйишдан тўёки баҳсланадилар. Келин бўлмишнинг сочлари қирқ вокил ўрилиб, у эртақлардаги фариштага айланади. Шу кеч дугоналар хотинлик дунёсига узатилаётган ўртоқларини энг яхши ширин сўзлари билан эркалайдилар. Шу билан унинг кўнглига хотиржамлик бағишлайдилар.





## II. НИКОҲНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

ДИШИЙ НИКОҲ  
КЕРАКМИ?

Инсон ўзининг тараққий этган оини билан ҳам ҳайвондан фарқ қилади. Бу эса ўз-ўзидан уни зина йўлига киришдан тийиб туради. Ва шу сабабли ҳар бир миллат вакили оила пойдеворини никоҳ ўқитиш билан қуради.

Ҳўш, никоҳ қандай пайдо бўлган? Унгача аجدодларимиз қандай муаммоларга рўпара келишган?

«Ибтидоий одамлар энг яқин қариндошлар ўртасида бўладиган жинсий алоқалардан ҳаммавақт ҳам соғлом авлод туғилмаслигини тушуниб етишди. Буни эса чекланишлар сари қўйилган (шу ҳолда чекланишлар қадамбақадам давом этган) учинчи қадам дейиши мумкин. Бу тушунчани дин орқали жамоаларга тушунтиришга интилдилар. Шу билан бирга ибтидоий аёл ўз боласига таънисил касаллигини юқтирмаслик учун опа-ўғил ўртасида, кейинчалик ака-сингил ўртасидаги алоқалардан воз кечила бошланди.

Бундай ҳодисалар она уругининг шаклланишида улкан аҳамиятга эга бўлди. Она уругининг келиб чиқиш даврида кўпгина янги урф-одатлар, шу жумладан, туп (гуруҳли) никоҳ вужудга келди. Туп никоҳнинг асосий хусусияти шундан иборат эдики, бир уругнинг барча аёллари иккинчи уругнинг барча эркеклариники, иккинчи уругнинг эркеклари эса биринчи уругнинг барча аёл-



ларшики бўлди. Ҳар иккала уруг аёлларининг ўз уругидаги эркаклари билан жиғий қўшилишлари барҳам топди. Аммо туп никоҳнинг ҳам умри узоқ бўлмади. Чунки уругда майиб-мажруҳ болаларнинг туғилиши, юқумли таносил касалликларининг ёйилиши барҳам тонмади. Ҳаётини тажрибалар ибтидоий жамоага жуфт никоҳга ўтиш зарурлигини аниқлата бошлади.<sup>1</sup>»

Ва оиланинг бу даражада ўсиб бориши натижасида аждодларимиз оиласида соғлом болалар туғила бошлади. Оиланинг хотинга, хотиннинг эрга садоқати юксалди. Оиласига, фарзандига хиёнат қилганлар аёвсиз жазоланди.

«Агар хотиннинг эри ўлса, унинг иккинчи эрга тегиши мумкин эмас: у икки нарсадан бирини танлаб олишда ихтиёри ўзида. Биринчиси, умри бўйи эрга тегмай, бевалиқда ўтиш, иккинчиси, ўзини оловга ташлаб қўйиши»<sup>2</sup>.

Ҳиндларга хос бўлган бу одат хотиннинг ёши боласи бўлса ёхуд ўзи кекса бўлганда амалга оширилмаган. Ҳиндлар ҳам ўзлари учун шармсизлик бўлган зинно билан шугулланиш аёл ақлини олиқидан чўчиганлар. Аммо аёлга бўлган бу шавқатсизлик бобуррийлар сулоласининг буюк бир вакили—Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида бекор қилинган.

Исломи дини ҳам зиннони қаттиқ қоралайди ва унга йўл қўймайди. Инқилобга қадар зинно билан шугулланиб, оиласига хиёнат қилганлар аёвсиз жазоланган. Бундай номақбул, исноди кишилар оломон қилинган, шармандаларча ўлдирилган, наҳса девор остига ётқизилган.

### **ХАДИС:**

*«Никоҳ ила турмуш қуриб, кўпайинглар. Зеро, мен қиёмат куни бошқа умматларим олдида сизларнинг кўпчилигингиз билан фахрланаман.»*

Никоҳ шу даражада муқаддас битишувки, унғача қизлик бокиралигига хиёнат қилмаслик, никоҳ ўқилгандан сўнг эрга садоқатда қолиш даркордир.

Ҳумоюн подшоҳ билан Ҳамида бонунинг никоҳини икки юз минг маблаг ҳисобига Мир Абу Бақо ўқиган эдилар. Никоҳгача эса Ҳамида бону бегим нафақат

<sup>1</sup> И. Сирожиддин. «Никоҳ қандай пайдо бўлган?» «Саодат» 1990 й. 12-сон, 25-бет.

<sup>2</sup> Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. II-том, олтмиш тўққизинчи боб. Ҳиндларда никоҳ, ҳайз кўриш, бачадондаги бола ва нифос масаласи. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1965 й, 409-410-бетлар.

Ҳумоюн подшоҳ билан учрашмоқ, ҳатто кўришиш беринчи номаҳрамлик деб билган.

Ўрта аср йиғит ва қизлари соф муҳаббатининг вакиллари Отабек ва Кумушбиби ишкоҳи ёдингиздами? «Домла хутба бошлайдилар, форсча ўқилган «ҳамд саловат» ва бошқалардан сўнг хутба энг позик бир ўринга келиб тўхтайдилар: — «Сизким Отабек Юсуфбек ҳожини ўгли, Кумушбиби Мирзакарим қизини ўзингизга шаръий хотинликка қабул қиласизми?»

Ҳа, шаърий, қонуний хотинликка ...

Биз шу кунгача биллиб-билмай ислом динига қарши тошлар отиб келдик. Ҳатто бугунги кунгача марксча-ленинча илмий дунёқарашни шакллантириши мақсадида ислом дини юзига қора нардалар тортдик. Ислом таъқиди ҳақида қўлланмалар нашр этириб, қадриятларни йўқотмоқчи бўлдик. 1987 йили ўзбек Совет Қомуси бош муҳарририяти томонидан нашр этилган «Ислом» справочнигида хусусан шундай дейилган: «Диний ишкоҳ социалистик жамиятда қонуни кучига эга эмас»<sup>1</sup>. Мана шу жумланинг ўзидек бизнинг миллий ўзликимизга, миллий қараниларимизга бенисанг бўлиши билан бирга, уни оёқ ости қилиши ҳамдир. Ваҳоланки, диний ишкоҳ одамларни ўз жуфти ҳалоллига хиёнат қилмасликка, покликка, паймон-эътиқодга, силани мустаҳкам тутинига чақиради.

Домла куёвга:

Олти ой ёлғиз таниламанг. Олти қамчи урманг, қаттиқ гапирманг. Иззатини жойига қўйинг. Қоронгу тушгунча қаерда бўлмаг етиб келинг.

Келинга:

Куёвнинг иззат-ҳурматини жойига қўйинг. Кетаётганида кавушини ўнгаринг. Куёвнинг рухсат бермасалар ота-санагинизникига ёлғиз борманг, — дея тайинлайди.

Хўш, бу насиҳатларнинг нимаси ёмон? Бу эътиқоднинг нимаси кимга ёқмайди? Бу насиҳатлар номига бўлмай диний эътиқоди бутун бўлган кишилар учун оила мустаҳкамлигини таъминлаш демакдир. Ахир, диндан ажралганимиз, сўянадиган, ишонадиган гоямизнинг йўқлиги натижаси эмасмики — бугунги кунда ота-болани, она-қизини таъ олмай қўйган. Арзумаган мерос деб ака-ука, она-синигил бир-бирининг уйиша ўт қўйиб, кўршамаклик қилаётгани. Эҳтимол, шариятин эркак кишига турттагача хотин олишига рухсат бергани учун қоралармиз.

<sup>1</sup> Ислом справочниги. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. Тошкент, 1987 й. 140-бет.

Аммо қандай шарт билан рухсат берганини нега унутамиз?! Моддий ва маънавий сиқмаслик шартини наҳот аёл кишини ислом пастга урмаганлигини билдирмаса! Шунда ҳам аёллар кўп бўлса, уруш бўлиб, улар фарзандлари билан бева қолсалар, дейилган. Ахир етим-есирга оталик қилиб, бошини силаш савоб-ку. Қонуночиликимиз рухсат бермагани билан ўз оиласидан қонуний ажрашмай кўнгли тусаган аёллар билан айш-ишрат қилиб юрганлар, болаларининг бошини эгиб, жамиятнинг ифлослик ботқоғи сари етаклаётганлар қанчадан қанча! Ваҳоланки, айнан маана шу маънани бузуқликнинг Ислом дини, диний никоҳ қоралайди.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқадики, диний никоҳ ҳам қонуниан ҳимояланган бўлиши керак. Аммо қонуниан ҳимояланган тўлиқ кучга кирмаган бўлса ҳам муслмончиликда диний никоҳдан воз кечилгани йўқ. Ва кечилмайди ҳам.

Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида тўйдан олдин ёки кейин келин-куёв домла томонидан никоҳлаб қўйилади. Бир кеса никоҳ суви, фарзандлари кўнайсин, деб дам солинган (қайнатилган) тухумни келин-куёв ва шу ерда ҳозир бўлганлар ейдилар. Расмий идоралар томонидан никоҳдан ўтишларига қарамай, диний никоҳни ҳам фарз деб билдилар.

Турмуш тинч оқар сой эмас. Оила, бола-чақа туфайли эр-хотин орасига кўнгли хиралик тушиши мумкин. Жаҳл келиб, ақл кетганда тангрига хуш келмайдиган «талок» сўзи ишлатилиб юборилса, то домла буларни бошқатдан никоҳлаб қўймагунча жинсий алоқа қилини гуноҳ саналади.

Эсингиздами, Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романида Лутфини олиб қочиб бир ташишникига элтган Азизхон унга бирга ётишга ишора қилганда Лутфини қўли билан юзини сийпалаб бошини сараклатади. Бу никоҳсиз бирга бўлиш гуноҳ дегани эди.

Бу — эътиқодга садоқат эди.

Қаншиди, шу йўқолган, йўқотилган эътиқодлар қайтиб келса. Одамлар гуноҳ иш қилишдан чўчиб турсалар. Шунда эҳтимол ота-онасининг тайини йўқ бегуноҳ гўдаклар дунёга келмасмиди?..

## ТҲН КЕЛДИ, СУРУВИ КАТТА ҚҲН КЕЛДИ

Халқимизнинг минг йиллар силсиласида шаклланган, одатий тарзга айланган русумлар, ахлоқий мезонлар,

таълим-тарбиядаги ўзлигини сақлашни ўз бурчимизга айлантirmогимиз даркор.

Аммо биз келиб-кетувчи «шоҳ»ларнинг турли кўрсатмалари бўйича уларнинг кўпидан айрилдик. Ўзимиз ихлос қўйган, эътиқод қилган, асрлар тарихини ўзининг бағрида пинҳона авайлаб турган қўҳна обидаларга сипишдан, миллий анъаналарни бажо келтиришдан қўрқиб қолдик.

Ёзувчиларимиз ура-урачиликка қўшилди, ўзбек миллий тўйларини эскилик сарқити санаб, комсомол тўйларини ҳаётга татбиқ этишга шошилдилар. Фотиҳадан сўнг ўзга йигит билан қочиб кетувчи қизларни бош қаҳрамон, эскилик сарқитининг курашчисига айлантirdилар. Йигитларни чўлда ишлагани келган қизларга уйланишини тарғиб қилдилар. Шу билан бир қаторда қизга бериладиган тўрт юз-беш юз сўмни ташкил этадиган «маҳр пули» га қарши курашувчи фаоллар гуруҳлари нш бошлади.

Тўғри Хоразмда келин тушириш ҳаддан ташқари қийин. Қалин пулининг ўзи бир неча мингни ташкил этади. Бу аҳволда ўғил уйлантириш учун тўғри йўл билан топилган маош етмайди.

Тошкентда эса қиз чиқариш азоб. Оилада қиз дунёга келса бирдан эшитувчининг кўз ўнгида мебель гавдаланади. Аммо йигитнинг бўшатиб қўйилган уч хонасини тўлдириш, сандиқ-сандиқ сарполар бизнинг ота-боболаримиз мерос қолдирган расм-русумларимизга тўғри келармикин? Йўқ. Демак, ким ўзди пойгасида улоқни олиб кетаётган ушбу икки вилоят учун алоҳида бир тадбир керакка ўхшайди.

Жумҳуриятимиз вилоятларида никоҳдан бир кун аввал ёки шу куни куёв томондан қиз хонадонига тўй келади. Келтирилган нон, ун, гуруч, қўй, қанд-қурс, ҳолвалар элга ёзилган дастурхонга қўйилади. Айрим жойларда қизга бир бўғча сеп келади. Сепда қиз учун ёзлик-қишлик либослар, рўмол ва бош рўмол жўнатилади. Бўлажак келиннинг момоси ва киндик момосига бўғчадан рўмол ёки қўйлақлик олиб берилади.

Қизга тўй келиши унинг бокиралиги, обрўсига берилган туҳфадир.

Демакки, тўй келишини қизни сотишга тенглаштириш инсофу диёнатдан эмас!

## ҚУДА КУТИШ

Ўзбек халқида «меҳмон — отагдан улуг» деган мақол бор.

Азал-азалдан меҳмондўстлик ўзбекнинг қон-қонига сиғиб кетган. Меҳмон келса ўзи ейиб-еёлмаган бор мева-чевасини дастурхонга тортади, энг тансиқ таомлар буюради:

« — бу кунга бир меҳмон айтган эдим. Чўрингни чақириб, меҳмонхонани тозалат. Анави янги қопланган кўрпаларингни бер, танчага ўшани ёнсин. Катта гиламни ҳам чиқар, уйингда меваларинг бор эдими? »

— Бор.

— Бор бўлса, яхши. Бир оздан сўнг эт олиб киргазмап, варақи пишириб қўйингиз!»

Бу диалогни «Ўтган кунлар» ни ўқиган одам қайси ўринда берилганини дарров билади.

Меҳмоннинг ҳурмати шарқда азалдан балад саналади.

«Қобуснома»да таъкидланганидек: «Агар меҳмон ҳар нечук қаттиқ сўз айтса, унга қаттиқ сўз демагил, балки ҳурматини сақлагил». Меҳмонга нафақат қаттиқ сўз демак, балки унинг олдида болани жеркиб бўлмайди, қадам қаттиқ ташланмайди, ошхонада идиш-товоқлар тарақлагани эшпитилмайди. Бу майда-чуйда эҳтиётсизликларнинг барчаси меҳмоннинг дилини оғритиб қўйиши мумкин.

Меҳмон кутишнинг шу сингари қатор тартиблари бўлгани сингари, тўй куни қуда кутишнинг ҳам ўзига хос йўналишлари бўлади.

Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида қуда кутиш ниҳоят даражада катта тайёргарлик билан ўтади. Қорақалпоғистонда икки томон қудалар тортишмачоқ ўйнагачгина пчкарига қирганлар. Бу билан икки тараф кучу қудратларини санаганлар.

Тошкент шаҳрида қизни олиб кетар куни қиз хонадонига куёв томоннинг эркаклари меҳмон бўладилар. Уларни қиз томоннинг ўн чоғли эркаклари қатор тизилишиб, қўллари кўксига кутиб оладилар.

Аммо жумҳуриятимизнинг бошқа нуқталарида эркак ва аёл қудалар, куёв жўралар бир вақтнинг ўзида кириб келадилар. Бу биргаликдаги келувда, Бухоро вилоятининг Ромитон туманида қудалар ва куёвдан олов айлан-тириб олинади.

Қашқадарё вилоятининг Қамаши, Чироқчи, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Советобод, Сурхондарё вилояти-

нинг Қумқўрғон каби туманларида қудалар юзига ойпа қаратилади. Шундан сўнг кўришиб, тайнланган одам уларнинг ҳар бирига қанд улашиб чиқади. Мутасадди аёл «Ҳазарсимат ҳазар дори, дарди балога дори» деб куйлаб-куйлаб ҳар бир қудага псириқ тутуни йўллайди.

Айрим жойларда эса қудалар юзига ун суртилади.

Хўш, нима сабабдан шундай? Аввало ойпанинг қаратилиши — юзи, йўли ёруғлигига тилақдир. Агар қиз боланинг юзи ёруғ, иффиати жойида эмас экан у ҳеч қачон бахтли бўлиб, шу хонадонда тиниб-тинчиб кетмайди.

Қанд берилиши йигит-қизнинг, икки томон қудаларининг бир-бирига муносабатининг, муомаласининг ширинлигини тилашдир. Зеро, қаердаки муносабатлар яхши бўлса, ўша ерда яхшилик, эзгулик, бахт бордир. «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади».

Ун ҳамиша типчиқ, яхшилик рамзи саналган. Айрим одамлар ҳовлисида плов пайдо бўлганини сезишса у юрар йўлга ун сепишади. Бу билан сенга бизнинг ёмонлигимиз йўқ, жонивор, деганлари бўлади. Демак, момоларимиз эришмай, огришмай бажарадиган бу одатлар замирида ҳам фақат яхшилик ётади.

Исириқнинг хусусиятини Ўрта Осиё халқлари яхши билдилар. Исириқ тутуни инсу жипсга қирон келтиради. Уй ҳавосини тозалайди. Тумов теккап, шамоллаган кимсалар унинг тутунида тез ўзларига келадилар. Ривоят қилишларича, бир қишлоқда ўлат тарқалибди. Жониворлар билан бирга одамлар ҳам қирила бошлабди. Хуллас, қишлоқда бир чолу кампирдан бошқа ҳеч ким қолмабди. Одамлар келиб бунинг сабабини сўраганларида: «ҳар кун, ҳар дақиқа псириқ тутатиб турдик», дея жавоб берибди чолу кампир. Исириқ тутуни нафақат бу томондан, балки назар-суқдан ҳам сақлайди, дейишади. Гўдагимиз кўпроқ йиғласа ҳам псириққа югурамиз. Ва кўп ҳолда унинг оромига гувоҳ бўламиз.

Бундан чиқадики, нпкоҳ кун исириқ бекорга тутатилмас экан. Дону, тадбиркор момоларимиз билмай биринга қўл урмас эканлар.

Жумҳуриятимизнинг водий депараларида, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Шаҳрисабз, Китоб туманларида юқоридаги урф-одатлардан ташқари қудалар оёғи остига ноёндоз ҳам тўшалди. Айрим жойларда куёв томон ноёндоз ҳақини тўлаб ўзлари олишса, аксинча айрим жойларда қиз томон дастурхончиси олади.

Албатта, гап ноёндозни ким олиш-олмаслигида эмас.

Нима сабабдан поёндоз солинади?

Шуни унутмаслигимиз керакки, ўзбек халқидай кўчадан умид билан кириб келганга жону жаҳонини бахшида атадиган халқ бу дунёда бўлмаса керак. Поёндоз солиш — меҳмон пойндан ўргиллиш, қадам ражидасидан айлашни демакдир. Меҳмоннинг хопадонга қутлуг қадам бўлишини тилаш демакдир. Шунинг учун ҳам бу урфу одатлар даврлар силасида йўқолмай, бутунгача етиб келди.

Албатта, буларни эскилик сарқити деб бўлмайди. Бу урфу одатларни комсомол тўйларига ҳам алмашиб бўлмайди.

Агар биз бунга йўл қўйсак, момолар қаҳри келмасмикин?!

Ўтганларнинг қаҳрини келтириш эса гуноҳ бўлмасмикин?!

### ҚУДА ДАСТУРХОНИ

Жумҳуриятимиз вилоятларида никоҳ кунин, куёв томон қудалари остопа ҳатлаб қиз уйига киришлари ҳамоно дастурхон ёзилади. Аввало, неъматларнинг улуги — нон келтирилади.

Аmmo шуниси борки, қудалар учун алоҳида тайёрланган шарбат келтирилмай, ундан тотинмай туриб, дастурхонга қўл чўзиб бўлмайди. Гўёки улуг иш олдига оғиз таъминини ширин қилиб олиш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Шарбат нимадан тайёрланади?

Жумҳуриятнинг айрим туманларида поввот, айрим жойларида эса қанддан тайёрланади.

Шарбат сувининг мутасаддиси аввалдан тайинланиб, у то қудалар келгунча, унга бошқа бир кишининг лаб теккизишидан эҳтиёт бўлади.

Уч коса шарбат сув эркак, аёл ва куёв жўралар олдига келтирилади. Бу сувдан қуда томондан келган гўдаккача ичиши лозим. Токи тўйлар-тўйга улансин, шу ерда яхши ният билан ҳозир бўлганлар барчасининг хонадонинда тўй бўлсин, деган ният, тилак билан шарбат ичлади.

Шарбат сувининг бўшаган косалари (Наманганда шарбат суви чойнак ва ииблада куёв олдига келтирилади ва идиши билан куёв томонга олиб кетилади) ўчоқ-бошига элтилгач, дастурхонга турли поз-неъматлар тортила бошланади. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятининг айрим қишлоқларида бу одат «Тўққиз товоқ» деб аталади. Ўшн қудаларга тўққиз хил поз-неъмат:

ва таом тортилади. Албатта, қудаларга тортилган таомларнинг ўз рамзий маънолари бўлади. Масалаи, қуда дастурхонга Қамашда ширгуруч ва юпқа тортилади. Ширгуруч — кўнгилларнинг оқлиги, унинг очилишига ишора бўлса, юпқа — келин-куёв бир-бирига ёпишиб, чирмашиб кетсин деган маънони англатади. Сурхондарёда ҳолвайтар, қатпатур, қатлама, тухум тўққиз товоқда бўлиши шарт.

Қорақалпоқ, қозоқ халқи суйган меҳмонига бешбармоқ тайёрлайди. Бизда палов энг обрўли таом саналса, қардошларда — бешбармоқ.

Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг айрим нуқталарида, ош, шўрва, қовурдоқдан ташқари этбарак (чучвара), қўтир барак, гашир пиширадилар. Бу энг қийин таомларнинг тайёрланиши қудаларга бўлган аҳтиромнинг улканлигидан дарак беради.

### КУЁВ ТОВОҚ

Никоҳ кунининг энг азиз одамлари: куёв — шу туннинг ҳокими саналса, келин — маликаси ҳисобланади. Қудаларга ишбатан бўлган ҳурматнинг ўн чандон зиёди буларга ҳам тегишлидир. Яъни куёв жўраларга алоҳида жой тайёрланади. Куёвнинг ўзи учун махсус қопланган бахмал кўрнача, тирсагига бахмал ёстиқ келтирилади.

Водий зонаси ҳамда Тошкентда куёвга жой уй бурчагида тайёрланади. Шарбат сувидан сўнг қудалар олдига нима тортилган бўлса, булар олдига ҳам эркак мутасадди шу нарсалардан келтириб қўяди.

Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ва Фаргона вилоятларида куёв олдига алоҳида чинни товоқда молнинг пиширилган тўши келади. Бу «куёвим дастурхоннинг тўрида ўтириб, овқатнинг олдини есин», деб қилинган тилақдир. Айрим жойларда тўшдан бўшаган товоққа куёв жўралар пул ташлаб ташқарига чиқишади. Шундан сўнггина чопон, белбоғ келтириб куёвни кийинтиришади.

Тошкентлик куёвлар уй бурчагига тутилган гўшанганинг ўртасидан йиртиб ичкарига киришлари керак. Шунинг учун кун бўйи тинмай елиб югуришлардан куёвимиз чарчаган бўлса, юзи қизармасин деб, қиз томон гўшанганинг ўртасидан йиртади-да омонатгипа тикиб қўяди.

Куёв жўраларига алоҳида, куёвнинг ўзига алоҳида дастурхон ёзилади. Шуниси борки, куёв жўралардан ким уйланмаган бўлса, «шу кунга етай» деб ният билан гў-



шанга ичкарисидаги таомлардан тотиб кўради. Аммо куёв уларнинг дардини унутмайди. Ўзига алоҳида лаганда келтирилган паловнинг орасига гўшт қўйиб, уйланмаган ўртоқларига ошатади. Гўшангага қўйилган қанд-қурслардан улашади.

Бошқа вилоятларда куёвни айрим урф-одатлар кутса, тошкентлик куёвлар бошларидан танга сочилиб, куёвлик чопонини кийингач, уйга жўнайдилар.

### РҶМОЛ ЕЗДИ

Бу одат жумҳуриятимизнинг турли туманларида яшайдиган сарой уруғига тааллуқлидир. Яъни қуда, қудачалар ва куёвлар олдидаги дастурхон йиғилгач, ҳар уччала даврага рўмол ёзадилар. Рўмол ёзувчи қиз томоннинг амаки, тоға, холаларидан танланиб, эркак қудалар олдига, аёл қудалар олдига ва куёв жўралар олдига алоҳида-алоҳида рўмол ташланади. Ким кўнглидан чиқарса шунга яраша пул ташлайди.

Рўмол ёзувчи хоҳласа бу пулни ўзи олади, хоҳласа яхши ният билан келиннинг она-сингиллари, жиянларига тарқатиб беради.

### КАР ОТА

Бу ҳам юқоридаги уругга хос одат бўлиб кар ота қиз томоннинг ака, бўлмаса тогаларидан танланади.

«Рўмол ёзди» одати тугагач, эркак қудалар ўтирган уйга «Кар ота» ташриф буюради. У давранинг ўртасига чордона қуриб ўтиради. «Кар ота»нинг маъсулияти шундаки, қудалар кулгилик гаплар айтса ҳам жилмаймаслиги даркор. Акс ҳолда, бу унинг розилигини билдиради.

— Кар ота, эллик сўмга қулогингиз очиладимми? — сўрайди куёв томоннинг ҳисобчиси.

Албатта, бу пул кар ота учун камлик қилади. Негаки эллик сўмга ҳозирги замонда бир нима олиб бўлмайди. Хуллас, пул юз сўмга чиққанда «кар ота» кулимсираб таъзим қилиб, пулни оладида чиқиб кетади.

Бу пулга яраша совга олиб кейинчалик келин кўрдига боради.

### КУЁВ УЛОҚ

Ўашқадарё вилоятининг Қамашини районидаги Бадахшон деган қишлоқда «Куёв улоқ»ни бермасдан бурун куёвнинг чимилдиққа киришига ҳаққи йўқ.

Куёв улоқ нима ўзи?

Бадахшонда бир қизга етти уйдан тийиқ деб биландилар. Шу сабабдан қишлоқ йигитлари қизларнинг босар-тусарини ҳар доим кузатув остига оладилар. Ва бундан қизлар ҳам оғринмайдилар. Ўзларининг ҳимоячиси кўплигидан мамнуи бўлиб юрадилар.

Мана шу ҳимоя, бокираликнинг сақлангани эвазига куёв томон никоҳ кунин қишлоқ йигитларига бир улоқ, сабзи, ниёз, гуруч, бир зиёфатлик пон, қанд-қурс беришлари даркор. Бу нарсаларни қишлоқ йигитлари бирор хоҳадонга олиб бориб ўзлари пиширадилар, кичик бир зиёфат ташкил этиб, эрталабгача ўйин-кулиги, хурсандчилик қиладилар.

Энг муҳими шундаки, ўз обрў-ҳурматини сақламаган, ҳаёсини йўқотган қиз турмушга чиқса, куёв улоқ талаб қилинмайди.

Демак, куёв улоқ ҳам эскилик сарқити бўлмай қизнинг поклигига берилган туҳфадир.

### ҚИЗ АЙТАР

Бу одат жумҳуриятнинг барча қишлоқларига хос бўлиб, айрим жойларда «қиз бекитди», «қиз обқочди», дейилади. Бунда қиздан вақлини сўрайдилар.

Бошқа вилоятларда бўлганидек Қашқадарёда «Қиз айтар» кўпиникида ўтказилади.

Келин бўлмиш барча дугоналарини тўплаб, зиёфат қилади. Қуюқ-суюқ тортилади. Тўйхонадаги одатлар тугагач, қовуш йиртувчилар қизлар даврасига ташриф буюрадилар. Қовуш йиртувчиларнинг бири қиз томон, бири куёв томонда танлашиши керак. Уларнинг вазифаси нимадан иборат?

«Сизким Қумушбиби Мирзакарим қиз, ўзингизни тошкентлик мусулмон Отабек Юсуфбек ҳожини ўглига бағишламоқ вақолатини амакингиз Муҳаммадраҳим Йўлдош ўглига топширдингизми». Қовуш йиртувчилар келин бўлмишдан Қумушбиби еттинчи сўровдан айтган «вақлимни топширдим» сўзини ўз қулоқлари билан эшитишлари керак.

Вақли топширилгач, қизларга аталган пул уларга бўлиб берилади.

### УЙНИНГ БЕЗАЛИШИ

Тўй — ўз номин билан тўй. Бағри бутун, тани соғ, ҳар томонлама шодлик кўнглига спққан одам тўй қилади. Элу юрт, қариндош-уруғга мипиатсиз дастурхоп ёзади.

Бу қувонч, шодлик — барча-барчаси ҳавлининг, уйнинг сарамжом-саришталиги билан янада кучаяди.

Бундан бир неча юз йил муқаддам бўлиб ўтган Мирзо Ҳиндолнинг тўйи куни уйнинг қай тарзда безалганини Гулбададбеғим ўзининг «Ҳумоюннома» асарида қўйидагича тасвирлайди: «Катта уй тўйхона бўлиб, унга олтидан тахт қўйилганди. Бу тахтнинг усти ва тағига зар тикилган зардеволлар, узунлиги бир ярим газлик марварид шодалари осилган ва зардеволнинг ҳар бир газига икки дўнгалак ойна ўрнатилган».

Уйнинг бу тарзда қимматбаҳо моллар билан безалиши, албатта, шоҳларга хос. Лекин жумҳуриятимиз вилоятларида тўй кечаси баҳоли қудрат қиз уйи безалади.

Момоларнинг ҳикоя қилишларича, илгари Қашқадарё, Сурхондарё ва Қорақалпоғистонда тўй куни оқ ўтов тикилган. Оталар катта бозордап танлаб-танлаб ўтов келтирганлар. Қашқадарёлик ва Сурхондарёлик оналар ўзларининг диду фаросатларини, назокатларини ўтов безаш чоғида кўрсатишган. Она, қизил ва оқ ипақдан пўнаклар, белдовлар тайёрлаган. Келиннинг ўз қўллари ижод этган пўнак ва мунчоқли чойхалталар, йилларининг, қора чироқли узун тунларнинг гувоҳи — оқ сурпага тикилган жойпешлар осиб қўйилиб, оёқ остига жўлхурс ва тоза матодан кўрначалар тўшаб қўйилган.

Албатта, ўтов тикиши тасвирлаш билан ҳозир ҳам ўтов безаш керак, демоқчи эмасмиз. Албатта, у пайтлар замон оғир бўлган. Уй солишдан ўтов тикиш анча арзонга тушган. Аммо уй безалишидан мақсад тўйга янада кучлироқ руҳ бағишлаш бўлган.

Шуниси борки, айрим вилоятларда қиз томонда уй безалмайди. Сурхондарёнинг Қумқўрғон туманида ҳам худди шундай бўлиб, агар ўша куни никоҳ ўқилсагина, чимилдиқ тутилади, холос. Қашқадарёда ҳам уй безалмайди. Қиз онаси тайёрлаган кўрна-тўшак тўрга йиғиб қўйилади, холос.

Наманганнинг Норин туманида қизнинг либослари, тиккап кашталари, қиз рўмоли ва куёвга аталган белбоғлар осилб, уй безалади. Ургутда никоҳ куни қизнинг уйи гўёки мозийхонани эслатади. Уй момолар руҳини шодлантириб жойномоз, болнипўш, рўйжо, зардевол, тоқчапўш билан обдон безалади.

Самарқанд шаҳрида қиз уйи — момоси ёки онасининг келинлик ёдгорлиги кашталар билан безалади. Шуниси борки, уй безаш фақат битта никоҳли, тилиб-тинчиган, ували-жували аёл томонидан бажарилади. Ва келин-

ни олиб кетаётганда кашталар ҳеч қачон қатлаб солинмайди. Гўёки келиш-куёвнинг бахти қатланишидан эҳтиёт бўладилар.

Ғиз уйини безаган ёҳуд безамаган вилоятларда, тайёрланган моллар билан куёв томонга борилгач, ўша ерда уй безайдилар.

Албатта, уй безашни ҳеч бир томоплама қоралаб бўлмайди. Бу одат келиш-куёв уйини нафис бир гўшага, хобхонага айлантиради, холос. Қолаверса, тўй икки ёш умрининг энг лаззатли фаслидир. Уйнинг мана шу тарздаги кўриниши уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қолади. Гап шундаки, уй биричи ишқоҳда безатилади. Бу битилмаган қонуниятнинг мавжудлиги, албатта, ёшларни билиб-билмай пожўя йўлларга қадам ташлашдан асраб туради.





### III. ҚАДРИЯТЛАРНИ УНУТМАЙЛИК МОМОЛАР ЕДИ

Аёл киши шак-шубҳасиз либослари, тақинчоқлари билан кўркамдир. Қадимги бухоролик заргарлар «дунёда битта бўлса ҳам аёл бор экан — заргарлик ўлмайди», дейишган.

Хўш, бу зеби-зийнатлар қачон пайдо бўлган?


Академик Иброҳим Мўминов таҳрири остидаги «Ўзбекистон ССР тарихи» китобида аёллар тақинчоқларига тўхталишиб, жумладан шундай дейилган: «Ҳозирги Ўзбекистон территориясида милоддан олдинги III минг йиллик охирларидагина, яъни Жанубий Туркменистоннинг тоғ этакларида деҳқончилик билан шуғулланган қадимий қабилалардан бирмунча кейинроқ мисдан биринчи бўлиб фойдаланиш йўли топилган.

... Мисдан асосан билакузук, маржон, зирак, узук, ва шу каби безак буюмлар ясаганлар»<sup>1</sup>.

Демак, қадимда яшаган аجدодларимиз — момоларимиз тақинчоқлар ўзларига зеб беришини англаганлар.

Аёллик дунёси зеби-зийнатлар билан янада кўркамланишини ҳис этганлар ва гўзалликни шу тарзда тўғри қабул қилиш даврлар силсиласида бугунгача етиб келган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1974 й. 16-бет.



Оналаримизнинг келинчаклик пайтларида тасодиф бўлиб тушган суратларидаги шарқона балдоқлар, бўйинларига зеб бериб турган зебигардонлар кишини ажиб ва афсонавий бир оламга етаклайди.

Албатта бу тақинчоқлар қимматбаҳо бўлмаган. Ва айнан мана шу одмилиги учун ҳам улуглик касб этган.

Масалан, булунгурлик момоларнинг ҳикоя қилишлари-ча, улар никоҳ куни бўйинларига тамоқча, қўлларига билакча тақишган. Бу тақинчоқлар катта-кичиклиги бир хил, ранги минг турли мунчоқлардан тузилиб тайёрланган. Албатта, тамоқча ва билакчани тайёрлаш осон иш эмас. Қолаверса, у худди жиякдек ўзида ҳар хил шакллارни мужассам этини керак.

Қулоқ ёнидаги кумуш зулпак, қулоққа кумуш балдоқ ёки қўнгироқчали исиргалар тақишган. Ишончаларини тиллақош, кўксиларини зебигардон, қирқ кокил сочларини қўнгироқчали ипак пўнак безаган. Ёқаси гажак-гажак (тишили) қотирма кўйлак, ярақлагап калпш-маҳсилар келинчак кўркига кўрк қўнган.

Жомлик момолар эса келинлик даврида олдига чироз тutilган кўйлак, шойи минсак, потисқали нўғой ковуш кийганлар. Кўксиларини ҳақик, хапавант, дардигозна, қизил маржон безаб турган.

Гарчанд битта вилоятдан бўлсаларда ургутлик ҳамда Самарқанд шаҳри келинларининг либос ва тақинчоқлари Булунгур ва Жомикидан бутунлай бошқа-бошқа.

Ургутлик келинлар енг кашта кўйлак кийиб, бўйнига пуқра ҳайкал, бозвонти, танганода илиб, томоғига мургак таққан. Билакка тошқўргони биллаузуқ, қулоққа гўза ва гуломи халқа, бурунга летиба топ, гулом қилиб жингалак ҳосил қилинган сочларига қўнгироқчали пўнак, кузмунчоқ таққанлар.

Андижон жумҳуриятимизнинг чекка бир вилояти бўлса ҳам илгариги келинларининг либослари Самарқанд ва қашқадрёликлариникига ўхшаш бўлган.

Хўш, андижонлик бувижонларимиз тўй кечаси қандоқ либос кийганлар? Улар пейонага кумуш жавак, қулоққа сақкиз шокилали кумуш сирга, бўйнига қизил маржон, бозма тумор тақиб, сочларига қўнгироқчали пўнак тақишган. Соч учига пилик солинган. Қотирма ёқали оппоқ кўйлак, сирма камзул кийганлар.

Қаманилик келинларининг либослари алоҳида таъриф-тахсинга лойиқ. Енглари кашталанган оппоқ кўйлак, бўйнига уршия, чинмаржон, поиншойи танга, безмачча, жавак тизилган мунчоқ, бурунга летиба тақишган. Қўз-

ни қамаштирувчи садаф мунчоқ, чагиртош (чипортош) келиниги бир ҳуспга минг ҳусп қўшган. Қирқ кокпил ўрилган сочларига кўзмупчоқ таққан, қошлари ўсмали, қўллари хинали келинчакни «чўлпон юлдузини чўрликка олмайди» деб таъриф берганлар.

Зомиллик келинлар кўкрагига баргак, пешонага жингилла, чаккасига кумуш гажак, қулоққа қутос халқа тақинган. Худди булунғурлик келинлардек томоқча ва билакча тақинган. Кўйлак дока ёки сурпдан тикилган. Келинлар қизил желак, лозимидаги чолма жияги билан ажралиб турган.

Қорақалпоқларнинг қангли уруги келинлари кўксига тақиладиган шалига кўйлакка тикиб қўйилган. Пешонадаги косованинг шакли шалига билан бир хил бўлган. Бурунга албатта летиба тақилиб, сочга қўнғироқчали қутос тақинган. Билакка икки қўшмали билакузук тақинган. Кўйлак епги қора газмол билан мағизлапган. Бошга тижим рўмол ташлапган. Юзига дока тутилган. Келинчак ясашига тайёрланаётганда кўйлак ёқасини албатта кампирлар йиртишган. Бу одат келинга узоқ умр, бағримаҳкамлик тилашидир.

Биз юқорида санаган қорақалпоқ аёлларининг тақинчоқлари XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб темирчилик, дурадгорлик, тўқувчилик ҳунарлари билан бирга юзага келган. Бу тақинчоқларнинг хилма-хиллиги қорақалпоқларнинг гоҳ қозоқ, гоҳида эса Хива хонликларига бўйсунганлигидир, эҳтимол.

Хўш, Ўрта Осиё, қолаверса жумҳуриятимизда яшовчи аёллар зебу зийнатлари, либослари нега бир-биридан фарқ қилади? Бунга шундай жавоб бериш мумкин.

Милоддан олдинги VI асрда Қир, сўнгра Эрон шохи Доро, милоддан аввалги 334 йилда Искандар Зулқарнайин, Чингизхон босқини, араб халифалари истилоси — барча-барчаси Ўрта Осиё халқлари қадимги маданиятининг аралаш-қуралаш бўлиб кетишига таъсирини кўрсатмади, десак ҳақиқатга зид бўлади. Тўғри Искандар маҳаллий амалдор Оксартнинг қиз Рахшанага уйланиб, миллий урф-одатларни жорий қилди. Балки, маана шу аралаш ниқоҳ ҳам бизнинг юқоридаги эҳтимолимизни ҳақиқатга яқинлаштиради.

«Эндиликда, биз юқорида таъриф этган жуда кўп либосу тақинчоқлар лоқайдлигимиз туфайли йўқолиб кетган. Уларнинг айримлари мозпйхоналарга кўрк бўлиб турибди. Аммо миллий ифтихоримизни томоша қилиш учун вақт тополмаймиз. Энг ёмони аёллигимизни — аёл

Ўзининг такрорланмас кийим-боши, тақинчоқлари, латофатли қиёфаси билан аёл эканлигини унутгандекмиз.

Тялимизга, тарихимизга ва ҳаттоки, она табиатимизга эътиборсизлик билан қараганимиздек, қиёфамизни белгиловчи миллий либосларимизга ҳам ёмон, бегона назар билан қаровчилар тошди. Ваҳоланки, ҳар бир миллат ўз тили, урф-одати, либослари, такрорланмас ҳаёт тарзини қай тарзда асрагани билан ҳам эътиборлидир».\*

### УМРНИНГ СЕҲРЛИ ФАСЛИ

Миллий либослар биринчи галда диққатни ўзига тортади. Энг ривожланган мамлакат ҳисобланган Японияда келинлар — миллий либос — кимапосиз, тожик келинлари эса каштали кўйлак-лозимсиз, оқ рўмолу айлана қалпоқсиз келинликка, миллатга хиёнат қилган саналади. Тоғли Бадахшон водийси қизлари эса ҳамон никоҳ куни ўрик дапагидан маржон тизиб тақиншади, чунки ўрик ўша ерликларнинг энг сизинган дарахтидир. Демакки, бизнинг ҳам ўз сизинган муқаддас илдизларимиз бўлиши керак.

«Дунёни янгича идрок этиш спёсати мудроққа кета бошлаган кўзларимизни очгандек бўлди, тафаккуримизни нурлантириб юборди. Халқ ўзлигини йўқотмаслиги керак. Ўзлигини, миллий ғурурини йўқотган халқни ҳар нарсага бўйсундириш осон бўлади.

Шу жиҳатдан жумҳуриятимиз вилоятларининг айрим қишлоқларида миллий никоҳ либосларининг ҳамон йўқолмай келаётгани таҳсинга сазовордир.

Тоғлар қўйнида жойлашган оромбахш маскан — Ургутда маънавияти губорсиз қиёфасига мос одамлар яшаб, меҳнат қилишади. Бу масканиннг аёллари ҳунарманд — нақши минг жилоли кашталар тикишади, юзлаб лахтакни сарфлаб дўппилар тикишади. Бу аёллар қадим-қадимлардан куроқ тикиб, ёстиқларга жилд ясашади, кўз нуридан давом этиб келаётган тирпклик дарахтининг илдизлари бўлмиш турли маросимларни ҳаминша маромда ўтказиш ва бу анъаналарга эпён-захмат теккизмай ўзларидап кейинги авлодга етказишга ҳаракат қилишади»<sup>2</sup>.

Ургутлик келинлар момолари руҳига содиқ қолиб, улар чиройини офтоб янглиг очган либосларни ҳамон таплаганлари йўқ. Бу эса ўз-ўзидан юқорида таърифи келтирилган аёллар — оналар тарбияси ҳосиласидир.

<sup>1</sup> Д. Саидова. «Саодат» журнали, 1989 й. 8-сон.



Никоҳ куни ургутлик қизларнинг сочини майдалаш ҳар кимга ҳам товширилмайди. Бунинг учун маҳаллада алоҳида ҳурматга сазовор бўлган тиниб-тинчиган, ували-жували аёл танланади. У «ойга қарич, ерга қуроқ» деб қайта-қайта такрорлаб, соч ўримини ниҳоясига етказди. Сочлар учига оқ нахтадан нилик тақишади.

Эгпида опшоқ (бахт) кўйлак, юзда ҳарир рўмол, бошда паранжи, ярақлаган ковуш-маҳсили келинчак малакни эслатиб туради. Улар тангашода, рунияшода, пешонага тиллақош, бошга сарапдоз тақадилар. Улар кўксини безовчи ҳайкал тақинчоги оиланинг энг қимматбаҳо мулкни саналади.

Бухоролик қизлар эса енгларини қари биби тиккан оқ кўйлак, каштали лозим, маҳси-ковуш, сарпар калопуш (дўппи) кийиб, бошга оқ рўмол ташлайдилар. Кўксига хилма-хил мунчоқлар тақадилар. Худди ургутдагидек бухоролик қизлар сочини ҳам ҳар ким ўрмайди.

Афсуски, ҳозир жумҳурият вилоятларида ўша ернинг туб аҳолиси келиб чиқиши, этник таркибини ўзида муҷассамлантирадиган либос ва тақинчоқларнинг сақлап-пидан сақланмагани кўп. Жуда кўп ҳолларда келинлар авлодий оқ кўйлак, калиш-маҳси, юзда оқ чиммат, бошга оқ рўмолу, паранжи ёпинадилар, холос. Ҳатто мапа шу кийилган либослар таваккал, чеварнинг фикри-мулоҳазаси билан тайёрланади. Масалап, қашқадарёлик келинлар тинли кўйлак ҳақида мутлақо унутинган. Момолар таққан тақинчоқларнинг ўндан бирини сақлапмаган. Водиллик, жомлик, қорақалпоғистонлик келинлар аждодлариниз таққан жуда кўп тақинчоқлардан маҳрум.

### **ҲАДИС:**

*«Кимки бирор миллатга ҳавас қилиб, кийиниш ва зийнатда ўзини уларга ўхшатиб юрса, ўша миллатга мансуб бўлиб қолади».*

Албатта, жумҳурият вилоятларида Тошкентга нисбатан анча-мунча миллий ақидаларга амал қилинади. Аммо пойтахтимиз Тошкентда, ўзбеклардан кўра ўрис ва бошқа миллатларнинг кўплиги сабабми, ҳатто никоҳ тўйларига ҳам оврупоча одатлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган.

Тошкентлик қизлар никоҳ куни уинданоқ оврупоча кўйлагу шляпани илиб чиқадилар. Бу момолар хотираси олдида ҳурматсизлик, ҳаё ва андишани тенкилаб ўтиш эмасми?! Тўғри замон ўзгариб кетган. Аммо Японияда, Тожикистонда, замон ўзгаргани йўқми? Ахир япон келиннинг кимано кийиниши, ҳатто сочини японча услубда

турмаклаши оврупоча никоҳ либоси ва соч турмагидан ўн бора қишп-ку. Ёки бўлмасам тожик қизи каштали кўйлақ-лозпм, айлана қалпоқ тикканидан кўра нега дўкондан тайёрини сотиб олишни афзал билмайди? Чунки, уларда миллатга, туғилиб, киндик қони томган она-заминга муҳаббат кучли, эътиқод кучли. Лекин нега биз шарқ диёрида яшаб туриб, никоҳ либосига айнан оврунодан андоза кўчирамиз? Миллий никоҳ либосларининг тақомиллашган шаклини ўйлаб топсак бўлмайдимиз? Қолаверса, қиз бола беғубор дунёдан хотинлик салтанатига узатилаётганда юз-кўзини пардалар ортига олса тузук эмасми?

Айтми лозимки қизлар миллий тақинчоқ турлари билан мутлақо таниш эмаслар. Улар заводлар минглаб нусхада тайёрлайдиган тилла узук, тилла сирға, тилла занжир билан келиш бўлишмаяпти. Бу тақинчоқларда эса қалб кўриши, юрак меҳрини ҳис қилмайсан киши. Ҳайратлар дунёсига оқиб кетмайсан.

Истардикки, кўксиде миллий гурур чўғи сўнмаган заргарларимиз, қизларимизга ўзлиги билан қўшиб, йўқотган зебу зийнатларини, тақинчоқларни ҳам қайтарсалар.

## СИМОВИЙ САЛЛАЛИ ЙИГИТ

Ўзбек тўйи деганда дафъатап карнай садоси, сурнай поласи, ногоранинг кўнгилларини ҳаяжонга чулғайдиган шўх оҳангини эшитгандек бўламиз. «Шу кунларга етказсин-а» деб ният қиламиз беихтиёр. Ахир хонадонингизга келиш келади. Ёки қизингиз келиш бўлиб бошқа бир оилани обод қилади.

Онахоиларимиз бўлажак келинлари иболи, назокатли, ақлли-ҳушли ва яна... сочлари тақимини ўпиб туришини орзу қиладилар.

Кўёвларини-чи? Бамаъни, эсли-ҳушли бўлишини тилайдилар. Албатта, шу жиҳатдан қараганда она гарчанд қизининг тақдирини Қумушбобиникига ўхшашини истамаган ҳолда, Отабекдек куёвга эга бўлишни хоҳлайди.

Унингдек ўқиминли, сермулоҳазали куёвга эга бўлиш уларнинг орзуларидир.

Биз хоҳ тан олайлик, хоҳ йўқ киши эғнидаги либос унинг кимлигини мапаман деб англатиб туради. Қачонки, кишининг феъли-атвори пала-партиш, қўнимсиз экан у

ҳеч маҳал кийинишда мана шу ички хусусиятни яшириб қололмайди.

Шу жиҳатдан қараганда Отабекнинг ниҳоқ кундаги тўй либосини бир эсга олайлик: «Бошида симоби шойи салла, устида қора мовут сирилган совсар пўстни, ичида ўзининг Шамайда тиктирган осмон ранг мовут камзул, мовут ним, оёғида қора пойафзали, белида Қумушбибининг уста қўли билан тикилган шойи қийиқ»...<sup>1</sup>

Эҳтимолки, бу ниҳоқга Юсуфбек ҳожидан билан Ўзбек ойим ҳам бош қўйишларида ушбу либослар янада кўркамлик кашф этармиди?! Аммо бу либосларни Отабекнинг ёлғиз ўзи тақдирлаганини ҳам унутмайлик ва унинг диду фаросатига яна бир бор таҳсин ўқийлик.

Кекса онахонларимиз илгариги куёвлар либоси ҳақида сўзлар экашлар, адиб Отабекнинг куёвлик либосини ўзи ўйлаб толмаганини, балки ҳаётдан олиб қозоғга тушириганини билиб олиш мумкин.

Қанқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Андижон ва Наманган вилоятининг айрим туманларида куёвлар ёрқин рангли олачадан (беқасам) чопон, келин бола ўз қўли билан йўрмалаган белбоғ, бошида оҳорий салла, оёғида махсус косиблар тиккан нуғой этик кийишарди. Айрим туманларда эса куёвлар шёзи чакмон кийишган.

Жиззахнинг Зомин туманида куёв алаки беқасамдан чопон ёки туя жунидан чакмон кийиб, бошига кўк совсардан салла ўраган. Оёғига уч қайрилган мукки (этиксифат) кийган. Белқарени эса, юқорида таъкидлаганимиздек, келин бола газамлар битиб, йўрмалаган.

Бу либослардан фарқлироқ, Бухорода куёвлар олача чопон, сарпар калануш (салла остидан кийиладиган қалпоқ) кийишарди. Белига нарча белбоғ боғлашади.

Биз юқорида кўп бор таъкидлаганимиздек, қорақалпоқ куёвларининг либослари бир уруғиники иккинчисидан фарқланади. Қангли уруғи куёви этаги қизил газмол билан мағизланган олача чопон, белига белбоғ, бошига бахмал тайха кийган. Этиги эса косиблар томонидан ҳўкиз терисидан тайёрланган.


Ҳа, нафақат келинники, балки куёвининг либослари ҳам орзу ҳавас билан йиллар давомида тайёрланган. Ва бу либослар кейинчалик ҳам ардоқ, эъзоз билан кийилган. Негаким, меҳр кўзда деганларидек куёв учун тайёрланган

---

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» «Ўқитувчи», Тошкент, 1974 й. 59-бет.

либосларга нафақат кўз нури, балки меҳр кўри ҳам қўшиб тикилган.

Мана шу меҳр куёвни ҳар доим таъқиб қилиб, яхши ёмон кўчага киришдан асраб турган. Бу эса ўз вақтида оила баркамоллиги ва мустақамлигини таъминлаган.





#### IV. ЧИРОҒИНИҒ ЎЧМАСИН, ОЙ КЕЛИН

Туркий халқлариниң илдизи қадим асрларга бориб тақалади. Ва шу жиҳатдан ҳам урф-одатлар асрлар давомида сайқалланиб, тақомилланиб боради.

Авалло, «Одат (арабча — анъана) — халқларда ички муносабатларни тартибга солувчи нормалар ва анъаналар мажмуаси. Исломи динини қабул қилган халқларда одат шариат қонунилари билан бир қаторда жамоа ҳаётини тартибга солишида роль ўйнаган. Одати кўпинча иқтисодий ва ахлоқий ҳаётиниң турли томонларига, онла ва турмуш тарзига тааллуқли бўлади. Одати исломга қадар мавжуд бўлган анъаналардан келиб чиққанлиги сабабли ислом оламиниң турли денараларида турлича кўринишига эгадир»<sup>1</sup>.

Албатта, дунёни улкан бир кема десак, шу кеманиң юзлаб пуқталарида мусулмонлар яшайдилар. Аммо уларниң урф-одатларида фарқ бор. Нафақат битта жумҳуриятда, ҳатто битта туманда яшаб, у қишлоқниң урф-одати бу қишлоқниқидан фарқ қилади. Ва биз шу ерда ўна қишлоқлар аҳолисиниң этник таркиби, келиб чиқи-

<sup>1</sup> Исломи. Справочник. Ўзбек совет энциклопедияси. Тошкент, 1987 й. 142-бет.

ши билан ҳисобланмай иложимиз йўқ. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек миллати ўнлаб уруғларнинг қўшилтувида таркиб топган. Бу уруғларнинг эса ҳар бирининг ўзига хос гўзал удумлари, урғу одатлари бор.

Қўйида никоҳ кечасининг безарар ва безавол урғу-одатлари билан танишамиз.

### ПОЁНДОЗ СОЛИШ

Туркий халқларда, хусусан ўзбекларда меҳмон-отандан улуғ, деб биладилар.

Никоҳ кечаси тўйхонада жам бўлганлар учун энг азиз меҳмон — бу келин билан куёвдир. Бу кеча ҳар ким уларнинг дилини огритиб қўйинидан чўчийди. Атрофида катта-ю кичик гиргиттон бўлади. Улар оёғига тоза матодан поёндоз солишини ҳам мапа шу иззат-ҳурматнинг бир кўринишидир.

Албатта, куёв чимилдиқ тутилган уйга кираётганда келин томон, келин эса куёвнинг остонасига етганда куёв томон поёндоз ташлайди.

Поёндоз қиммат матодан бўлини шарт эмас: ким шоҳи, ким атласдан ташлайди. Аммо Фарғона водийсида албатта тоза духобадан соладилар. Ва бу матонинг куёв жўралар талашиб-тортишиб бўлак-бўлак қилиб олинади. Ва мапа шу нарча ўна олган йиғит уйида албатта яхши ният билан бирор нарсага ишлатилади. Бу мен ҳам шу кунларга етай, яхши қиз умр йўлдошим бўлсин, деб қилинган тилақдир.

Самарқанд шаҳри, Ургут, Булуғур туманлари, Тошкентнинг барча шаҳар районлари, Қарши Шаҳрисабз, Қитоб томонларда поёндозни кексароқ аёл ёҳуд маҳалла дастурхончиси олади. Бу эса ёшларга узоқ умр, таби сипхатлик тиландир.

Поёндозни қаерда ким солишни ва қандай олишиндан қатъи назар ҳаммасида эзгу ниятлар, ошшоқ тилақлар мужассамдир. Бу одатни эскилик сарқитига йўймай, авлоддан-авлодга етказишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

### ҚИЗ КЕЛТИРАП

Қиз боланинг кўнгли гулдан позик, қадри тоғдай баланддир. Шу жиҳатдан қараганда илгари қизлар (ўз уйида) чимилдиқ тутилган уйга ўз оёқлари билан юриб келмаганлар. Буни ор-помус, андиша деб билганлар.

Хуллас. Андижонда гиламга, Булунғур ва Жомди пўстак ёки кўрначага келишни ўтиргизиб, чимилдиқ тutilган уйга келтирилганлар.

Қаманида эса келишнинг онаси тўқилган гождари гиламга ўтиргизилиб бир тозагина ўгил бола, ун солинган супра, ҳеч кимнинг назари тушмаган кўзгу келин қўлига берилган. Бу гилам чимилдиқ тutilган уйга келтирилган.

Гарчанд қиз келтиришнинг бу тартибда бажарилишида ҳеч бир ёмон маъно-мазмунни сезмаган бўлсак ҳам, бу одатнинг йўқолиб битаётганини момолар ачиргани билан сўзлайдилар.

### СОЧҚИ СОЧАР

Никоҳ куни сочқи сочинш одати асрлардан буён туркий халқларнинг энг гўзал удуми сифатида сақланиб келмоқда. Бунинг исботи тариқасида Гулбадап бегим тасвирлаб берган Ҳиндол мирзо билан Султоним бегимнинг никоҳ тўйларини хотирлаш кифоядир. «Шоҳруҳий таъга ўн минг чамасида бўлиб, булар — ҳаммасини аввал ва инеъматлар олдига, сўнгра шу мажлисда ҳозир бўлганларга сочиб юбордилар»<sup>1</sup>.

Сочқи сочинш яхши ниятга йўйилган сабабли, у жумҳуриятимизнинг барча нуқталарида сақланиб қолган.

Кимдир келин куёв устидан қақд-курс, таъга сочса, хоразмлик оналар очилиб-сочилиб юрсин деган ниятда қизил жийда сочадилар. Айрим жойларда ували-жували бўлсин, элда тўқиллик бўлсин, деган ниятда буғдой сочадилар. Дарҳақиқат, битта буғдой бонмогида бир неча дон бор. Буғдой бор жойда поп, ризқ-рўз бор. Демак, момаларимиз билиб-билмай бу ишга қўл уришмаган. Халқимизга хос бўлган одамийлик, бағри кенглик унинг ҳар бир ҳаракатида, ҳар бир каттаю-кичик урф-одатида ўз аксини тошган.

### ОЕҚ БОСАР

Бу одат жумҳуриятимиздаги барча қишлоқларга хосдир. Куёв-келин чимилдиқ ичига кирганда шундай урф бажарилади. Албатта, бу дақиқада келин анчайин устун. Сабаби ковуни бетини ўйиб турган либослар унга енгиллик яратади. Келин чап ковушини ечиб, учини куёв кўзига кўрсатиб қўяди. Куёв нишиққина бўлиб бу ай-

<sup>1</sup> «Хумоюннома». Тошкент, 1959, Ўзбекистон ССЖ Фахлар Академиясининг нашриёти, 49-бет.

ёргарликни англаса яхши, англамаса бор кучи билан қуруқ ковушни босади. Ва ҳужумга шай турган келиш ўнг оёғини куёв оёғи устига қўяди.

Тошкентлик куёвлар бу мусобақада, албатта, голиб бўладилар. Негаки, келиш куёвнигида машинадан тушаётганида бу одат бажарилади.

Айтишларича, никоҳ қуни ким биринчи бўлиб оёқ босса ўша оилада устун бўлармиш. Аслида эса ундай эмас. Оёқ босиш одати енгил ҳазил билан йўтрилган ўйиндир, холос. Чунки ҳеч маҳал ўзбек хонадониди эркак қолиб аёл устун бўлмаган. Қолаверса, аёл кишининг устун бўлиши, унинг назокатига, табиатан яратилган итоат-гўйлигига бирмунча раҳна солади. Шоира Нодирабегим айтганларидек: аёл киши эркакнинг бағрида гул бўлса, ундан ортиқ уввону устунликларнинг ҳеч кераги йўқ.

## ЧИРОҚ АЙЛАНТИРАР

Бизга яхши маълумки, Ўрта Осиё халқлари Ислондан олдин оловга сиғингавлар.

«Қуёш ёруғлик манбаи ва ўт қуёшнинг бир қисмидир. Қуёш ҳаёт келтиради, жамики нарсалар қуёшнинг ҳаётбахш нурлари билан уйғонади. Саклар тўғрисидаги қадимий манбаларда айтилишича, улар қуёшга сиғинганлар. Шу билан Ўзбекистоннинг қадимий халқлари ўт ва оловни ниҳоят даражада ҳурматлаганлар, пфлос ва сассиқ нарсаларни ўтга ташлаш тақиқлаб қўйилган»<sup>1</sup>.

Аждодлар сиғинган ёруғлик рамзи оловга ҳурмат ҳозир ҳам сақланган. Келиш куёвдан ёқилган чироқни уч бора айлантириб олиш, куёвнигида ёқилган гулхандан келишни айлантириш икки ёшнинг ҳаёт йўлига ёруғлик тилаш, демакдир.

Келишнигида чироқ айлантиришга икки ёки уч киши тайинланади. Булар бир никоҳли, динонатли, ҳалол аёллар бўлмоғи шарт. Ургут, Шаҳрисабз, Китоб туманларида чироқ келиш-куёв ҳамда чимилдиқ атрофида айлантирилади. Қаманида бўлса фақат келиш-куёв атрофидан айлантирилади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам чироқнинг ўчиб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак.

Ургутда ўша айлантирилган чироқ ўчирилмай куёвнигига элтилади. У то «тахт йиғди» маросими ўтгунча

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. Тошкент, 1974 й., 39-бет.



келин-куёв хобхонасида ўчмай туриши лозим. Чироқни шу тарзда ўчирмай куёвникига элтми Хоразм вилоятига ҳам хосдир.

### ОЙНА ҚАРАТАР

Бу одат учун яхши ёмоннинг назари тушмаган, яъни ўраб қўйилган ойна таплавиб, келин-куёвга қаратилади. Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилояти туманларида ойна келин уйида қаратилади. Бухорода келин-куёвга алоҳида саломнома айтилгач, бу одат бажарилади. Сурхондарёда чимилдиқ келин томонида тutilмагани учун ойна куёв томонида қаратилади. Водийда ҳам келин тушиб боргач, ойнага қаратилади.

Хусусан, Андижонда келин-куёвдан «Ойми қуёш?» деб сўралади. Ойнага қараб келин аксини кўргач, куёв:

— Ой, — дейди.

Келин лаблари эса оҳиста шивирлаб:

— Қуёш, — дейди.

Тоза кўнглиларнинг бу иқрори уларнинг бир умр ҳамроҳи бўлади.

### АСАЛ ЯЛАТАР

Кини тотли нарсанинг таъмини тотганда асалдек ширин экан дейди. Озода, тоза кийинган ёқимли қизалоқларни кўрганда «асал қиз экан» деймиз. Гарчи ҳар икки ҳолат ҳам асал таъмини бермасада, биз шу ганини айтиш билан таом эгаси ва ўша қизчанинг ота-онасига мамнуулигимизни етказамиз.

Турмушнинг эса асалдек ширин бўлишини дастурхонда фотиҳа ўқилганда айтамыз, яқин дўстларимизга шу тарзда тилак билдирамыз.

Севимли шовримиз Эркин Воҳидов ўзининг «Асал ойн» шеърининг муқаддимасини кўтаришкн руҳда шундай тугаллаган эди:

Бизнинг ҳаёт ошиқ аҳлининг

Тилларида ғазал бўлади.

Севги билан қурилган умр

Сўнгигача асал бўлади.

Дарҳақиқат, никоҳ кечаси куёвнинг келинга асал ялатиши шоврининг ниятига эндек.

Жумҳуриятимизнинг айрим вилоятларида асал ялатар одати яхши асралиб келинмоқда. Қашқадарё вилоятининг

Қарини, Шаҳрисабз ва Киптоб туманларида чимилдиқ одатлари тугагач, келин-куёв олдиға дастурхон ёзилиб асал, ширин сув, қаймоқ келтирилади.

Куёв бу ширинликлардан аввал ўзи тотади, сўнгра хазинабон бармоғи билан келинға аввал асал, сўнгра қаймоқ ялатади, ширин сув хўплатади. Бу ширинликларнинг барчаси куёв жўра томонидан куёвниқига элтилади.

Ургут ва Самарқанд шаҳрида чимилдиқ одатлари маромға етгач, келин томонидан бир мутасадди аёл куёвға «хуш келдингиз» айтади.

Офтоби айбарим хуш келдингиз,  
Юртимизнинг сарвари хуш келдингиз,  
Йўлдон болам хуш келдингиз<sup>1</sup>.

Шундан сўнгра куёв олдиға қуроқ дастурхон ёзилиб, қатор патнислар келтирилади. Патнисларда ўнта нон, қандолат, пишпирилган гўнит, бир неча тухум, олма, апор, парварда, соч ҳолва, бўлади. Шарт шулки, патнислар сони тоқ бўлмаслиғи керак. Куёв келинға асал ялатгач, кўлиға бир чангал қандолат, икки дона тухум олади, шундан сўнгра дастурхон шу туриниқча куёвниқига жўнатилди.

Ўз-ўзидан равшанки, куёвнинг келинға асал ялатиши кейинги кечадиган умрининг асалдек тотли бўлиши учун қўйилган биринчи қадами ўрниға ўтади.

### СОЧ СИЙЛАР

Аёл зоти асрлардан бери шоирлар назмида гулга қиёс этиб келинган. У эркалан, суйиш учун, назокату латофат учун яралган. Ва ўзидағи жамини нок хислатларини фарзандлари феъли атворига ўтказиш учун яралган. Бундай зот фақат ширин сўзлар билан, яхши ҳаракатлар билан эркаланмоғи керак. Ва ўзи ҳам мана шу эркаланға жавобан шакдек мулоим бўлмоғи керак. Шу боисмиқан, жумҳуриятимизнинг айрим вилоятларида никоҳ кечаси куёвнинг келин сочларини шаклик билан силаниш одат тусига кирган. Андижон, Бухоро, Сурхондарё вилоятларининг айрим қишлоқларида келинниқига бу урф-одатлар бажарилмагани учун соч силатар куёвниқига бўлади. Булуғур ва Қаманшида эса келин уйида тутилган чимилдиқ пинди бажарилади.

<sup>1</sup> Бу сатрлар Самарқанд шаҳрида яшовчи Хосият Ёқубовадан ёзиб олинди.

Ҳамашида чимилдиқ одатлари бажарилгач, келин-куёв чўк тушиб ўтиради. Кампирлар улар устига кўрна ташлайдилар, Куёв чопои енгига қистирилган фаранг рўмол билан келин сочларини юқоридан пастга қараб силлайди.

Сочни ипаклик билан силап келин феъли-атвори ипакдек мулойим бўлсин, сочлари ҳаминша силашга арзийдиган ҳолда қолсин, деб қилинган тилақдир.

### ИПАК ЧАТАР

Оилада ёлғиз бир кишининг мулойимлиги ҳеч нарсани ҳал қилмаслиги мумкин. Агар эрақ ва аёл бир-бирининг кўнглига қарайдиган, ҳурматини жойига қўядиган бўлса, нур устига аёло нур бўлади. Шу мақсадда жумҳуриятимизнинг кўнглина туманларида куёвнинг чонони елкасига ҳам ипак чатилади. Айрим жойларда куёв чимилдиқ ичига кирмай чатилса, айрим жойларда бушинг акси. Учинчи жойда эса домла никоҳ ўқиётганда чатилди.

Ҳар уч ҳолатда ҳам оқ ипак танланади ва ипак учни тугилмай, чопоининг бор бўйига ташлаб қўйилди.

Ипак чатувчи аёл аввалдан тайинланади. Ўз-ўзидан равшанки, ойна қаратувчи, исриқ тутатувчи, шарбат суви келтирувчи бир никоҳли аёлдан танлангани каби ипак чатувчи ҳам ҳар томоилама кўнглидагидек бўлиши керак.

### БУГДОЙ ТЎЛДИРАР

Йингит-қиз ҳар қанча бир-бирини ёқтириб турмуш қурмасин барп-бир улар онласини фарзанд обод қилади.

Фарзанд — ота-онасининг келажаги, кексайганда суяпчинг, белининг қувватидир. Шунинг учун ҳам ўзбеклар: «Болаларнинг бели чинор, боласизнинг бели синар», деб бежиз айтинмайди.

Жумҳуриятимизнинг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида яхши шият билан серфарзанд бўлсин деб куёв пойафзалига бугдой солиб қўйишади. Қолаверса, бугдой тўқиллик, тўқлик рамзи. Нони кўн бўлган элнинг ғами бўлмайди. Ва шу жиҳатдан ҳам бугдой тўлдира ода-тини аёло эскилик сарқити деб четга суриб қўймайдилар.

### ОҚ ФОТИҲА БЕРИНГ, ОТАЖОН!

Ота рози — худо рози, она рози — пайғамбар рози, дейдилар! Ота-онасининг дилини равшан қилиб, уларнинг кўнглини огритмай турмуш қурган йингит-қизлар ҳеч ма-

ҳал ҳаётда ноўрин азоб чекмайдилар. Қийналсалар ҳаминша ота-оналари ёнларида қалқон бўлиб туради.

Агар қиз ота-онасини рағжитмай, поклиги, бокиралигини сақлаган ҳолда турмуш қураётган бўлса, никоҳ кунини ота эл олдида юз ёруғлик билан фарзандига оқ фотиҳа беради. Лекин оқ фотиҳа бериш жумҳуриятимизда турли кўринишларга эга. Масалан, Зомин ва Норинда қизнинг ота-онаси бир уйда ўтиради ва ёшлар улар олдига кириб оқ фотиҳа сўрасалар, ромитонлик оталар останада туриб тиззасига бони урган қизига оқ фотиҳа берадилар. Лйпан ота елкасидан тавоф қилиб тиззасига бони уриш Қашқадарёнинг Қамашини ҳамда Китоб туманларига хосдир.

Китоб ноҳиясининг ҳазрати Башир қишлоғида ота қизининг бошидан бугдой сочиб, кўзда ёш билан оқ фотиҳа беради:

— Борган жойингда тиниб-тинчиб, серфарзанд, сердавлат бўлгин, қайнона, қайнотангини ҳурмат қилгин. Ўша рўзгорда толи келса кемир, сув келса симири. Қўша қаригини, омин облоҳу акбар!

Фарзанд учун ота-она уйидан йироқлашини қапчаллик оғир бўлса, ота-она учун ҳам бир нарча гўштлигидан боққач, тарбиялагач, қўлидан ши келиб, оғзидан гап келган фарзандини ўзга оиллага узатиш шу қадар оғир. Буни фақат қиз ўстириб, чиройи кўзга кўринганда ўзга боғга элтиб қўйган биледи. Ва ота-она ўзи парваринлаб вояга етказган қизи — гули олдида ҳаминша ўзини шмага-масъул деб санайди. Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон, Қашқадарёнинг Қамашини, Ўзбехнинг айрим қишлоқларида оқ фотиҳа берилгач, оқ отга минаётган келин оёғига ота елкасини тутиб туради. Бу қизим — гулим сенга келган балоларга балогардон бўлай, бошинга ташвиш тушса қалқон бўлай, деганидир. Қизлар оталарининг шу даражадаги жон фидойчилигини ҳис қилсалар ва шунга қараб иш тутсалар фойдадан холи бўлмайди.

## АРАВА БЕЗАР

Қизнинг ота уйидан, гўдаклигидан шу ёшга етгунча туз еган маконидан узоқлашинини унинг кўнглига мақадар азоб беради. Мапа шу азоб ўн ҳиссага кучаймаслигини учун ҳам қиз бегона бир хонадонга иззат-ҳурмат билан узатилади.

Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида илгари келинлар оқ отда тушириб келинган. Оқ от яхшилик, бахтининг рамзий элчисидир. У инсоннинг энг садоқатли дўсти-

дир. Айтадиларки, от йиқитса йиқилувчи бпқинига пат  
гилам тўшармиш, эшак йиқитса қатқалоқ ерга рўнара  
қилармиш. Бу ривоятдек кўринса-да, аллақандай ҳақи-  
қатга таянилган. Сабаби, отдан йиқилган эшакдан йиқил-  
ган кишининг майиблигини олмайди. Эҳтимол келиннинг  
отда кетиши ҳам шу ҳикматга асослангандир. Ҳарқалай  
жумҳуриятимиз вилоятларида келинни машинага солиб  
кетиш одат тусига кирган бир паллада Ҳиззах ва Сур-  
хондарё вилоятларининг айрим туманларида ҳамон ке-  
лини отда олиб кетадилар. Келин олдига акаси ёки укаси  
утиради ёхуд пастда бошловчилик қилиб боради. Қора-  
қалноғистон ва Хоразмда илгарги келинлар аравада олиб  
кетишган.

Иш нишиқ-пухта бажарилгач, арава чўгдек кигизлар,  
тоза матолик кўрначалар билан безатилади. Отга қўнғи-  
роқ, оқ, кўк, қизил мушчоқли нўнаклар тақиб безайдилар.  
Қорақалноғистоннинг айрим туманларида қизни аравага  
маҳалла дастурхончиси (элти) чиқарса, айрим жойларда  
қизнинг поччаси чиқариб қўяди.

Аравадаги сув тўлдирилган қумғон куёв томонга тўк-  
май этилиб, биринчи қовушганда келин-куёв ювинишади.

Аравада яна бир ўзига тортувчи нараса бўладики, бу  
ёниб турган чироқдир. Элти билан янгалар чироқ ўчиб  
қолишидан эҳтиёт бўлмоқлари керак. Чироқ келин-куёв-  
нинг кейинги ҳаётига ёруғлик, нур бағишлаб туради.


Ҳамманинг кўнглида бир тилак: «Чироғнинг ўчмасин,  
ой келин!»

## АРҶОН ТАШЛАР

Бу одатни меҳимча очлик даври, қанишоқлик даври  
келтириб чиқарган бўлса керак.

Негаки, илгарги келин хоҳ отда, хоҳ аравада кетсин  
йўл-йўлакай болалар йўл тўсишган. Гарчанд келин туш-  
ган улов арқонни босиб ўтишга қодир бўлса ҳам, аммо  
бундай қилмаган. Бунга ўзларига эи билмаганлар.  
Аксинча, қизнинг опаси баҳоли-қудрат тугиб берган  
туғундан нонми, бўғирсоқми, қатламами берилиб, арқон  
ташловчилар кўнгли хуррам этилган.

Ҳозир ҳам бу одат жумҳуриятимиз вилоятларида  
сақланиб келинмоқда. Албатта, ҳозир очлик замони эмас.  
Аммо тўй туғунидан тотини, ёхуд келинчак тўқиган рў-  
молча, тиккан қийиқчасидан олиб, шу кунларга етиш  
орзуси болакайларни арқон ташлашга ундайди.



## V. НУРГА ТЎЛГАН УЙ

### КЎНГИЛ НИДОСИ


Халқ қўшиқлари — бу кўнгилларнинг нидосидир. Одамлар энг қийин дамларида қўшиқ билан овунганлар. Ўзларининг ҳис-туйғуларини, она юртга, элу элатга муҳаббатларини оддийгина сўзлар тизмаси билан қўшиққа айлантирганлар. Босқинчи душманлар босқини ва ўзаро урушлар элни ҳоритган дамда ҳам қаҳрамонлик дostonлари ва халқ қўшиқларини куйлаб, ўз маданиятларини асраганлар.

Мана шу қўшиқларнинг айримлари шу бугунгача яшаб келди. «Ёр-ёр», «Келин салом», «Алла» каби турларини эса табиатап довишманд момолар, оналаримиз ўзларича тўқиб, ўзларича куйлаб келмоқдалар.

Бола алласиз ухламагани каби, келиннинг «Ёр-ёр»сиз узатилишини ҳам аллаичук кўнгилга хиралик бағишлайди.

Жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида ёр-ёрни турли тарзда куйлайдилар. Ва албатта, бу қўшиқ ўша ерлик халқнинг этник таркиби, келиб чиқиши билан боғлиқдир. Масалан, келин тушириб кетилаётганда хоразмда қуйидагича куйлайдилар:

Токчадаги пўлатни,  
Занг босибди ёр-ёр.  
Чиқадиган қизингни  
Ғам босибди, ёр-ёр



Токчадаги катиқни  
 Ким тўқибди ёр-ёр.  
 Чиқадиган синглимини  
 Ким суқибди ёр-ёр.  
 Иннам<sup>1</sup> учи сиғди деб  
 Урдинг онам, ёр-ёр  
 Энди чиқиб борамап,  
 Тиндинг онам, ёр-ёр<sup>2</sup>

Бу ёр-ёрда келни бўлмишининг ғамлари, дардлари қуйланган. Унинг она уйидан узоқлашгани пақадар оғир эканлиги шеърга соллинган.

Андижонда ёр-ёр қўшиқлари шу элнинг феъл-атворига мос.

Ҳай, ҳай ўлап, жон ўлап  
 Ўлапчи қиз, ёр-ёр.  
 Ўлапига кўймайди  
 Елпачи қиз, ёр-ёр.  
 Ола қонга суяган-о  
 Опанғимди ёр-ёр  
 Йилмасдан кулди-ё,  
 Ўгайимди ёр-ёр.  
 Ўгай бўлса маълига-ё,  
 Жон кутади ёр-ёр.  
 Орқангдан истаб бориб  
 Ҳузур қилади ёр-ёр<sup>3</sup>

Бу узоқ давом этадиган қўшиқда қизнинг ёлғиз эмаслиги, уни ота-онаси бутунлай ташлаб қўймаслиги маҳорат билан илға тизилган. Келинчакнинг ҳаёт йўли яхши умр йўлдоши билан бир умр ёруғ бўлишига инсонч билдирилган. Ҳатто ёр-ёр қўшиқларига ҳажв сингдирилиб, келни кўзларидан ғамни қувмоқчи бўлганлар. Улар гоҳ куёв поччани, гоҳ у юборган жонлиқнинг ориқ-сепмзлиги хусусида кифтини келтириб қуйлаганлар:

Араванинг гилдпраги  
 Ёриқ экан, ёр-ёр  
 Куёв поччам берган қўй  
 Ориқ экан, ёр-ёр.  
 Терисини олиб беринг  
 Пўстин қилсин, ёр-ёр.

<sup>1</sup> Иннам — игнам

<sup>2</sup> Бу қўшиқ Римажон Эгамбердисевадан ёзиб олинди.

<sup>3</sup> Бу қўшиқ Андижон вилояти, Пахтаобод туманида истиқомат қилувчи 76 ёшли Сайлихон Тошмат қизидан ёзиб олинган.

Ичагни эшиб берилг  
Салла қилсинг ёр-ёр.  
Почасили олиб беринг  
Чориқ қилсин, ёр-ёр<sup>1</sup>

Албатта, бу ҳазил қўшиқлар келин дилини оғритмаган. Аксинча унинг қоронғу дилини озгина бўлсада ёритган.

Ёр-ёр қўшиқларининг тарбиявий аҳамияти ҳам каттадир. Унда келинни сабрли-бардошли бўлишга ундаган мисралар ҳам кўп. Турмуш қийинчиликлари, фарзандлар тарбиясининг мураккаблиги — ҳамма-ҳаммасига ёр-ёр қўшиқлари куйлаб, қизни йил бўйи тайёрлаб боришган.

Бу қўшиқлар кўнгли мулки, халқнинг ажралмас бойлигидир.

Биз уларни асрашимиз, завол етказмай кейинги авлодларга ҳам қолдиришимиз даркор. Дарҳақиқат, қанчалик қаршилик, тўсиқлар бўлмасин ҳақиқий, тоза мулкни, бебаҳо маданиятни йўқотиб бўлмайди. Ёр-ёр қўшиқлари шунинг учун ҳам қадрлидир.

### КЕЛИН КУТИШ. АЙТИШУВ НИМА?

Тўй куни қизнинг онасига ачиниш, йиғитнинг онасига маза дейишга ўрганиб қолганмиз? Аслида йиғитнинг онасига ҳам унчалик маза эмас. У калаванинг учини йўқотиб қўйганини, ёнида турган чойлақни зир югуриб қидиришини унутиб қўямиз. Қудалар юзига суриш учун тайёрланган урни қайга қўйганини билмай хижолатдан юзи бахмал тусини олишини эсламаймиз.

Ахир, давлат — келин қабул қилиш осон ишми? У фарштаннинг шу хонадонга келгуча ўтган вақт мобайнида бу она қанча тулларни неча бор бедор отдирди экан? Неча бор келинчак билан ҳаёлаи сўзлашиб, кейинги ҳаётини неча бор тасаввур қилиб кўрди экан?

Ана келин келяпти, бахт келяпти, иқбол келяпти. Шу дақиқада жумҳуриятимизнинг барча катта-кичик қишлоқларида куёв ҳовлисининг дарбозаси олдида олов ёқилади. Гўёким, келинга ёруғлик, фаровонлик, сиҳат-саломатлик ва бошқа неъматлар, ота-боболар руҳи қўллашини сўрайдилар.

Норин, Ургут каби районларда қиз дугоналари билан оловдан уч марта айланади. Ромитон, Зомин, Қамани, Чироқчи, Китоб, Булуғгур, Жомда куёв келинни кўтариб

<sup>1</sup> Ургут туманидаги Ғус қишлоғида яшовчи Ҳикоят Исроил қизидан ёзиб олинган.



оловдан айлаштиради. Яна шуниси қизиқарлики, Норинда куёв томон қизни машинадан туширгунча қиз янгаларига пичоқ ва соат берса, Зоминда тескарсин келин янга куёв томон олиб чиққан косодаги сувга узук ташлайди. Пичоқ ва узук фарзанд белгисин. Соат эса умр, вақт ўлчовидир. Бу нарсалар келин-куёвни тинч турмуш кечиршига ундайди.

Хоразмда ризқнинг бутулиги рамзи сифатида келин қўлтигига иккита чўрак (нон) қистириб уловдан туширилади. Албатта, кўнгли иссиқ бўлсин деб оёғи остига пўстини ёки қўй терисин ташлайдилар. Қумқўрғонда машина эшиги тагига поёндоз солсалар, Бухорода, Қамашда келин оёғи остига қўй сўйишади. Айрим жойларда поёндоз остонага ташланади. Норинлик қизлар дугоналари оёғига ташланган бахмални олишса, Жиззах, Сирдарё, Зоминда ташланган атлас поёндозини олиши осон эмас. Бунинг учун бир неча дақиқа сўз ўйини ўтказилади. Бу «Қампир ўлди» деб аталади. Атлас поёндоз устига куёв томонидан бир кампир думалаб ётиб олади.

— Вой, мана бу ўликни олинглар,— дейишади қиз томон.

— Олмаимиз,— дейди куёв томон.

— Ўзи бу қандай ўлик?

— Бу тиғиб тинчигап, ували-жували, нечара-чеварали ўлик.

— Вой бу қандай ўлик?

— Олтмишдан ошган, етмишпи қучган, саксондан сакраган, тўқсонни тутган, юзга етган ўлик.

— Вой, бу қандай ўлик?

— Боласи бир қишлоқ, певараси уч қишлоқ, чевараси беш қишлоқни эгаллаган ўлик.

Бу сўз ўйини то қиз томон кампир устига бир кийимлик газмол таниламагунча давом этаверади.

Гарчанд тўй кунини ўлик сўзининг ишлатилиши қулоққа бир қадар совуқ эшитилса-да, шу ўйин билан бу ерликлар келин-куёвга ўз яхши тилаklarинини билдирадилар. Шундан сўнггина келин боиндан сочқилар сочиб, ичкарига таклиф қилишади.

Исони сифатида яна бир нарсани унутмаслик керакки, бировнинг фарзандини фарзандликка, бировнинг ота-онасини ота-оналикка қабул қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учунми, хоразмлик келинлар куёв дарбозасидан киришидаёқ остонага уч марта эгилиб бош урадилар. Бу киришга рухсат сўраш маъносидан қабул қилинган. Бировнинг оиласини бузиб ўз қадр-қим-

матини лойларга қориб, бировнинг эшигидан рухсатсиз кириб борувчи, **ҳаё**, ибo, латофат саналмиш фазилатлариши йўқотиб қўйган айрим қизлар хoразмлик қизлардан ўрнак олсалар, дейман. Келинчак бировнинг тайёр фарзандига эга чиқишдан шунчалик хижолатга тушадик, бу остонага бош уришда яққол намоён бўлади.

Келинши кутиб олин дақиқасида Фаргона водийси вилоятларига хос бўлган яна бир одат борки, бу ҳақда сўзламасақ инсофсизлик бўлар.

Азал-азалдап санъат, маданият, пим-фаннинг чўққисига етган бу одамлар ўзларининг назм борасида ҳам сўзамолликларини келин кутини пайтидаги айтишувлари билан яна бир бор исботлайдилар. Хусусан, қудалар бир-бирларига сифат бериб, мақтаб, гоҳида енгил кулги билан айтишув айтадилар.

**Қиз томон:**

Узу-узун аргамчи,  
Тортишайлик ёр-ёр.  
Келин билан куёв тараф,  
Айтишайлик ёр-ёр.

**Йигит томон:**

Туп-тупгина қайрағоч,  
Тупли бўлсин ёр-ёр.  
Пайгамбарнинг қиздай  
Бахтли бўлсин ёр-ёр.

**Қиз томон:**

Қайрағочда қайрилди  
Қор ёғадн ёр-ёр.  
Маҳаллапга ой бўлиб  
Қиз боради ёр-ёр.

**Йигит томон:**

Булут кетиб ой тўлганда,  
Еруг бўлар ёр-ёр.  
Қиз болани еруги  
Шамдай бўлар ёр-ёр.

**Қиз томон:**

Том бошида нима бор  
Қуруқ похол ёр-ёр  
Куёв бола ола кўз  
Пахмоқ соқол ёр-ёр\*.

---

\* Бу қўшиқлар балиқчилик Холисхон Йигитали қизи ҳамда пахтабодлик Сайлихон Тошмат қизидан ёзиб олинган.

Бу айтишувларга мақтов, гина, ҳажв ҳамма-ҳаммаси қоришиб кетади. Фақат икки томон ҳам бу ҳазилларни кўнгилига олмаса, бас. Сўзга-сўз топиб айтиш, бир дақиқа ичида уни қўшиққа айлантириш катта маҳорат талаб қилади.

Афсуски, никоҳ купидаги дарвоза олдидаги бу айтишувлар қорақалпоқлардаги тортишмачоқ каби йўқолиб кетяпти. Бунга сабаб ҳам ҳовли ўртасига яратилган столга ошиқиб оқибатидир. Аммо наманганликлар буни ҳам йўлини топишган. Улар йигитлар давраси билан қизлар давраси қўлларига қизил гул олиб айтадиган айтишувни йўлга қўйганлар. Аммо бу сўзамоллик кўпроқ гулга сифат беради. Топган гул топмаган иёз деганларидек, бу айтишувда гул ҳақида мақол, матал айтиш мумкин.

Масалан:

Гул даста-даста,  
Гул бермаган нокаста.

Гул ўсса ернинг кўрки,  
Қиз ўсса — элнинг кўрки.

Гули йўқ бўстондан япроқ яхши,  
Фойдаси йўқ йўлдошдан таёқ яхши.

Бу айтишувлар кишига маънавий озиқ беради, унинг қулфи дилини очади, назм билан яқиндан танишиб боришга даъват этади.

Анджонликлар ҳам ўз айтишувларини шу тахлит юзага келтирсалар бўлади. Чунки халқ кўнглидан чиққан бу қўшиқлар кўнгилга яқин даврага руҳ бағишлайди. Қанийдир, никоҳ тўйларида доира чалиб аёллар, қизлар қўшиқ куйласалар. Кекса бувижонларимизнинг айтишларича, илгари никоҳ тўйида ўртага олов ёқилиб, гулхан атрофида ўйин-қулги қилишаркан. Самимий давра узоқ вақт тарқалишни истамас экан.

Ҳозир тўйларимиз оврупоча стол безашсиз ўтмайди. Кучи етган, етмаган ҳам гўёки «қизил тўй» қилишга мажбур.

Ургутда бир никоҳ тўйида қатнашишга тўғри келди. Куй, қўшиқ авжида. Аммо хонадалар зўр бериб куйлаётган «Лаълихон»га отарчи қиз фақат йигитлар даврасида рақсга тушди. Энг ёмон бир йигит «раққоса» бошига ўз дўпписини кийдириб, дўппининг гир атрофига пул қистиргунча қиз унинг ёнида қилпилаб тургани бўлди.

Шамол пулни учириб ариққа элтганда, қиз уялмай-петмай то пулни топиб олгунча ўша жойда ўйнайверди.

Андижоннинг айрим жойларида келин-куёв даврага тушиб ўйнаётганларга пул қистираркан.

Хоразмлик журналист Рўзимбой Ҳасан эса ёшлар рўзномасида қилган чиқишларидан бирида Хоразмда ўтадиган никоҳ тўйлари ҳақида ачишиб ёзди. У ерда юз берадиган баҳаё, шармсиз айтишувлар тарбияни, маънавиятни тубидан дарз кеттиришини исботлаб берди.

Бу билан ўйин-қулги қилинмасин, демоқчи эмасмиз. Аммо қуйланадиган қўшиқлар ёшларга яхши томондан сабоқ берсин.

Ўзбеклар ҳеч маҳал — хоҳ бешик, хоҳ суннат, хоҳ никоҳ тўйларини сешанба куни ўтказмайдилар. Бу куни улуғ ишлар учун хосиятсиз деб билдилар. Халқимиз бу ақлдага ҳамон содиқ.

### КЕЛИН ЎТИРМАЯПТИ

Аёлнинг гўзаллигини унинг ҳаё-ибоси, латофати янада оширади. Шунинг учун ҳам шаддод аёлдан кўра тортинчоқ, сермулоҳазали аёл ўзбекларда ўрнатилган қилиб кўрсатилади.

Шарқ аёлларининг феъли-атвориға яна бир улуғворлик бахш этувчи гўзал одатлардан бири куёв томонида тутилган гўшапга ичкарасида келиннинг дарҳол ўтиришини ўзинга эн билмаганидир. Жумҳуриятининг барча қишлоқларида келинчакнинг қайнонаси ва қайнотасига нисбатан кўрсатган бу ҳурмати мамнуният билан қабул қилинади.

Зоминда келиннинг ўтирмаётганини кўриб:

— Қайнонаси-ю, келиннингиз ўтирмайти, — дея қичқирадилар.

— Ой қизим, ойдин қизим, кундай ўғлимни бердим, кўю тўқлимни бердим, ўтира қолнинг, — дейди қайнона. Келин шундайм ўтирмайди.

— Қайнотаси-ю, келиннингиз ўтирмайти, — дейдилар.

Қайнота эшикдан келиб:

— Кенг ҳовлини бердим, ўчоқ бошини бердим, ўтира қол, қизим, — дейди.

Аммо келинчак таъзим қилиб тураверади. Токи куёвнинг амма ва ходалари, тоғалари, сипиллари келиб келинчакка ўз яқинликларини юқоридаги каби сўзлар билан айтгунларича, келинчак тик тураверади.

Булунгурда ҳам оstonадан тавоф қилиб, поёндоздан ўтгач, қайнона келиб:

— Ай болам, кенг ҳовлининг катта келини бу, қозон-товоқни, эчки-улоқни бердим, етса молим, етмаса жоним, ўтир айланай, — дегандагина ўтиради.

Қумқўрғонда ҳам келин олдига чиққан опаси билан чимилдиқ ичида рухсат берилгунча тик тураверади.

Ромитонлик келип-куёвлар қиз уйида қизнинг ота-опаси, тоғаси рухсат бермагунча гўшанга ичида ўтирмайдилар.

Албатта, бу одатни кун бўйи ўтказилган одатлар натижасида ҳориган келин учун ортиқча жавр деб билувчилар бордир. Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, келинлик умр давомида қизга бир мартаба насиб этади. Бир мартага насиб этган экан, мана шу даврда келин атрофидагилардан қай даражададир фарқ қилиб туриши керак. Қолаверса, куёв томонга бўлган ҳурматнинг кўриниши сифатида ҳам бу одатдан оғринмаслик лозим.

Келинчакнинг қўйган биринчи қадами куёв хонадонларидагиларнинг бир умр хотирасидан чиқмайди. Демак, ҳурмат қилган ҳурмат кўриб, шу хонадоннинг яқин кишисига, нафақат яқин кишиси, ҳатто бир парчасига айланиб қолади. Илгари келип ўз хонадонидан чиққанда бекорга тош отмаганлар. Бу борган жойингга тош қотгин, тошдек ўрнашгин, ўша ернинг тупроғи билан аралашиб кетгин, дегани бўлган. Шунинг учун ҳам норинликлар келин олдига биринчи бўлиб мошхўрда келтирадилар. Гўёки келин бу хонадондагилар билан гуруч билан мошдек аралашиб кетишини тилайдилар.

Турмуш қурган келинчаклар, бўй етиб, пазарга тушиб қолган қизлар борган жойларида тиниб-тинчиб, илдиз отиб кетишса саодат соҳибасига айланишади.

## ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Эмишки, қадим замонда Гмонсарой деган бир қишлоқ бўлган экан. Бу қишлоқда бойлиги қорини қоқ ёрадиган бир бой яшаркан. Унинг ҳусида тенги йўқ, аммо эрка-ю, серка бир қизи бўлган экан. Бу қизга кўп бойваччалардан совчи келар, аммо у ҳаммага рад жавоб берар, совчиларни мазах қилиб жўнатаркан.

Бир куни бой қизидан сўраб ўтирмай сарбозорлик бир бойваччага улаштирибди. Ўзининг тўйи бўлишини эшитиб эрка қиз:

— Тўй бўлмай, аза бўлгур. — деб қаргашибди.

Пихоят тўй куни етиб келиб қизни аравага солиб йўлга тушибдилар. Вақт ярим кечага яқинлашиб қолган,

куёв бўлмиш кун бўйи қаттиқ чаргаган экан. У уйқусираб отдан йиқилиб тушибди ва арава остида қолиб шу ерда тил тортмай жон берибди.

Шу-шу бу шияти қора қизши ҳеч ким сўраб-суриштирмас. у ҳамон бева экан.

Бу ривоят тагида ҳақиқат бор-йўқлигини билмадим, ammo яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар «омин» дейди. Шунинг учун ҳам Тошкентда келин-куёв ёлғиз хобхонага киргач, маҳалла дастурхончиси патнисда Қуръон, ойна, пичоқ, тароқ олиб киради. Келин-куёв бу нарсаларга қараб ўзларининг энг яхши шиятларини пичирлаб айтадилар.

— Серфарзанд бўлай, умрим узоқ бўлсин, қўшганим билан қўша қарий, илойим фарзандларим қобил болалар бўлиб, худойим охириمنى обод қилсин, қарганимда дўстга зор, душманга хор қилмасин.

Шуниси борки, бу шият қасам билан баробардир. Уларнинг иккаласидан қайси бири оилага хиёнат қилса, албатта қилмишига яраша жазосини тортади. Чунки улар Қуръонни шариф олдида шият қилганлар.

Кейин эса битта пиёлада келган ширин чойни келин-куёв ичиб, куёв пиёлага тапга солиб чиқаради.

Ҳаммасидан ҳам тахт солингач, келин-куёв гаплашиб ўтирганда айвондаги хотинлар ҳангома қилишади.

— Хой, хой, яхшилар келин туғди!

— Вой, вой ўғил!

— Э, муборак бўлсин, умри узун бўлсин.

Дастурхончи хола эса алла бошлайди. Бу ҳангомани бошлаган аёлга атрофдагилар, келин-куёв яхши шият билан сўюнци пули берадилар.

## КЕЛИН КЎРСАТАР

Ўзумхуриятимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг айрим туманларига хос бўлган бу маросим тўйнинг эртаси кунини бажарилади. Бу маросим учун ҳам йиғирма-ўттиз чоғли одамга мўлжаллаб ош дамланади. Дастурхон безалади. Аёл ва эркеклар алоҳида хоналарга жойлаштирилади. Албатта, келиннинг оиласидагилар ҳам тақлиф этилади.

Шу нуқтада кичик бир тушунтириш бермоқчимиз. Юқоридаги вилоятларда куёв томон танлаган оиланинг эркек ва аёли келин-куёв олдига чиқарилади ва олдига чиққан она ва отаси, деб юритилади. Улар сарпо беришиб

ва кийишиб ота-она бўлишади. Буни водийликлар Укил ота дейдилар.

Олдига чиққан ота-она келин-куёв билан бир умр яқин муносабатда бўлиши керак. Бу тўй кунидан бошланади. Яъни келинни олдига чиққан онаси таъзим туттиради.

Келин кўрсатар маросимда ҳам келиннинг олдига чиққан онаси бувалар ўтирган хонага бошлаб боради. Бу хона бўсағасида тўйда сўйилган қўйнинг териси тўшаб қўйилган бўлади. Келин шу тери устида туриб ҳар бир бувага жуфт таъзим қилади ва ўша бува оғзига сиққан ваъдасини беради. Кимдир сиғир, кимдир қўй, ким ер бераман, дейди.

Албатта, бу айтилган ваъдалар бажарилиши шарт эмас. Мақсад келиннинг кўнглини кўтариб, унинг бегона, ёмон жойга тушмаганини кўрсатишдир. Бу пайтда келин юзлари нарда билан тўенглик туради.

«Келинни келганда кўр, сенини ёйганда кўр», деганларидек келиннинг қадам ташлашига, тутган таъзимига қараб эл оқсоқоллари унга тарбия берганга раҳмат айтишади.

### КЕЛИН ЮЗ ОЧДИ

Бу маросим жумҳуриятимиз вилоятларида «юз очди», «беточар» деб ҳам юртилади.

Бу маросим сарой уруғида «келин кўрсатар» бўлган кунни бир вақтнинг ўзида ўтказилади.

Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида шу кунни келин миллий либосларда кўриниш беради. Айиқса, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Самарқанд шаҳри ва Ургутда келинлар либоси сеҳр касб этади.

Хусусан, қаршилиқ келинлар енг-кашта, катта қўйлак, маҳси-ковуш кийишиб, сочларини қирқ кокил қилиб ўрадилар ва ипак пўпак тақадилар. Бошларига қосова ёки синсипла кийиб, устидан гижим рўмол ташлайдилар. Қулоқлари ёнига қумуш зулпак, бўйинларига маржон, позигардон, билакка билақузук, попча тақадилар. Ва кўтарилган чимилдиқ ичига ким кирса, таъзим бажо қилиб турадилар.

Келин ва куёвнинг қаришонлари, қайнонаси ва қайнопа келин олдига сарунолар қўйиб у билан кўринадилар. Эллиққалъада қайнопа тўртта поч, новвотни келин қўлтиғига қистириб у билан кўришса, Қаршида икки қўлтиғига тўртта поч қистирилиб кўришилади. Поч ризқи

бутунлик, тўқлик рамзидир. Шунинг учун ҳам кўришиш вақтида пош тапланади.

Тошкентда бу кунни «қовурдоқ келди» деб аташади. Сабаби, қизнинг опаси куёвниқига қовурдоқ юборади. Қовурдоқ чақирилган қўни-қўшни олдига тортилади. Улар тарқалгач, қайнона келинни ошхонага чақириб қўлини ёгга, ун ва гуручга ботириб олса, Паманганда супра ёзилгач, қайнота келин қўлини уч марта унга тўлдиради. Ун супрага тўкилгач кафтга гўшт тўлдирилади. Андижонда эса укил ота келин қўлини уч марта ун, ош, гўштга тўлдиради. Бу — келиннинг қўли ҳар доним мойда бўлсин, бойвучча келин бўлсин, деб қилинган тилақдир.

Жумҳуриятимиз вилоятларида келин юзини очиш учун албатта ўғил бола тапланади. Ўғил бола рўзгорнинг бойлиги, давлатнинг бошидир. Бола қўлига келин юзидаги пардани олиш учун ўқлоқ ёки бўлмасам мевали дарахтнинг шохчаси берилади. Ўқлоқ дон ва унга яқин туради, дон эса ризқидир. Мевали дарахт шохчаси эса серфарзанд бўлишликка тилақдир. Илгари ўзбекларда келин юзи очилган кун у ўз қўли билан тўкилган рўмолчаларни куёв томон болаларига тарқатган. Бу Норинда ҳозир ҳам сақланиб «рўмолча берди» деб аталади.

«Келин юз очди» маросими ўтказилгач, келин куёв хонадонидоғиллардан қочмайди. Аммо айрим жойларда қайнота юзига юзини туширмасликка ҳаракат қилади. Бунинг учун келин дўни устидан енгилгина фаранг рўмол ташлаб юради.

Бу «қочиш» эса қайнота томондан чуқур ҳурмат сифатида қабул қилинади.

## КЕЛИН ОШ ЕМАДИ

Қашқадарё вилоятининг Қамашни туманида «келин кўрсатар», «келин юз очди» бўлиб ўтгач, «келин ош емади» маросими ўтказилади. Бунда келиннинг олдига чиққан опаси уни ясаптириб ҳовлига олиб чиқади.

— Хув, қайнотаси-юв, келинингиз ош емаяпти, — дейди.

— Келин, ош еявер, кенг ҳовлини, боғу чорбоғни бердим, — дейди қайнота.

— Қайнопаси-юв, келинингиз ош емаяпти.

— Ой қизим, ойдий қизим, рўзгорининг бор ихтиёрын бердим, уй сандиқларининг калитини бердим, ош еявер, — дейди қайнона.



Ишқилиб ҳовлида ҳозир бўлган куёвнинг барча қариндош-уруғлари қоп-қоп ваъдалар беради. Угил туғсангиз уни бераман, қиз туғсангиз буни бераман, деганининг саноги бўлмайди. Ҳар ваъдадан сўнг келип олдида турган чўгга қошиқда ёг томизиб турадилар ва келип ҳар ваъдага жуфт салом қилиб таъзим тутати.

Келинга нисбатан бу меҳрибонлик ушш бу хонадондагиларга яқинлаштиради.

Маросим тугагач, келин қайнона уйига киради. Шунда у кўнглидан чиқариб эшикка бирор нарса илади. Бу Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарёда «эшик илув» дейиладди.

Айрим жойларда «Эшик илув»га бир кийимлик газмол ташланса, Қумқўрғонда албатта гилам, жулхурс, холи гилам ёки бўлмасам ғожари гилам илшади. Худди мана шу дақиқада келип синовдан ўтади. Ўртага супра ёзилиб уни элатиб, қўйруқ тўғратишади. Келин бу «эшикли уй»дан қуруқ чиқмайди. Иккита бутун ноп, сарпо қўядилар. Келин шу хонадонга турадиган қайнағаларниқига кирганда ҳам ўзига яраша эшик илув билан киради.

Қамашида «эшик илув»дан сўнг ўтказиладиган келин синов анчайин жиддий ўтади. Зийрак ва тийрак кампирлар бу масалада асло кўнгилчаплик қилмайдилар. Аввало келиннинг қондан уни олиши кузатилади. Қани қоп оғзини қайшармикап, йўқми дейдилар. Келиннинг элакка уни солиши, ушш элаши ҳам сездирмай кузатув остига олишади. Ун солишининг ҳам ўз меъёри бор, ушш яхши элани ҳам санъат. Хамир қориш ҳам шу тахлит кечади. Илгари келин шу купин ёпган патир бурдалаб қўни-қўйиниларга тарқатилар, қари-ёш келип номига дуо ўқирди. Ҳозир мана шу одат аста-секин йўқолиб борапти.

Сурхондарёлик келинлар каби қамашилиқ келинлар ҳам тўйда сўйилган қўйларнинг қўйруғини тўғраб, ўчоқ қозонда эритиб оладилар. Агар келин мана шунда ўзининг ишбилармонлиги, озода, рўзгорга тайёрлигини кўрсата олмаса, апча хижолатга тушади. Ҳаммасидан ҳам опаси уятга қолади. Шунинг учун бу ерли оналар қизларини рўзгорга пухта ҳозирлайдилар.

Демак, жумҳуриятимиз вилоятларининг қай бирида гўйгача, қай бирида тўйдан сўнг келин сипалади. Аммо бу синовлар келинни доводиратиш, эсапқиратиш мақсадида ўйлаб топилмаган. Бу ишбилармонликларнинг барчаси яхшиликка, онла пойдеворининг мустаҳкамлигига сизмат қилади. Бу эса жамият пойдеворининг мустаҳкамлиги, ушшнинг биноси омонлиги, деган гаждир.

## КЕЛИН САЛОМ

Халқимизда кичикнинг каттаги ҳурмат қилини энг яхши фазилат саналади. Бу эса ўз-ўзида қўлни кўксига қўйиб берадиган саломимизда намоён бўлади.

Келин салом-чи? Бу маросимда қатнашган кишининг руҳи покланади, маънавий дупеси бойиёди. Маросимда сўнг одамларга фақат яхшилик қилини ҳисси билан яшай бошлайсан.

Жумҳуриятимиз вилоятларида келин салом одатда тўйнинг эртасига ўтказилади. Аммо Сурхондарё вилоятида келин тушиб келган кунгёқ бу маросим адо этилади. Ҳовлига тўшалган кўрнача устида олдига чиққан онаси билан келин туради. «Келин салом» қўшиқларининг устаси бўлган аёл саломни шундай бошлайди.

Ой булутнинг остидан  
Ойдай келин келади.  
Кун булутнинг остидан  
Кундай келин келади.  
Келингиза келингиз,  
Келин салом олингиз.  
Келин салом олгач сўнг  
Кўрманасин берингиз,  
Оёғида этиси, —  
Одамларнинг тетиги —  
Қайночасига бир салом!  
Товдан тупган арчадай,  
Ўраб қўйган бўғчадай  
Қайночасига бир салом!  
Жойнамози қўйнида  
Ўзи худонинг йўлида,  
Буваларига бир салом!  
Ангир-жунгир тақмаган  
Одам иси ёқмаган  
Аммаларига бир салом\*...

Шуниси борки, жумҳуриятимиз вилоятларида турли кўринишига эга бўлган келин салом қўшиқлари мавжуд. Ҳар ким ўзига хос йўналишда бу қўшиқларни тўқийди, керак бўлганда куйлайди. Бу қўшиқлар хоҳ ҳазил, хоҳ жиддий тарзда бўлсин — барчасида келин томонидан куёв хешларига ҳурмат сифатида таъзим тўтилади.

---

\* Бу қўшиқ қумқўрғонлик Ойсоат Турсоатовадан ёзиб олинган.

Мана бу Самарқандда куйланадиган келин саломга  
унча-мунча кпши дош беролмайди:

Мапглай чачи қўқиган<sup>1</sup>  
Холи гилам тўқиган  
Қайнонасига салом!  
Эрта туриб кеч ётган  
Қўйи қўзисин сотган  
Қайнонасига салом!  
Тўрга гилам тўшалган,  
Тўрадай уллар<sup>2</sup> жўмшаган<sup>3</sup>  
Қатта момога салом!  
Тубадан<sup>4</sup> ўчоқ кавлатган  
Сойдан тулки овлатган  
Қатта бувага салом!  
Икки бети авордай,  
Ўзини кўрсанг қанордай  
Овсинларига салом!  
Эшагини их деган  
Насвойини туф деган  
Қайнакасига салом!<sup>5</sup>

Ургутда куёв ҳовлисида ўтказилган келин саломдан  
ташқари Наврўз байрами купларида туман марказига  
яқин масофада жойлашган тоғ тепасида келин салом  
ўтказилади. Бу жойини халқ «Тўпхона» деб атайдн.

Қатор тизилишиб қўлларига таъзим рўмолчасини  
тутган келинчаклар аввал она-заминга, она-табнатга таъ-  
зим қилиб унинг борлигига шукрона айтадилар. Келинчак-  
нинг ҳовлисида салом ололмаганлар шу ерда бунга муваф-  
фақ бўладилар.

Тошкентда жудаям яхши бир одат бор. У ҳам бўлса  
келин саломга чиқолмайдиган кекса, бемор қўшнлар  
ҳузурига келинчакнинг бошига рўмол ташлатиб олиб  
чиқадилар ва салом қилдирадилар.

Бу одатда одамгарчилиқни, тапқис бўлиб бораётган  
меҳр-оқибатни кўриш мумкин. Бу билан келинлар кек-  
са-ю беморлар кўнглига ёруғлик бахш этадилар, дилла-  
рини пурафшон этадилар.

<sup>1</sup> Қўқиган — чувалаб ётгани дегани.

<sup>2</sup> Уллар — ўгиллар

<sup>3</sup> Жўмшаган — юмшаган

<sup>4</sup> Тубадан — тепадан, юқоридан

<sup>5</sup> Бу қўшиқ булуғурлик онахон Гулсара Усмон қизидан  
ёзиб олинган.

Бу урф-одатни асло йўққа чиқариб бўлмайди. Аксинча, уни бор-борлигича ва янада тўлдириб давом эттирмоқ даркор. Зеро, ҳеч бир миллатда бўлмаган бу гўзал одат бизга подир миллий бойлик сифатида ҳам керак.

## ТАХТ СОЛДИ

Қиз боланинг ўз пффатиши сақлаши жуфт никоҳ юзага келган узоқ даврлардан келиб чиққан.

Жумҳуриятимиз вилоятларининг кўпгина қишлоқларида никоҳ тўйида келин-куёвга тахт солинадик, бу келиннинг боқиралигига бўлган ҳурмат-иззатнинг кўринишидир.

Хўш, тахтни ким ва қандай тўшайди?

Тошкент ва Наманганда икки томоннинг янгалари, Бухорода вакила (дастурхончи) ва келин янга, Сурхондарё, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида икки томондан бпр никоҳли, ували-жували аёл солади. Тахт солиш учун тахмондаги келин-куёв учун тайёрланган кўриа-кўрпачаларининг ҳаммаси ағдарилиб солинади. Энг сўнггида аввал жойпеш (сўзана), сўнгра духоба ва охирда чойшаб солинади.

Шу ерда кичик бир чекиниш қилиб, янгалар ҳақида тўхталсак.

Аввало янга керакми? Кўпчилик бу саволга йўқ, деб жавоб беради. Янга келин-куёвнинг эркин ҳаракатига халал беради, деб биладилар. Юзаки қараганда шундай. Менимча бу фикр потўгри. Янга керак. Нега? Биринчидан, янга худони ўртага қўйиб янгалик қилади. Демак, вақти келиб бу хонадонда келинга писбатан ноҳақ муносабат юзага келса-ю, унга боқира эмас эдинг, деб тухмат қилсалар ана ўшанда янгаларининг берган гувоҳлиги асқотади. Келишни ҳимоя қиладиган якка-ю ягона тирик гувоҳлар шу янгалар бўлади. Янгалар худони ўртага қўйиб янгалик масъулиятини бўйинларига олганлари учун ҳам улар ёлгон гапиришдан ҳазар қиладилар.

Иккинчидан эса, онаси олдига боқиралик белгисини куёв олиб чиққани истиҳола қилади. Келиннинг олиб чиқиши ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Демак, янга ўртадаги воситачи сифатида ҳам керак экан. Норинда, шу фикрнинг исботи сифатида, гапи чиққан, енгил қадам қизга янга албатта таппанади.

Энди асосий масалага қайтсак.

Тахт жумҳуриятимиз вилоятларида «Келин юз очди» маросими ўтказилганда солинади. Бу вақтда чимилдиқ

ичига ҳеч ким ўтмайди, улардан бошқа тахтга ўтиришга ҳаққи йўқ. Аммо Тошкентда келин-куёв ётгунга қадар иккита тиши тушган кампир тахтга думалаб берса, Эллиқалъада келин-куёв кўрпага киргач, бир ўғил болачани ўриннинг бу томонидан солиб, у томонидан суғуриб оладилар. Самарқандда эса бир ўғил бола, бир қиз бола тахтга ётқизиб олинади. Бу билан келин-куёвга ўша кампирнинг умри тиланади, серфарзанд бўлишсин, деб ният қилинади.

## ТАХТ ЙИҒДИ<sup>1</sup>

Андижон, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида келин-куёв қовушгач, тахт йиғилса, Наманган, Сурхондарё вилоятларида тўйнинг эртасигаёқ йиғиб олинади.

Самарқандда бу маросимни бийисешанба ўтказиш билан якунласалар, Андижон ва Қашқадарёда «тахт йиғди» деб атайдилар. Ҳар иккаласида ҳам қўни-қўшни, қариндош-уруғ, қуда-анда чақирилади. Қуюқ-сууюқ таом тортилади. Келинчак отинийнинг саломнома қўшиғи остида қайнона уйига ўтади. Хонага ким келса, ҳурмат билан ўрнидан туриб таъзим бажо қилиб туради.

Бу вақт мобайнида тахт солган мутасадди аёллар тахтни йиғиб оладилар. Сурхондарёда бу аёлларнинг хизмат ҳақига куёв узган келиннинг бир шода мунчоғи ва пул берилса, бошқа жойларда пул ва газмол берилади.

Ҳан шундаки Самарқанд, Қўқон, Андижон ва Қашқадарёда келин бокира чиксагина «тахт йиғди» маросими ўтказилади (Тўйгача куёв билан бўлган бўлса, ими-жимидан йиғиб оладилар.) Тошкентда бу маросимсиз йиғиб оладилар. Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида келин куёв билан тўйгача қовушган бўлса, унинг бир умр обрў-иззати бўлмайди. Мабодо бошқа биров билан бўлган бўлса, дарҳол жавобини берадилар. Бухорода бўлса, юзига қора суркаб, эшакка тескари миндириб уйига жўнатадилар. Шунинг учун ҳам бокиралик белгисини қайнона кўриши шарт. Тошкентда янга бокиралик белгисини урилган чойшаб ва уч метр шоҳини баркашга қўйиб қайнона олдига олиб чиқади.

Янга тапланадиган вилоятларда қизнинг опасига бокиралик белгисини маҳси ичига солиб янга алтади ва

<sup>1</sup> Бу маросим Қўқонда «Уч куплик» деб аталади.

кўйлақлик кияди. Тошкентнинг айрим маҳаллаларида бу чойшабни янга ювиб, ҳовлига осиб қуритгач, келин-куёв тўшагига тикиб қўйилса, айримларида сандиқ тагига ташлаб қўядилар. Ва гўёки буни давлатманд бўлишга сабабчи деб биладилар.

Тахт солинадиган вилоятларда «тахт йиғди» кунин чимилдиқ йиғиштириб олинса, солинмайдиган вилоятларда тўйдан сўнг йиғирма кунлар ўтгач, икки қудагай йиғиб олади. Ва бу чимилдиқдан яхши ният билан тугилажак фарзанд учун кўрпа тикадилар. Бу кўрпа ўтил боланинг сунпат тўйида устига ёпилиб, то уйлангунча ишлатилмайди. Уйланганда эса келин-куёв шу кўрпани ёпишилади.

### ТАЪЗИМ ТУТМОҚ ВА ЧОЙ УЗАТИШ САНЪАТИ

Келинчакнинг таъзими жумҳуриятимизнинг вилоятларида салом ўрнида қабул қилинади.

Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарёлик қизлар сепида албатта таъзим рўмолчалари бўлиши шарт. Бухоро ва Самарқандда таъзим рўмолчалари қуббали бўлиб, потисқалар ва қўнғироқлар билан безалади. Китоб ва Шаҳрисабзлик қизлар рўмолчалари эса қимматбаҳо газмолдан тайёрлашиб, тўрт-беш қабатгача мунчоқ ва потисқалар билан безалади. Ҳар уччала вилоятда ҳам келинчак бир йилгача ҳовлида куёвнинг хешу ақраболаридап етти яшаридап етмиш яшаригача учраса, уч марта оғзини тўсиб таъзим тутиб, сўнгра кўришади. Бу таъзим рўмолчалари келинни қайси қариндош-уруғ чорласа ён чўптакда олиб борилади. Ва остонадаёқ маромини келтириб, таъзим тутилади.

Тошкентлик келинларга апчайин қийин. Чунки улар бу хонадонга яна бошқа келип келгунча саҳарлардан туриб ҳовли-ю, кўча юзларини чиншию чироқ қилиб супирадилар. Бу орада самоварга ўт қалаб ҳам улгурадилар. Ва қайтадан ювиниб-тараниб, пардозу андозини ўришлатгач, уйдагилар учун попушта ҳозирлаб қўядилар. Ҳамма дастурхон атрофига ўтирганга эса бошга оқ рўмол ташлаб саломга чиқадилар.

Келинчак бор хонадон ҳовлиси бирон кун сунуруқсиз қолса, қўни-қўшнилардан номусга қоладилар. Шунинг учун ҳам тошкентлик оналар бу машаққатга қизларини турмушга узатгунча тайёрлаб борадилар.

Самарқандда тўйнинг эртасигаёқ келин-куёв олдига баркашда турли ноз-неъмат киритилади. Шунда келин

бурчакка туриб олиб рўмолча билан куёвга таъзим қилиб тураверади. Куёв ҳарчанд «бўлди, ўтиринг» деса-да, салом давом этаверади. Қачоқки, куёв ўрнидан туриб ҳурмат билан келинчак қўлидан рўмолчани олсагина таъзим тутуш тўхтатилади.

Илгарй жумҳуриятимиз вилоятларининг барчасида келинчак қайнона-қайнопага ҳурмат сифатида салом ўр-нига таъзим бажо келтирган. Бу ҳозир кўпгина вилоят-ларимизда йўқолиб кетди ва кетаяпти. Биз ўзбекона гўзал одат сифатида мана шу гўзал урфни ҳам асраб қолишимиз керак.

Бугунги кунда яна бир латиф одатимиз таназулга юз тутмоқдаки, бу ҳам бўлса келинчакнинг чой узатишидир. Чой узатишининг ўз мароми бор. Масалан, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё каби вилоят-ларимизнинг айрим туманларида келинчак чап қўлини кўксига қўйиб, ўнг қўлда чой узатади. Бу ҳам яхши. Аммо Тошкент, Бухоро, Самарқанд каби вилоятларимиз-да келинлар оиланинг ҳар бир кишига ўрнидан туриб, ярим таъзим билан чой узатадилар. Андижон, Фарғона, Наманганда ҳам илгарй шундай узатишлар. Афсуски, давр тақозоси билан бу тахлит ҳурмат кўрсатиш алла-қачон йўқолиб кетган.

Хўш, чой қандай узатилиши керак? Мен бунга тош-кептлик келинларни намуна кўрсата оламан. Пиёлага яримдан камроқ қилиб чой қуйилади. Чой солаётганла-рида чойнак қонқоғи ни билан боғланган бўлишига қа-рамай чап қўл бирмоғи билан ушлаб турилади. Қопқоқ-нинг тушиб кетиши ёҳуд ортқча товуш чиқаришини қайнона-қайнопага ҳурматсизлик деб биладилар. Пиёла ўнг қўл икки бармоғи орасига олиниб, чап қўл ўнг қўл билагига теккизилади. Пиёла қайтиб олипаётганда эса чап қўл кўкракда туриб, ўнг қўл билан пиёла олинади. Бу ҳурматнинг энг олий кўриниши сифатида келинчак бир умр, яъни токи унга чой узатадиган келин келгунга қадар эрипинг қариндош-уруғларига шу тахлит чой уза-тади.

Илгарй жумҳуриятимиз вилоятларида холи давралар-да чой байтлари ўқилган. Масалан: Келин — қайнонага:

Чим-чим этдим, чим билан,  
Кавоб этдим туз билан,  
Эси ёдим сиз билан,  
Сиз юрасиз бувижон, ким билан?

Қайнопа жавоби:

Анови токчада лотинча,  
Манови токчада лотинча,  
Ҳамманинг келини қолиб  
Менинг келишим отинча.

Келин овсинга:

Уйянгизнинг томида ҳилол кўрдим,  
Эрта туриб уйқингизга ҳалал бердим.  
Кўянгизни бир умрга тўқ тутинг деб,  
Овсинжоним чой ўрнига асал бердим.

Овсин жавоби:

Феруза кўзли овсиним,  
Ширин сўзли овсиним.  
Охиригача дўст бўлиб  
Яшайвераёлик овсиним.

Келин куёв орасидаги чой байтлари эса мутлақо холи қолишганда айтилган:

Келин:

Юқорига чиқиб ойни кўрдим чарҳу фалакда,  
Пастга тушиб сизни ўпдим барқут тўшакда.  
Хоҳ билинг, хоҳ билманг хушторман сизга,  
Хушторликда ўлиб кетсам уволим сизга\*.

Албатта бу тарзда бир дақиқанинг ичида чой байтлари тўқиш учун киши фозила, билимдон бўлмоғи даркор. Нодира, Увайсий, Зебунисо, Маҳзуна шеърятидан хабардор бўлиши керак. Гап шундаки, бир марта айтилган байт янаги сафар такрорланмаган. Бу зукколик эҳтимол муҳитга ҳам боғлиқдир. Ахир, илгари оналаримиз болалар тарбиясига, рўзгор саришталигига жавоб берганлар, халос. Ҳозир-чи? Аёллик нафосати, латофатини йўқотишган, уйдан эрта кетиб, кеч келадиган аёллар қайси яхши кайфиятлари, шукроналиклари билан чой байтлари тўқийдилар...

### КУЁВ ЧАҚИРИҚ

Никоҳ тўйи ўтиб, ҳар икки томон нафас ростлаб олгач, жумҳуриятимиз вилоятларида куёв чақирӣқ бўлиб ўтади. Бу йиғинга келин қайнонаси, куёв ва жўралари, куёвнинг хешларидан йигирма-ўттиз чоғли одам тайинланган кун қиз томонга боради.

\* Бу чой байтлари шаҳрихонлик Ҳамроҳон Тилаболди охун қизидан ёзиб олинди. Афсус, Ҳамроҳон ая куёв жавобини хотираларига келтиролмадилар.



Бу маросим Зомин, Қамашини, Чироқчи, Қумқўрғон каби туманларда қиз чақирди, Хоразм, Наманган вилоятининг айрим туманларида куёв чақирди, Тошкент шаҳрида, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларида «чарлар» ва «чарлади» деб юритилади. Фақат чарларда куёв қатнашмайди. Бу чақириқ айрим жойларда йигирма кундан сўнг, Хоразмда ҳафтадан сўнг, Наманган ва Тошкентда уч кундан сўнг, Самарқандда келин-куёвнинг катта чилласи чиққанидан сўнг, Қашқадарёда эса келин томоннинг шароитига қараб ўтказилади. Албатта, бунгача айрим жойларда келин-куёв қизнинг ота-онасиникига келиб кетиб туришлари мумкин.

Куёв чақирдида келин томон бир жонлиқ сўйиб, зиёфат уюштиради. Дастурхон турли ноз-неъматлар билан безатилади. Қўшни-қўшнилар, қизнинг қариндошлари ҳам чақирилади.

Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Андижон ва Фарғонада меҳмонлар оёғи остига албатта поёндоз солинади. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарёда эса куёв томон тайинлаган отини «саломнома» ўқийди. Келинчак эса аёллар қуршовида кириб келади. «Келин юз очди» маросими кунини кийилган либосу тақинчоқлар келинчакка зеб бериб туради. Унинг бошидан яна сочқилар сочадилар.

Хоразмда куёвнинг қайнота хонадонидагиларга чуқур ҳурмати, унинг дарҳол чўк тушиб ўтирмаганида билинади. Уч-тўрт ўртоғи билан тик турган куёвга ўтириш таклифи қилинганда улар тизза букиб қўйишади, холос. Ўтиришга таклиф қиз қариндошлари томонидан уч бора такорлангачгина куёв ўтиришни лозим деб билади.

Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида шу кунини кунини қандайдир, келин-куёвга сарполар қўйилади. Албатта, куёв тараф ҳам шунга яраша тугун билан келади.

Наманганлик оналар қизга қўйган сарполар ичида албатта чилопчин ва обдаста ҳам бўлади. Тошкентда қиз сепи чарлар кунини эл кўзича берилади. Ҳар бир кўйлакка мос равишда ички кийим, рўмол, лозим, фартуқлар, сувқорозга солиниб тахланган бўлади. Шунинг учун ҳам чарлар давомида келин уч-тўрт бора либос алмаштириб улгуради.

Жумҳуриятимиз вилоятларининг айрим қишлоқларида куёв салом одати ҳам бордир. Самарқандда чақириқ бўлгунингача қадар куёв қайнона-қайнота ҳузурига саломга борса, Хоразмда ва Жиззахда бу маросимдан кейин боради. Андижон ва водийнинг бошқа районларида ҳам шундай.

Албатта, куёв бу боришларда қуруқ қўл билан бормайди. Эрталаб борганда ыссық нон, қаймоқ, узум элтса, кечқурун борганда нон ва гўшт элтади.

Куёвнинг бу тарзда саломга келиши қизнинг ота-опаси томонидан чуқур ҳурмат сифатида қабул қилинади.





## VI. БЕШИК ТҮЙЛАРИ

### БОЛАЛИНИНГ БЕЛИ ЧИНОР

Оила гулшанининг янада кўркам ва севимли бўлишида фарзанднинг ўрни беқиёсдир. Фарзанд ота-онанинг қариликдаги суянган тоғи. Ёш оила барпо бўлаётганда гап-сўзсиз туғилажак фарзандлари ҳақидаги ширин хаёл келин-куёв кўнглини ҳам асир қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам: «Болалининг бели чинор — боласизнинг бели синар», деб бежиз айтмаганлар...

Илгари аёллар ўз уйларида кўз ёрганлар. Маҳалладан битта момо барча туғилажак чақалоқларга доялик қилган. Дўхтирхона деган жойлар бўлмаган. Шунинг учун ҳам уч кун ичида чақалоқнинг қулоғига азон айтилиб, Аллоҳ таолонинг исми билан таништирилган.

Ҳозир аёллар туғруқхоналарда кўз ёрадилар. Боланинг киндигини дўхтир (қайси миллатдан бўлишидан қатъи назар) кесади. Дўхтирхонада бола қулоғига азон айттириш жуда кулгили ҳисобланиб, бунинг сира иложи йўқ. Сабаби, азонни ҳар ким айтмай бу ишни ҳар бир оиланинг ири бўлган эшон бува ёки маҳалла имоми бажаради. Дўхтирхонадаги чақалоқлар бўлмасига эса эшон буваларни асло яқин йўлатмайдилар. Қолаверса, даҳрийларимиз йиллар оша бола қулоғига азон айтилишига қарши курашдилар. Аммо ҳозир ҳам мусулмонлар бола қулоғига азон айттирадилар. Аммо бу азон бола қулоғига янграган биринчи товуш бўлмайди. Унгача бола кўп

яхши-ёмон сўзларини эшитишга улгуради. Бу эса охир оқибат ўз натижасини бериб, янги авлод эътиқодсиз кимсаларга айланиши мумкин.

Айтишларича, илгари еттинчи кунда чақалоқнинг қорин сочи олиниб, шу кунини унга исм берилган. Исмни эса маҳалла имоми улуғ китобларга қараб таълаган.

Тўхтовсиз равишда дин пешволарини беҳурмат қилишимиз, саллаланинг орқасидан тош отишимиз натижа-сида асрлар давомида амал қилиниб келинган бу удум ҳам оёқ ости қилинди. Натижада, оиланинг биринчи фарзандига момо-бува исм танлаб, қолганларига ота-она эгалик қилишди. Охир-оқибат мусулмон оилаларда ҳеч қандай мазмунни аңглатмайдиган бачкана исмлар ҳам пайдо бўлди. Ваҳоланки, исм гўзал, маъноли бўлиб, у бола тарбиясига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши, болани ёмон хулқ-атвордан асраб туриши лозим.

Бола туғилгандан кейин еттинчи кунда «ақиқа қурбони» қилиш ҳам бир расмдан чиқиб улгурганди. Лекин бугунги кунда ақиқа япа мусулмон оилалари бажо эътибордан маросим сифатида қайтадан кириб келмоқда. «Ақиқа»да ўғил бола учун иккита, қиз бола учун битта қўй қурбон қилинади. Айтишларича, «Ақиқа» қурбони боланинг саломат бўлмоғига сабаб бўлар эмиш<sup>1</sup>.

Фарзандлар соғлиғи учун ақиқа ўтказиш ҳозирги кунда кўпроқ Тошкентда ёйилган. Бунда келган меҳмонлар бир уйдан ошмаслиги шарт. Даврада уламо-ю, фўзалолар иштирок этиб Қуръони Шарифдан суръалар ўқийдилар. Шуниси борки, ақиқада спиртли ичимлик ичадиган, Аллоҳ таолога эътиқодсиз одам қатнашмагани маъқул. Ақиқа руҳи, кўнгли поклар учун мўлжалланган маросимдир.

## БЕШИКЛИ УЙ ДАВЛАТЛИДИР.

Октябрь пнқилобидан сўнг халқни ўз кўҳна маданиятидан беҳабар қолдириш сари бошланган салб юришлар иштирокчилари бешикни ҳам унутмадилар. Бешик нимаси билан зарарли экаплигини исботламаган ҳолда унга тошлар отлаверди, жуда кўп ўзбек хонадонларида эса улуғ бешик чордоқдан, ўтин-тахта олдида жой олди. Болалар шифохоналари ва туғруқхоналарда бешикка қарши тушунтириш олиб борилди. Биз бешикда болалар иқтидорини йўқотиб қўямиз, деб қўрқдик.

<sup>1</sup> Муошарат одоби. Тошкент, «Меҳнат» нашриёти 1991 й. 17-бет.

Аммо афсуслар бўлсинки, ҳазрати Алишер Навоийга, жаҳонгир Амир Темурга, Улуғбекка, Бобурга, Подира-ю Увайсийга нега бешик ўзининг ёмон татсирини кўрсатмади экан, деб бир бора бўлсин ўйламадик. Ўйласак ҳам дардимизни ичимизга ютдик. Биздан аввал ўтганлар бешикни яланғоч қўйишни катта гуноҳ санаганларини унутдик.

Бугунги кунда ёруғ дунёга келишни билан бегона сутин эмаётган, осма ҳиссиз темир бешикларда улгаётган болалар юқорида номлари сапалган момо-ю, боболаримизга муносиб бўлиш бахтига муяссар бўлишармикни?

Тўғри, ҳамма нарсанинг ўз меъёри бор. Ҳатто асалнинг кўпи зарардир. Опалар бешик зарарли деб уни улоқтирганлари каби, зарарсиз деб болали кеча-ю кундуз бешикка боғлаб қўйишдан ҳам ўзларини тийганлари маъқул. Бола организми эркин ҳаракатлар давомида ривожланиб боради. Демак, уни тез-тез бешикдан ечиб олиб оёқ-қўлини эркин қўйиш ҳам керакдир. Қолаверса, бу вақт давомида бешик ичи шамоллатилиб, офтоб тушар жойга қўйилгани маъқул. Бешикдан қандай фойдаланишни билган узбеклар ундан воз кечкилари келмайди. Шунинг учун ҳам ўзлигини унутмаган юзлаб халқ ҳунармандлари ҳамон бешик ясашда давом этиптилар. Бешикни ҳамон харид қилишяпти. Ва керак эканки, уйларининг тўрига қўйяптилар.

Дунёда ҳеч бир лаззат фарзанд ўрнини босмайди. Фарзанд кўнгил гавҳари, юрар йўлнинг шамчироғидир. Опалар ўғил-қизни эсини таниб, кўзга кўриша бошлаганда «илоҳим боласини кўрай, эркалаб суяй», деб фотиҳа қиладилар. Шунинг учун ҳам «мевасидан дапаги ширин», деб гапирядилар.

Қайси миллат—элат бўлишидан қатъи назар момолар тугилмаган невараларига атаб жажжи кўйлак-иштончалар тикиши бизга азалдан маълум. Момо ҳар қатим тортганида «илоҳим ўзинга буюрсин, доғини тортмай» деб шивирлайди. Ўзинча неварасини бу либосларда тасаввур қилади.

«Онам Моҳим бегим келишлари Бека бегим ва Ҳумоюннинг хотини Меважон ҳомпладор бўлганида усти пуқул олтин ва пуқрадан иборат яроқ ва йўрқон тайёрлаб» қайсингиз ўғил туғсангиз шунинки», дедилар<sup>1</sup>, деб ёзган эди Гулбаданбегим.

<sup>1</sup> Ҳумоюннома. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг нашриёти Тошкент, 1959 й., 43-бет.

Ўша пайтлар ёш шаҳзодалар гўдаклигиданоқ от ўй-натиш, қилич чопиш сабоғи билан таништирилган. Ва бу ҳунарларни билш ҳақиқий эркак иши саналган. Сабаби, она ерни, Ватанни ҳимоя қилишда айнан мана шу шаҳзодалар қўшин бошида борганлар. Демак, Моҳим бегим яроқ ҳозирлаб, туғилажак неваралари тимсолида ҳақиқий эр йигитларни кўрган.

Тугилмаган неварага яхши ният билан совға ҳозирлаб қўйиш бугунгача асралиб, ҳозир ҳам сақлаб қолишган.

Ўғил бола авлод давомийлиги, қиз бола миллат боқийлигидир, дейдилар. Сабаби, қиз бола миллатга япа ўнлаб фарзандлар етиштириб беради. Ва уни қай тарзда, миллатга садоқат ёхуд аксинча тарбиялаш фақат уззукун фарзанд билан бирга бўлган опага боғлиқдир.

Лекин хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин — оилага гўдакнинг келиши чипакам байрам. Ўша куни хонадон нурга тўлгандек бўлади. Унинг жимитдек қўлчаларини ҳар ким тезроқ кўргиси келади. Жумҳуриятимиз вилоятларида чақалоқни «бувак, жижи, нини, чаққи» каби ўнлаб номлар билан атайдилар. Ва бу аташларда болага болаларча меҳр йўғрилган муносабат яшириниб ётади.

Ўзбекларнинг барча уруғида қизнинг онаси унинг биринчи фарзанди учун бешик безайди. Бешик, бешик усти ёпқичлари, кўкрак ва оёқ кўрпача, қўлбов, ёстиқча, тувагу сумак — барча барчаси янгидан сотиб олинади ва тайёрланади. Буларни тайёрлаш, уларни сотиб олиш момога завқ беради. Қайта-қайта худога, яратганга шукр қилиб, керакли нарсаларни тахт қилади.

Бешикни тоға елкасига қўйиб келади. У давлат келтиргани учун ҳам чопон ва белқарс берадилар. Шуниси борки, ҳеч маҳал бешик яроқларини камситиб бўлмайди. Улар қандай матодап тайёрланмасин яхшиликка хизмат қилади. Қайнонанинг олдида ҳам қизлари бор. Шунинг учун ҳам у «илоҳим бешик безаш менгаям насиб этсин», деб ният қилиши керак. Зероки, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди.

Умид билан қурилган оилаларга бешик тебратиш — катта бахт. У давлат, мулк сифатида ҳар бир хонадонга омонлик рамзи бўлиб киради.

## ТИЛЛА СУВИГА ЧЎМИЛГАН ҚИЗ

Оилада янги фарзанднинг дунёга келиши азалдан шоду хуррамлик келтирган. Авлоднинг давомийлиги одамларни чексиз шодлантирган. Миллатнинг болажонлигини

исботловчи далилни эса истаганча топиш мумкин. Ўзбеклар эшигини чертган болага ҳеч қачон «нима керак» демайдилар. «Кел ўғлим ёки қизим» дейдилар. Болаларнинг орқасидан эргашиб келган қўшни болаларни ҳеч маҳал уйдан қуруқ чиқармайдилар. Иттифоқдаги қаҳрамон опаларнинг эллик фойизга яқини ўзбек аёллари эканлигини эслашнинг ўзи фикримизни яна исботлайди. Улар оплада фарзанд туғилса «Э, бу бешинчи ёки олтинчи-ку, орзу-ҳавас чикора», демайдилар. Гўдакни худо юборган элчи, деб биладилар.

Болани тоза сувга солаётганларида бир парсага эътибор қиладилар. Аввало она бупгача ўз устидан бир бора тоза сув қуйиб олади. Ва чўмилишдан сўнг ҳеч маҳал бола ётган уйга бостириб қирмайди. Аксинча, момо чўмилган она ўтирган хопага болани кўтариб келади.

Болани чўмилтириш учун қайнаган сувни совутиб қўядилар. Ва қайнона сувга тиқилган оёғи устига болапни қўйиб, уни чўмилтиради. Сувга албатта туз ташлайдилар. Улуғ ҳаким Абу Али ибн Синонинг тузли сувга чўмилган бола баданига микроб ёпишмаслигини, улар яра-чақалардан бир умр узоқ бўлишини исботлаганини момоларнинг ҳаммаси билишади.

Қорақалпоғистонда сувга гўшт, тухум пўчоғи, танга, мунчоқ, узук, ошиқ ташласалар, Бухорода эски тупроқ, ражабий узук ва танга ташлайдилар. Андижонда эса чақалоқнинг (агар қиз бўлса) онаси ва момосининг барча тақинчоқларини сувга ташлайдилар. Ва бу чақалоқ яхши қиз бўлиб, тагли-тахтли, бахтли бўлиб кетса, «тилла сувига чўмилган-да», дейишади.

Хўш, болани ким чўмилтиради?

Жиззах, Қорақалпоғистон, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқандда куёвнинг онаси чўмилтирса, Наманган, Фарғона, Андижон ва Бухорода кексароқ кампир чўмилтиради. Ҳар икки ҳолатда ҳам ёшлар танланмайди. Бу билан болага шу кексалар умри тиланади. Боланинг устидап тоза сув қуйишда ҳам шунга амал қилпнади. Андижонда чақалоқнинг қирқи чиққан куни «қирқ сув» маросими бўлиб ўтади. Бу куни болакай яна чўмилтирилиб, озодаланади. Унинг бошидан илиқ сувни маҳалланинг энг қобил боласи ёки қизалоғи қуяди. Албатта, бунда сув қуювчи билан чақалоқнинг жинси бир хил бўлиши керак. Мана шу сув қуйиш яхши болага топширилар экан, бу нарса қолган болаларга таъсир қилмай қолмайди. Улар яхши бола бўлишни, бировнинг чақалоғи бошидан сув қуйишни орзу қиладилар. Бу эса ўз-ўзидан

қўли кўксидан турадиган, одобли, ҳақиқий ўзбеклиги бор-борича акс этиб турган йиғит-қизларнинг вояга етишига сабаб бўлади.

### АЛОС-АЛОС — ЕМОН БАЛОДАН ХАЛОС...

Гарчад бешик янги бўлишига қарамай, бола тўғридан-тўғри бешикка беланмайди. Сабаби, аввало у бешик ҳолига келгунча печани бор уста ҳовлисида қоронғи кечада қолиб кетган, дейдилар. Ва бу ёлғизликда унга инс-жинс плашган, деб гумон қиладилар. Шу сабабдан ҳам Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятининг айрим туманларида бешикни кўтарган қайнона олов устидан сакрайди. Олов инс-жинсларни қувади деб ишонадилар. Мабодо беланмаётган бола оиланинг иккинчи фарзанди бўлса ҳам бу иш бажарилади. Сабаби ўртада маълум вақт бешик ёлғиз қолган, дейдилар. Ҳатто чақалоқ онаси билан бир-икки кунга меҳмонга кетган бўлса ҳам оловдан икки-уч сакратиб оладилар.

Ургутда кўк, қизил рангли латталардан етти тасини ёқишиб бешик атрофи, ости ва устидан айлантисалар, Қорақалпоғистонда гугурт чақилиб уч марта ичидан, уч марта ости ва устидан айлантирилади. Бухорода боши томонга учта, оёқ учидан учта ва тувакка учта олов ёқсалар, Сурхондарёда бешикка етти бўлак нахта қўйилиб ёқилади. Бешик эса албатта ўчоқда ёниб турган оловдан сакратилади.

Буларнинг «ҳаммаси ҳурофот-ку» дейиши мумкин дегир балки. Эҳтимол, шундайдир. Аммо олов бизнинг аждодларимиз учун ёруғлик рамзи сифатида қабул қилинган. Ёруғлик ҳозир бўлган жойда ёмонлик, ёвузлик бўлмайди. Момолар эса, сиз билан бизнинг зўр бериб ақл ўргатишимиздан кўра, кўпроқ ўз билганларидан қолмайдилар.

### ТОШ БОЛАНИ СОЛАМАН

Жумҳуриятимиз вилоятларида болани бешикка солиш албатта тоқ кунга белгиланади. Ва бу беландан ташқари янги бешик келганда ҳам биз юқорида санаган урф-одатлар асосида қайтадан беланади.

Кўриб турибсанки, бола белангунча ҳам кўндан-кўп удумлар бажарилади. Аввало бешикка тоқ сонли кўзми-чоқ, туғдона осиб қўядилар. Айтишларича бу назар, суқдан болани асраган. Боланинг тушган киндиги ҳам боши томонга осиб қўйилади. Гўёки, шунда бола ўз жисмидан ажралган бўлакни излаб йиғламасини.



Сурхондарёлик момолар боланинг ич кўйлагини уч марта осмонга отиб илтиб оладилар. Сунгра бу кўйлак отини қозғиға, итининг бошига кийдириб олинади. Шундан кейин қоқиб суқиб болага кийдирилади. Хўш, нега улар айнан бу ишни бажаришда ит ва от қозғини танлайдилар. Аввало ит одамзотнинг энг вафодор дўсти. Қолаверса ит унча-мунча касалликни писанд қиладиган жонивор эмас. От қозғинининг ҳам ўз рамзий маъноси бор. От магрур ҳайвон. Ҳар доим қаддини кўтариб, кишига тик боқади. Эҳтимол бу одатларда маана шу икки ҳайвондаги энг яхши хислатлар болага ҳам ўтсин, деб қилинган ният яширишдир.

Наманганда чақалоқ чилласи ичида кийган кўйлактарни яна қайтиб кийдирилмайди. Мабодо опа буни унутиб қўйиб кийдирса-ю, бола йнгласа чилла кўйлак чақди, дейишади. Эҳтимол, бу билан ҳам оналар ҳақдир.

Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида бола бешикка белангунча ўнма-ўн қилиб, сўнгра беланади. Сурхондарёда бешикка ойна, тароқ қўйилгач оёғи бош учига узатилиб, ётқизилган болани кекса кампир ушлаганича «ўн бўлсин, ўн бўлсин», деб икки марта тебратади. Шундан сўнгина ўн ётқизадилар.

Ургутда бола белангунча ўтказиладиган ўйинининг ўзига бирор соат сарф бўлади. Маҳалланинг энг кекса момоси қўғирчоқни тескари ётқизиб «бундайми» деб сўрайди. Бир уй аёл эса «иғўқ бундай эмас, бошини ёстиққа қўйинг», деб чувиллашадилар. Кампир атай яна потўғри ётқизиб, сўрайверади. Қўғирчоқ тўғри ётқизилгач, бу ўйин узунгина тошқайроқ, тароқ, пичоқ билан ҳам бажарилади. Энг охирида бола беланади.

Ўзбекларда ҳеч маҳал бола ўзи ёлғиз қолдирилмайди. Ёлғизлик худога хуш келмайди, деб биладилар. Шунинг учун ҳам Бухорода бола бош учига кулча, пичоқ, саримсоқ. Наманганда кулча, туз, исприқ, пиёз, Сурхондарёда ойна, тароқ, Тошкентда тароқ, ойна, пичоқ, гармдори, кўзмунчоқ, Самарқандда тошқайроқ, тароқ, атай кулча, пиёз, қалампир, Андижонда тош, айрим жойларда кулча, Қашқадарёда кўзмунчоқ, кулча, пичоқ, пиёз, туғдона каби нарсалар қўйиб қўядилар. Бу қўйилган нарсаларнинг ўз рамзий маънолари бор.

Кулча, туз ризқли бўлсин, пичоқ—яроғи, кўзмунчоқ, тароқ, туғдона назар—суқдан сақлапсин, пиёз, саримсоқ, исприқ, гармдори — ине-жинслар қўрқсини учун, ойна — ёруғлик, тош, тошқайроқ — боланинг боши тошдан қаттиқ бўлсин деганидир. Бу нарсалар болани омон сақлаши-

га, унга ёлғизлигини билдирмай туришига опалар қаттиқ ишонадилар. Андижонда бола беланишдап аввал арпа ва буғдой момолар бешикка омонатгина ўтириб, қуйндагича сўз ўйини қиладилар:

— Вой, туринг тош боламини соламан, — дейди бпри.

— Вой, сиз туринг меп боламини соламан, — дейди иккиичкен. Шундан сўнггина бола беланади, то у бешикдап чиққунча эса ёстиқ тагида «тош бола» ётади.

Жумҳуриятимиз вилоятларида болага соғлиқ, омонлик тилловчи бу одатлардан ташқари яна бир қанча одатлар ҳам борки, улар болага феълӣ юмшоқлик, узоқ умр тилаш билан ҳам изоҳланади.

Қорақалпоғистонда бола беланишдан аввал элти (ходим) момо уни онаси елкасига ўтпргизиб «опанг иш буюрса йўқ дема», деб тайинлайди. Демак, момоларимиз бу билан болага йўргагидан тарбия бериш керак, деган ўғитни олдинга сурадилар.

Ота-она учун фарзанд соғлиғи, унинг умри узоқ бўлишини тилашдан бошқа ният бўлмаса керак. Буюк бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур фарзанди Ҳумоюн Мирзо дардга чалинганда: «Мешки Бобурмен, умри жонимни Ҳумоюнга бағишлайман» деб «дуо қилишсин» деб сўрайди. Оллога қилинган бу илтижо етиб бориб, Ҳумоюн Мирзо дарддан фориғ бўлиб, Бобур тўшакка ётиб қолади.

Болага узоқ умр тилаш белаш чоғида бажариладиган одатларда ўз аксини топади. Ургут, Самарқанд шаҳри, Қорақалпоғистоннинг баъзи туманларида умри узоқ бўлсин, деб чақалоқнинг момоси, буvasи, дадасининг кийимларидан еттитаси бешик устига ташланса, Қашқадарёда серфозани, серуруғ бўлсин деб, қуроқ ёстиқ тайёрлайдилар. Ургут, Бухоро, Жомда ризқли бўлсин деб, бешик устига дастурхон ташласалар, Андижонда феълӣ юмшоқ бўлсин деб, болиш ташлайдилар. Жомда меҳри иссиқ бўлсин деб, пўстак<sup>1</sup> ташлаб, умри узоқ бўлсин деб энг кекса момонинг кўкраги бола оғзига солинади. Бу одатларнинг замирида фақат яхшилик, эзгулик ҳукмрондир. Эҳтимол шунинг учун ҳам улар завол топмай шу бугунгача яшаб келаётгандир.

Бола илк марта бешикка беланганда ва то унга ўргангунча ҳар гал беланаётганда бир қўрқиб йиғлайди. Айни унинг қўрқмаслиги учун жумҳуриятимиз вилоятларида бола илк беланганда «отанг бақириб келса қўрқмагин,

<sup>1</sup> Қўйнинг тозаланган терисидан учтасини бириктириб, тикилиб тайёрланадиган тўшак.

аканг йиғлаб келса қўрқмагин» деб, бош учида ёнғоқ чақиб, поввот маңдалайдилар. Айрим жойларда ўқлоғи билан бешик устига урадилар. Бу билан болани қўрқмас, ботир бўлишга, тинч ётиб, тинч туришга чақирадилар. Қорақалпоғистон ва Сурхондарёда унинг типч ухлашини тилаб, элти момо бешик тўйига ташриф буюрганларнинг кўзигадаги уйқусини олиб беради.

Сурхондарёда узун бир ин олишиб, ким уйқусини берса ин бир марта тугилади. Бу ерда кўпроқ «айбдор» бўлган ота ҳар икки кўзининг уйқусини беради.

Албатта, ўзбекнинг меҳмон кутиши ҳеч маҳал қуюқ-суюқ таомсиз ўтмайди. Жумҳуриятимиз вилоятларида боланинг бешикка солиниши маросимида қудрати етганча дастурхон ёзадилар. Дастурхон тузашнинг белгилаб қўйилган қопуш-қойдалари мавжуд эмас. Шусиз ҳам халқимиз меҳмондўст, меҳмоннавоздир. Буни биз катталарга дастурхон безалиши билан бирга кичикларнинг ҳам унутилмаганлигида кўрамыз.

Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятларида бола бешикка белангач, она ўнг томондан эмизади ва четига сариёғ суртилган ноннинг бир четидан типлайди. Буни бир тетикроқ бола олиб қочади. Ўттиз-қирқ бола уни қувлаб етиб, бўлишиб оладилар. Бундан ташқари, Қаршида болакайларга бўғирсоқ, нишолда, Қамашда бўғирсоқ, нон, конфет, Андижонда кулча, поввот сувига тайёрланган ҳолвайтар, Самарқандда ёнғоқ ва ширинликлар, Қорақалпоғистон ва Хоразмда чурак, бўғирсоқ, Намапганда қанд, тапга, бодроқ, ерёнғоқ, Тошкентда тешик кулча, буғдой қўғирмоч каби егуликлар тарқатлади. Бу нарсаларга оғзи теккан болалар чақалоқчага умри узоқлик, тани омонлик тилайдилар. Унинг уйқу дамлари оромдан иборат бўлишини тилайдилар.

Бола ҳар галги беланишдан олдин оналар: «Эгалари келди, кучуклари кетсин», «Жижги кирсин бешикка, шайтон чиқсин эшикка», «Инс-жинслар келсин, бачам муродига етсин» каби айтимлар айтадилар.

Болани бешикдан етганда «бешиги тахта, орқаси пахта» деб уч бор такрорлашни унутмайди. Демак, уч бор бешикнинг бола елкаси тўғри келадиган жойига ва бола елкасига оҳиста шапатиланади.

Бу ўз-ўзидан бола елкасининг ёпишмаслигига, унинг потинч бўлмаслигига сабаб бўлади.

Боланинг тинчлигини ўйлаб чақалоқчанинг тирпоғи ва қорин сочини ҳар ким олишга йўл қўймайдилар. Қорин тирпоғи қирқ кунда ва қорин сочи эса чилла чиқ-

қунча олипади. Бола бир ёш бўлгунча қайта ўсган сочи-га тегилмайди, бир ёшга тўлган кунни эса ували-жували бир кекса бола сочининг бир тутамини қайчида олади. Бу мусулмонларда «дук урди» деб аталади. Қолган сочини ота-она олиб ташлаб, серфарзанд бўлсин деган ниёт билан мевали дарахтнинг тагига кўмадилар. Айрим тилаб фарзанд кўрган опалар бола бир ёшга етганда сочи олинишини катта маросим сифатида ишполаб, буни «Соч тўйи» деб атайдилар.

«Соч тўйи»да ҳам қарипдош-уруғ, қўни-қўшни чақирилиб, зиёфат берилади. Шу ерда ҳозир бўлганлар болага тап сиҳатлик, умри узоқлик тилайдилар.

Дук урилгач, бошининг орқа томонида бир тутамгина соч қолдирилади. Бу айрим жойларда кочил ва эргаш деб аталади. Яъни, бола орқасидан укалари эргансин деганидир. Бу онлада иккинчи фарзанд тугилгандан сўнггина эргаш олиб ташланади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам боланинг тинч ором олишини алласиз тасаввур қилиб бўлмайди. Алла нафақат бола юрагига, ҳатто катталар қалбига ҳам ширин туйғулар олиб киради. Ривоят қилишларича, қадим замонда бир зolim подшоҳ бўлган экап. У бир кунни мамлакатдаги барча қўшиқчиларини чақириб, энг яхши қўшиқ танлови учун уларни навбатма-навбат қуйлашга мажбур этибди. Ва кимнинг қўшиғи ёқмаса бошини таппдан жудо этти-раверибди. Ахйир, бир кекса онахонни келтирибдилар. У кўзларини юмиб бир ажиб қўшиқ — алла бошлабди. Шоҳ эса қўшиқ давомида юм-юм йиғлабди. Чунки бу аллада халқнинг орзу-армонлари мужассам этилган экап.

Оналар бола тарбиясини алла орқали бошлайдилар. Чунки алла онанинг юрак томирлари орасидан боланинг юрагига оқиб киради:

Алла болам аллаё,  
Қўзичогим аллаё,  
Онасининг эркаси,  
Овунчогим аллаё.  
Алла қилай қулоқ солгин,  
Алла деган сўзима.  
Эркатоийм ҳамиша  
Нурлар тўлсин кўзима.  
Оппоққина қўлидан,  
Онагинаси айлансин.  
Мунчоқдайин кўзидан  
Огагинаси айлансин.

Катта тутнинг танаси  
 Айлансин бундан момоси.  
 Ажириқнинг толаси  
 Айлансин бундап холаси.  
 Тубасининг сочидап  
 Тўрт уруглар айлансин.  
 Елкасининг сочидап  
 Етти уруглар айлансин.  
 Тубагининг остидап  
 Туркман эллар айлансин.  
 Қўлбовининг остидап  
 Қўнгирот эллар айлансин.  
 Алла болам аллаё,  
 Қўзичогим аллаё,  
 Онасининг эркаси,  
 Овунчоғим аллаё,  
 Алла менинг, ой болам,  
 Боғлардаги дўлонам-а,  
 Қўздан, суқдап асрасин-а,  
 Бешикдаги тугдонам-а.  
 Тоққа чиқсин тараниб,  
 Адрас тўнга ўралиб.  
 Алла-ё болам алла-ё,  
 Юлдузгинам алла-ё.  
 Ҳаволар ёгсин қир, товга-ё.  
 Туялар келсин матовга-ё,  
 Туяни соғсам ияди-ё,  
 Қўли қўлига тегади-ё.  
 Алла қилай алла-ё,  
 Асал болам алла-ё.  
 Қора кўзим, овунчоғим  
 Дури лаълдура алла-ё  
 Жовринлари жорқиллаб,  
 Тунлари кийсин алла-ё.  
 Бўйраклари бурқиллаб  
 Бедов минсин алла-ё.  
 Уйпаб келсин овлоққа,  
 Юкини ортсин тойлоққа.  
 Менинг қорақўз болам  
 Ярашади тойчоққа.  
 Алла болам алла-ё,

1 М а т о в — икки оёқни жуфт қилиб боғлаш.

2 Бу қўшиқ 65 баҳорин қаршилаган онажоним Хадичабону Худойқул қизидан ёзиб олинди.

Овунчоғим алла-ё.  
Уйқудан қошиб турсин  
Қўзичоғим алла-ё\*.

## ХОТИМА

Туркий халқларнинг келиб чиқиши тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Шу давр мобайнида туркий халқлар ҳар жиҳатдан шаклланди, камол топди. Унинг олтин бешигида оврупони таиғ қолдирган не-не даҳолар, улуғ сиймолар етишиб чиқмади дейсиз. Халқларнинг буюклиги, улуғлиги мана шу фарзандлар салоҳияти билан ўлча-нади.

Қолаверса, бу халқларнинг ижодкорлигининг ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Унинг ижодкорлиги шундаки, оғир феодализм даврида ҳам қийинчиликни таи олмади. Таи олмагани ҳолда зулм ва истибдодга қарши дostonлар, қўшиқлар, аскиялар тўқиди. Қўшиқлар билан ўзининг эзилган, ўксиган кўнглини кўтарди. Опалари бешикни алласиз тебратмади. Ва мана шу аллалар ҳақиқий инсонни тарбияловчи бир восита ролини бажарди. Афеуски, Октябрь революциясидаи кейин кўнлаб оз сонли миллатларнинг тарихи ва маданиятини инкор этишга бел боғлаган «салб юриш» иштирокчилари ўзбек миллатини ҳам «унутиб» қолдиришмади. Унинг урф-одати, маданияти, барча-барчаси таи олнмай келинди. Ҳатто ўғил тўйи, соч тўйи, бешик тўйи, домлага шикоҳ ўқиттириш, совчилик, дастурхон йиғилаётганда яхши ният билан юзга фотиҳа тортишгача ҳеч аямай эскилик сарқити деган тамга билан қатағон қилинди. Тўйлар ўз-ўзидан ёр-ёрсиз ўтадиган бўлди. Энг ачинарли жойи шундаки, бу ҳужумда айнан шу миллатдан етишиб чиққан инеллар ҳам фаол қатнашдилар.

Яхшики, мамлакатимизда эса бошлаган ошкоралик шабадалари натижасида, кўксидан миллий гурури ари-маган муҳтарам бобо ва момоларимиз билганларини сўзлаб беришдан эринишмади. Натижада ривоятлар қанотида сақланиб қолган халқ урф-одатлари, расм-русумлари ўрганилиб, матбуот саҳифасига олиб чиқила бошланди.

Шу маънода ушбу рисолаи халқ олдидаги фарзандлик бурчимни бажариш йўлидаги бир уриниш деб билмоқ керак.

Ушбу мўъжаз китоб билан тераи мавзуга нуқта қўйиб бўлмайди. Миллий урф-одатларининг очилмаган қирралари ҳали ўрганишга муҳтож.

## МУНДАРИЖА

### I. СОВЧИЛАР — ЭЛЧИЛАР

Совчининг келиши . . . . .	5
Синов удумлари . . . . .	11
Совчи кутиш . . . . .	15
Ота рози — худо рози . . . . .	17
Нон сиңдирар (Фотиҳа туйи) . . . . .	18
Қиз сени . . . . .	20
Қиз оши . . . . .	22
Хиба ёқар . . . . .	23

### II. НИКОҲНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ

Диний никоҳ керакми? . . . . .	24
Туй келди, суруви катта куй келди . . . . .	27
Қуда кутиш . . . . .	30
Қуда дастурхони . . . . .	31
Кув товоқ . . . . .	32
Рўмол ёзди . . . . .	33
Кар ота . . . . .	33
Кув улоқ . . . . .	33
Қиз айтар . . . . .	34
Уйнинг безалиши . . . . .	34

### III. ҚАДРИЯТЛАРИНИ УНУТМАЙЛИК

Момолар ёди . . . . .	37
Умрнинг сеҳрли фасли . . . . .	41
Симобий саллаи йиғит . . . . .	42

### IV. ЧИРОҒНИНГ ЎЧМАСИНИ, ОЙ КЕЛИНИ!

Поёндоз солиш . . . . .	46
Қиз келтирар . . . . .	46
Сочқи сочар . . . . .	47
Оёқ босар . . . . .	47
Чироқ айлантирар . . . . .	48
Ойна қаратар . . . . .	49
Асал ялатар . . . . .	9
Соч сийна . . . . .	50
Инак чатар . . . . .	51
Бугдой тўлдирар . . . . .	51
Оқ фотиҳа беринг, отаёғон . . . . .	51
Арава безар . . . . .	52
Арқон ташлар . . . . .	53

### V. НУР ТўЛА НИ

Кўнғил пидоси . . . . .	54
Келин кутиш. Айтишув нима? . . . . .	56
Келин ўтирмаяпти . . . . .	60
Яхши пият, ярим давлат . . . . .	61
Келин кўрсатар . . . . .	62
Келин юз очди . . . . .	63
Келин ош емади . . . . .	64
Келин салом . . . . .	66
Тахт солди . . . . .	68
Тахт йиғди . . . . .	69
Таъзим тутмоқ ва чой узатиш санъати . . . . .	70
Кув чақириқ . . . . .	72

## VI. БЕШИК ҒУЙЛАРИ

Болалининг бели чинор . . . . .	75
Бешикли уй давлатлидир . . . . .	76
Тилла сувига чўмилган қиз . . . . .	78
Алос-алос — ёмон балодан халос . . . . .	80
Тош боламни соламан . . . . .	80
Хотима . . . . .	86

Популярное издание

*На узбекском языке*

МАРДОНОВА ГУЛЖАҲОП АМАНОВНА

ДОМ ЗАПОЛНЕННЫЙ СВЕТОМ

*Издательство «Меҳнат» — Ташкент — 1992*

Бўлим мудири С. Мўминов  
Кичик муҳаррир Ш. Ғофурона  
Мусаввир И. Сучилина  
Расмлар муҳаррири О. Баклыкова  
Техник муҳаррир В. Бахронов  
Мусаҳдиха М. Тожиева

ИБ № 1131

Теринга берилди 05.10.91. Босишга рухсат этилди. 16.04.92. Ғлчами 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 2. қоғозга «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Шартли. б. т. 4,62. Шартли буёң улчами 4,83. Нашр т. 4,5. Тиражи 20000. Буюртма № 265. Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий 30. Шартнома № 98-91. Ғзбекитон Республикаси Матбуот Давлат комитети, Тошкент «Китоб» нашриёт-матбаа бирлашмасининг 3-босмахонасида босилди. Тошкент, Юнусобод, Муродов кучаси, 1.